



IMV
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI



ИҚЛИМ ҶЗГАРИШИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ: ЎЗБЕКИСТОН



Муаллифлар: Джон Ворд
Ваан Сирунян
Шохрух Ишанкулов
Уткиржон Холбадалов
Александра Хван

«Иқлим ўзгариши соҳасида давлат харажатлари ва институционал таҳлил: Ўзбекистон» нашри БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД), Франциянинг Хамкорлик агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилаётган «Ўзбекистонда БРМ асосида бюджетлаштириш ва яшил бюджетлаштириш услубиятини ва амалиётини тадбиқ этиш борасида миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш» номли қўшма ташаббуси доирасида тайёрланди.

Ушбу нашрда келтирилган фикр ва ҳулосалар муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТТД ва БМТга аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) қашшоқлик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши сабабли пайдо бўлган адолатсизликка қарши курашда БМТнинг етакчи ташкилотидир.

170 та мамлакатдаги кенг экспертлар ва ҳамкорлар тармоғи билан фаолият олиб бориб, биз одамлар ва сайёра учун мувофиқлаштирилган, узоқ муддатли ечимларни яратишга ёрдам берамиз.

Биз ҳақимизда кўпроқ маълумотни uz.undp.org сайтидан олинг ёки [@UNDPuzbekistan](https://twitter.com/UNDPuzbekistan) ни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг.

МУНДАРИЖА

ҚИСҚАРТМАЛАР	1
УМУМИЙ ТАФСИЛОТ	3
КИРИШ	6
МЕТОДОЛОГИЯ (УСЛУБИЁТ)	8
ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАЧА ТУЗИЛИШИ (БОБЛАР)	8
1.1. КИРИШ	9
1.2. СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТЛАР ВА ЖАРАЁНЛАР	9
1.2.1. Халқаро битимлар, келишувлар ва конвенциялар	9
1.2.2. Қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари	10
1.2.3. Стратегиялар, сиёсий чоралар ва режалаштириш ҳужжатлари	11
1.3. СТРАТЕГИК ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ТУЗИЛМАВИЙ АСОСИ: ТАРМОҚЛАРАРО	13
1.3.1. Ўзбекистон ривожланиш сиёсати ва режалаштиришида иқлим хавфларининг акс эттирилиши	13
1.3.2. Эмиссияни камайтириш мақсадларининг Ўзбекистон ривожланиш сиёсатига интеграциялашуви	15
1.4. СТРАТЕГИК ТУЗИЛМАЛАР: ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ТААЛЛУҚЛИ ТАРМОҚ СТРАТЕГИЯЛАРИ	18
1.4.1. Энергия ишлаб чиқариш (шу жумладан, электр энергияси)	18
1.4.2. Транспорт	20
1.4.3. Бинолар	21
1.4.4. Саноат	22
1.4.5. Сув таъминоати	23
1.4.6. Ўрмон хўжалиги	24
1.4.7. Чиқиндиларни тартибга солиш	25
1.4.8. Табиий офатлар хавфини бошқариш	26
1.4.9. Қишлоқ хўжалиги	27
1.5. МОНИТОРИНГ, ҲИСОБОТ, БАҲОЛАШ ВА ЎРГАНИШ	28
1.6. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	29
2.1. КИРИШ	32
2.2. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАЛАР	32
2.2.1. Иқлим ўзгариши масалаларини тармоқлараро тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича миллий органлар	32
2.2.2. Иқлим ўзгариши соҳасидаги стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органлари	34
2.2.3. Муайян соҳаларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ активларни тартибга солиш ва бошқариш учун масъул бўлган давлат агентликлари	36
2.2.4. Иқлим ўзгаришини кузатиш, эксперт баҳолаш ва инспекция назоратини амалга оширувчи давлат муассасалари	38
2.3. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАЛАР	39
2.4. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҲИСОБДОРЛИК ИНСТИТУТЛАРИ	41
2.4.1. Нодавлат ташкилотлар	41
2.4.2. Илмий-тадқиқот ташкилотлари	42
2.4.3. Олий таълим муассасалари	43
2.5. РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛАР	44
2.6. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	48
3.1. КИРИШ	50
3.2. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР ТАВСИФИ, ХАРАЖАТЛАРНИ БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УСЛУБИЁТИ	50
3.2.1. Иқлим харажатларини таснифлаш	50

3.2.1.1. Таъсирни юмшатиш чора-тадбирлари.....	51
3.2.1.1.1. Таъсирни юмшатиш бўйича "ижобий" чора-тадбирлар	51
3.2.1.1.2. Таъсирни юмшатиш бўйича "салбий" чора-тадбирлар.....	52
3.2.1.2. Мослашиш чора-тадбирлари.....	52
3.2.1.2.1. Мослашиш бўйича "ижобий" чора-тадбирлар	54
3.2.1.2.2. Мослашиш бўйича "салбий" чора-тадбирлар.....	55
3.2.1.3. Иқлим нуқтаи назаридан долзарблиги ноаниқ бўлганда бюджет моддаларининг таснифи ...	55
3.2.2. Иқлим харажатларини ўлчаш	56
3.3. УМУМИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДИНАМИКАСИ	56
3.4. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ УМУМИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДИНАМИКАСИ	57
3.4.1. Иқлим харажатлари.....	57
3.4.2. Иқлим харажатларини молиялаштириш манбалари	62
3.4.3. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет харажатларининг молиявий самарадорлиги	62
3.5. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТУРИГА ҚАРАБ ИҚЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ	62
3.6. ИҚЛИМГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ БЎЛГАН ХАРАЖАТЛАР	63
3.7. АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР	64
4.1. КИРИШ	66
4.2. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МАСАЛАСИНИНГ ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ДАРАЖАСИ	66
4.3. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	67
1-Илова – Асосий меъёрий-ҳуқуқий база, шу жумладан, иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари (2006 - 2022 йиллар).....	71
2-Илова – Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган ўимзолаган иқлимга оид халқаро конвенциялар ва битимлар жадвали.....	74
3-Илова – Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг атроф-муҳит масалаларини қамровчи кафедралари	75
4-Илова – Омборхоналар сектори кесимида иссиқхона газлари эмиссияси, млн тСО ₂ -экв	77
5-Илова – Таъсирни юмшатиш чораларининг тахминий рўйхати.....	78
6-Илова – Мослашиш чораларининг тахминий рўйхати	86
7-Илова – Қўлланилган ҳаволалар	88
8-Илова – Учрашув ўтказилган идоралар ва шахслар	93

ҚИСҚАРТМАЛАР

ОТБ	Осиё тараққиёт банки
ФТА	Франция тараққиёт агентлиги
БЭСБУ (BREAM)	Биноларнинг экологик самарадорлигини баҳолаш усули
ИЙОҲ (BUR)	Икки йиллик оралиқ ҳисобот
МОМИҲ (ЦАРЭС)	Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури
ИББ	Иқлим бюджетини белгилаш
ИЎ	Иқлим ўзгариши
ИЎБИИ	Иқлим ўзгариши бюджети интеграцияси индекси
ТРМ	Тоза ривожланиш механизми
СЭК	Сертификатланган эмиссияни камайтириш
ТК	БМТ ИЎТҲК томонлар конференцияси
СРЕИР	Иқлим ўзгариши билан боғлиқ давлат харажатлари ва институционал таҳлил
МШТ	Мамлакат билан шериклик тузилмаси
ИНИ	Истеъмол нархлари индекси
ТОХБ	Табиий офатлар хавфини бошқариш
ЕМО	Европа ва Марказий Осиё
ESG	Экологик тоза, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган, корпоратив бошқарув доирасида ишлаб чиқилган
ETS	Иссиқхона гази савдоси тизими
ТТХИ	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар
FOLU	Ўрмон хўжалиги ва ердан фойдаланишнинг бошқа секторлари
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот
ГЭФ	Глобал экологик фонд
GGGI	Глобал "яшил" ўсиш институти
GGSF	"Яшил" ўсиш стратегик тузилмаси
ИХГ	Иссиқхона газлари
ГВт	Гигаватт
ИАК	Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиши чораларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаши
ИАИГ	Идоралараро ишчи гуруҳлари
ХРА	Халқаро ривожланиш агентлиги
ХМК	Халқаро молия корпорацияси
ХМИ	Халқаро молия институти
ММБҚ	Иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича миллий миқёсда белгиланиши кўзланган ҳиссалар
INFORM	Хавфларни бошқариш бўйича индекс
СЖМФ	Саноат жараёнлари ва маҳсулотдан фойдаланиш
IRENA	Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро агентлик
ҚКМ	Қўшма кредитлаш механизми
LEED	Энергетика ва атроф-муҳит соҳаларида лойиҳалаш бўйича етакчилик
ДЎПМ	Даромади ўртачадан паст бўлган мамлакат
МвБ	Мониторинг ва баҳолаш
КТТБ	Кўп тарафли тараққиёт банки
ИМВ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
МҲТ	Мониторинг, ҳисобот ва текшириш
МВт	Мегаватт
ММР	Миллий мослашиш режалари
ММБҚ	Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар
ММБҚ2	Янгиланган Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар

НТ	Нодавлат ташкилот
ИХТТ	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти
ДАБ	Дастур асосида бюджетлаш
ДМБ	Давлат молия тизимини бошқариш
ДХШ	Давлат-хусусий шериклик
ҚТЭМ	Қайта тикланадиган энергия манбалари
БРМ	Барқарор ривожланиш мақсадлари
ДЎЮМ	Даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакат
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
БМТТД	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури
БМТ ИЎТХК	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси
"Ўзгидромет"	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги
ҚҚС	Қўшилган қиймат солиғи
ЖБ	Жаҳон банки
ЖМТ	Жаҳон Метеорология Ташкилоти
ЖОҲКХ	Жаҳон об-ҳаво қузатуви хизмати

УМУМИЙ ТАФСИЛОТ

Мазкур ҳисоботда Ўзбекистон учун Иқлим ўзгариши билан боғлиқ давлат харажатлари ва институционал таҳлил (CPEIR) натижалари келтирилган. CPEIR диагностика воситаси бўлиб, учта йўналишдан, яъни сиёсат/стратегия таҳлили, институционал таҳлил ва харажатларни кўриб чиқишдан иборат бўлиб, у иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар мамлакатнинг стратегик ривожланиш йўналишларига қай даражада жорий қилинганлигини, мустақкам институционал тузилмавий асос билан қўллаб-қувватланишини ва давлат бюджетида акс эттирилганлигини биргаликда баҳолайди. Бундан ташқари, мазкур ҳисобот иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар мамлакатнинг давлат молиясини бошқариш жараёнларига қанчалик жорий қилинганлигини кўриб чиқадиган қўшимча таҳлил натижаларини, яъни Иқлим ўзгариши бюджетини интеграцияси индекси (ИЎБИИ)ни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси денгизга тўғридан-тўғри чиқиши бўлмаган давлат бўлиб, умумий ер майдони 448 978 квадрат километрни ташкил қилади; Марказий Осиёнинг марказида жойлашган; Қозоғистон, Туркменистон, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан чегарадош. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп бўлган мамлакат бўлиб, 2022 йилда аҳоли сони 36 миллионни ташкил этди. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 2020 йилда 1,9 фоизга қисқарганидан кейин 2021 йилда 7,4 фоизга ўсди. Ўзбекистон табиий газ, олтин, мис, уран ва кўмир каби ер ости бойликлари бўйича 30 та етакчи давлатлар қаторига киради. Аҳоли жон бошига 5 045 АҚШ доллари (2018 йилдаги ҳисобларига кўра)га тенг бўлган табиий ресурсларига эга бўлган Ўзбекистон табиий ресурслари бўйича Марказий Осиё минтақасида фақатгина Қозоғистондан кейин иккинчи ўринда туради ва бу даромади ўртачадан паст бўлган мамлакат (ДЎПМ)ларнинг ўртача кўрсаткичларидан сезиларли юқори ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши Ўзбекистоннинг келгусидаги тараққиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзгариб бораётган иқлим мамлакатнинг табиий капитали, қишлоқ хўжалиги, ер ва сув унумдорлигига таҳдид солади ҳамда табиий офатлар хавфини орттиради. Жорий асрнинг охирига келиб Ўзбекистонда ўртача ҳаво ҳарорати дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Ҳавонинг ўртача ҳарорати 2090 йилларга келиб 1986-2005 йиллардаги базавий кўрсаткичдан 4,8 °Сга кўтарилиши мумкин. Яқин истиқболда иқлим ўзгариши жисмоний таъсирининг иқтисодий қиймати 2030 йилга келиб ЯИМнинг 1 фоизини ташкил этади, бу эса қишлоқ хўжалигига энг катта таъсир кўрсатади, ундан кейин сув ва биологик хилма-хилликка ҳамда меҳнат унумдорлигига бўлган салбий таъсир ва об-ҳаво билан боғлиқ хавфларнинг ортишига олиб келади.

Мамлакат иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшишда ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин. Бу эса, мамлакатда ўсиш учун янги имкониятларни очиб беради ва Париж келишувида белгилангани каби эмиссияни ноль даражага туширишга эришиш бўйича глобал ҳаракатлар келтириб чиқарувчи хавфларни камайтиради. Мамлакатнинг Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларидан келиб чиқувчи дастлабки мақсадли кўрсаткичи 2030 йилга бориб ЯИМ бирлигига иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилдаги даражасидан 10 фоизга камайтиришдан иборат эди. Бироқ, эмиссияларни камайтириш муҳимлигини эътироф этган ҳолда, 2021 йил октябрь ойида янгиланган Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар (ММБХ)да ушбу мақсадли кўрсаткичнинг 35 фоизгача оширилишига олиб келди. БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги (2021 йилги) Ҳадли конвенцияси (БМТ ИЎТХК) доирасида Ўзбекистоннинг биринчи икки йиллик оралиқ ҳисоботида кўра, 2017 йилда Ўзбекистоннинг умумий иссиқхона газлари эмиссияси 189 миллион тонна CO₂ эквивалентини ташкил қилган.

Бунда, СРЕИРнинг стратегик таҳлили мамлакат иқлим ўзгариши масалаларини ўз сиёсат йўналишларига интеграция қилишда катта натижаларга эришганлигини кўрсатди. Биринчи ММБХнинг эмиссияларни қисқартириш мақсади кенг қамровли 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ўз аксини топган бўлиб, у “яшил” ўсиш борасида катта мажбуриятни ҳам ўз ичига олади. Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари бир қатор муҳим соҳаларга оид стратегияларда ҳам, шу жумладан энергетика секторида (алоҳида эътибор қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган), саноат (асосий эътибор “яшил” саноатни ривожлантириш ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган) ва қишлоқ хўжалигида (кутилаётган иқлим ўзгариши таъсири муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги тўғрисида катта эътибор сув тежамкорлигини оширишга қаратилган) ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда, мамлакат учун бу борада қўшимча ижобий ўзгаришлар имкониятини берувчи иқлим ўзгариши масалаларини миллий стратегияларга татбиқ қилиш билан боғлиқ бир қатор масалалар мавжуд, шу жумладан:

- ҳозирда мамлакатда мавжуд бўлмаган интеграциялашган ва кенг қамровли иқлим ўзгариши бўйича яхлит стратегик ёндашув масаласига эътибор қаратиш;
- ривожланишни режалаштириш ва бюджетни белгилаш жараёнларига иқлим ўзгаришининг интеграциялашувини янада кучайтириш (пастки бўлимга қаранг), шу жумладан, стратегик ва режалаштириш қарорларига иқлим ўзгаришига бардошлилик масалаларини интеграция қилиш учун яқинда яқунланган иқлим таъсирларига тобеълик таҳлилидан фойдаланиш;
- маълумотларни йиғиш ва мониторинг қилиш, ҳисобот бериш, баҳолаш ва ўрганиш жараёнларини такомиллаштириш, шу жумладан иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича мониторинг ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, “яшил” иқтисодиёт маълумотлари “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва иссиқхона газлари эмиссияси мониторинги, ҳисоботи ва текширувларини такомиллаштириш.

Институционал жиҳатдан иқлим ўзгариши билан боғлиқ стратегиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган қатор муассасалар мавжуд. Булар, умуман олганда, оқилона ташкил этилган ва аниқ институционал ваколатларга эга. Бироқ, иқлим ўзгариши масалалари бўйича институционал жиҳатдан мустақамланиши муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳалар мавжуд. Энг муҳим ҳаракатлардан бири иқлим ўзгариши сиёсатида манфаатдор бўлган турли муассасалар ўртасида мувофиқлаштиришни кучайтириш учун Иқлим ўзгариши бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия тузишни яқунлашдан иборат. Ҳукумат, шунингдек, иқлим ўзгариши бўйича мавжуд стратегия ва ҳаракатларнинг мувофиқлиги ва тўлақонлилиги тўғрисида маслаҳат бериш учун мустақил маслаҳатлашув механизминини ташкил қилиш орқали илғор халқаро тажрибага амал қилишни кўриб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, ваколат доирасига иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган масалалар кирган республика ёки маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари доирасида ҳукуматга тегишли эксперт билим ва тажрибани тақдим этиш имкониятини зудлик билан ошириш зарурияти мавжуд.

Харажатларни таҳлил қилишда Ўзбекистондаги амалдаги бюджет тизимининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи махсус услубидан фойдаланилди. Мазкур услубиётни қўллаш шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда бюджетнинг 10-11 фоизи (ЯИМнинг 2-3 фоизи атрофида) иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган тадбирлар қаторига киритилган. Буларнинг асосий эътибори қишлоқ хўжалиги, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларига қаратилган. Шунингдек, мазкур харажатлар иқлим ўзгаришига мослашишни қўллаб-қувватловчи тадбирларга қаратилган бўлиб, бу умумий иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатларнинг тахминан

95 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон бюджетида иқлимга салбий таъсир кўрсатувчи харажатлар ҳам мавжуд, бироқ улар 2020-2022 йилларда бюджетнинг 0,9 фоизидан 0,6 фоизигача (ЯИМга нисбатан 0,2-0,1 фоиз) камайган. Булар асосан минерал ресурслардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш харажатларига тааллуқлидир.

Иқлим ўзгариши бюджети интеграцияси индекси (ИЎБИИ) шуни кўрсатадики, бюджет шаффофлиги ва назоратини такомиллаштиришга олиб келган сўнги муҳим ўзгаришларга қарамай, Давлат молиясини бошқариш (ДМБ) тизими иқлим ўзгариши масалаларини янада яхшироқ интеграция қилишнинг муҳим ёндашувлари мавжуд. Бу вақт ўтиши билан иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатларга ажратилган бюджет улушини оширишга (ва иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатларни камайтиришга) ёрдам беради. Мавжуд ислохот стратегиялари ва институтларига қўшимча равишда (юқорида муҳокама қилинганидек), иқлим ўзгариши масалаларини ДМБ тизимига интеграциясини янада такомиллаштириш учун қуйидаги имкониятлар мавжуд:

- иқлим бюджетини маркировкалаш моделини жорий этиш (ушбу жараён ҳозирда амалга оширилмоқда);
- бюджет соҳаси ислохотларини амалга оширишни изчил давом эттириш;
- бюджет устуворликларини белгилаш ва лойиҳаларни баҳолаш учун иқлим ўзгариши билан боғлиқ мезонлардан фойдаланиш;
- иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет муҳокамалари ва қатъий бюджетни назоратига имкон берувчи тизимни жорий этиш.

КИРИШ

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ давлат харажатлари ва институционал таҳлил (CPEIR) – бу диагностика воситаси бўлиб, у иқлим ўзгариши масалаларини бюджетлаштириш ва режалаштириш жараёнига киритишни илгари суриш учун бошланғич нуқтадир. CPEIR иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни миллий ва маҳаллий бюджетларни тақсимлаш ҳамда харажатлар жараёнига жорий қилиш имкониятлари ва чекловларини мамлакатнинг давлат харажатларини ва уларнинг иқлим ўзгариши билан қандай боғлиқлигини, иқлим ўзгариши билан боғлиқ режалари ва стратегиялари, институционал тизим асослари ва давлат молияси архитектурасини сифат ва миқдорий таҳлили орқали баҳолайди.

CPEIR услуги (методологияси) иқлим ўзгаришига жавоб чоралар йўналишларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш орқали (i) иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган жорий стратегияни шакллантириш ва амалга оширишни баҳолаш, шу орқали турли манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга амалий ҳисса қўшиш; (ii) иқлим ўзгариши билан боғлиқ миллий ва маҳаллий бюджетларни тақсимлаш ва сарфлаш жараёнига жорий қилиш имкониятлари ва чекловларини аниқлаш орқали миллий етказиб бериш каналлари орқали иқлимий молиялаштиришни кўзатиб бориш воситасини тақдим этиш; ва (iii) ҳукумат идоралари ўртасида мувофиқлаштиришни тақдим этиш, шунингдек, хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва ривожланиш бўйича ҳамкорларни жалб қилиш орқали иқлим ўзгаришига жавоб берадиган чораларга кўпроқ таянган стратегия таклифларини шакллантириш учун манфаатдор томонларнинг салоҳиятини кўчайтиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси денгизга тўғридан-тўғри чиқиши бўлмаган давлат бўлиб, умумий ер майдони 448 978 квадрат километрни ташкил қилади; Марказий Осиёнинг марказида жойлашган; Қозоғистон, Туркменистон, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан чегарадош. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп бўлган мамлакат бўлиб, 2022 йилда аҳоли сони 36 миллионни ташкил этди. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 2020 йилда 1,9 фоизга қисқарганидан кейин 2021 йилда 7,4 фоизга ўсди (Миллий ҳисобчилар, 2022 йил). Бюджет тақчиллиги 2021 йилда ЯИМнинг 6,2 фоизигача ўсиш намоён қилди, бу 2020 йилдаги ЯИМнинг 4 фоизига кўра кўпроқ бўлсада, 2022 йилда 4 фоизгача қисқариши кутилмоқда. Ўзбекистон табиий газ, олтин, мис, уран ва кўмир каби ер ости бойликлари бўйича 30 етакчи давлат қаторига киради (Жаҳон банки, 2021 йил). Табиий ресурслари ҳажми аҳоли жон бошига 5 045 АҚШ доллари (2018 йилдаги ҳисобларга кўра) тенг бўлиб, Ўзбекистон табиий ресурслари бўйича Марказий Осиё минтақасида фақатгина Қозоғистондан кейин иккинчи ўринда туради ва даромади ўртачадан паст бўлган мамлакат (ДЎПМ) ларнинг ўртача кўрсаткичларидан анча юқоридир.


Ўзгариб бораётган иқлим мамлакатнинг табиий капиталига, қишлоқ хўжалигига, ер ва сув унумдорлигига таҳдид солади ва табиий офатлар хавфини орттиради. Жорий асрнинг охирига келиб Ўзбекистонда ўртача ҳаво ҳарорати дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Ҳавонинг ўртача ҳарорати 2090 йилларга келиб 1986-2005 йиллардаги базавий кўрсаткичдан 4,8°C га кўтарилиши мумкин (Жаҳон банки ва ОТБ). 2080-2099 йиллар учун эмиссиянинг энг юқори даражасида (RCP8.5) кутилаётган ҳароратнинг ошиши ва эмиссиянинг энг паст даражасида кутилаётган ўсиш (RCP2.6) ўртасида 3,4°C га тенг сезиларли фарқ мавжуд бўлиб, бу Ўзбекистоннинг глобал чиқиндиларни камайтириш орқали эриша оладиган натижаларидаги сезиларли фарқни кўрсатади (Жаҳон банки ва ОТБ, 2021 йил). 2090 йилларга бориб ўртача ҳароратнинг ошиши Фарғона водийсида энг кучли намоён бўлиши кутилмоқда. Ўзбекистон ҳар йили ўртача 1,4 миллион кишига таъсир кўрсатиши ва қарийб 3

миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар келтириши тахмин қилинаётган зилзилалар ва сув тошқинлари рўйи бериши хавфига мойил (Жаҳон банки, 2017 йил). Иқлим ўзгариши, айниқса қўрғоқчилик, сув тошқинлари ва кўчкилар хавфини ошириши кутилмоқда.

Шу туфайли, иқлим ўзгариши мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ўсиш модели йўлидаги хатарларини янада кучайтиради. Иқлим ўзгаришининг жисмоний таъсирининг иқтисодий қиймати 2030 йилга келиб ЯИМнинг 1 фоизини ташкил этиши тахмин қилинмоқда (Жаҳон банки ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги [ИТКҚВ]), бу эса қишлоқ хўжалигига энг катта таъсир кўрсатади, ундан кейин сув ва биологик хилма-хилликка ҳамда меҳнат унумдорлигига бўлган салбий таъсир ва об-ҳаво билан боғлиқ хавфларнинг ортиши кузатилади. Мисол учун, суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи турли даражадаги шўрланишга дучор бўлган, экин майдонларининг 26 фоизгача қисми эса қаттиқ таназзул (деградация) га учраган. Ҳавонинг шаҳарлар ва саноат манбаларидан келган қаттиқ заррачалар билан ифлосланишини деградацияга учраган ерлардан шамол билан учиб келган чанглр янада кучайтиради. Ер деградацияси ЯИМнинг 4 фоизига тенг бўлган иқтисодий йўқотишларга олиб келади ва бу ўзаро боғлиқ бўлган атроф-муҳит ва ресурс муаммолари натижасида рўй бермоқда (Жаҳон банки ва ИТКҚВ, 2022 йил).

БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси (БМТ ИЎТҲК) (2021 йилги) доирасида Ўзбекистоннинг биринчи икки йиллик оралиқ ҳисоботида кўра, 2017 йилда Ўзбекистоннинг умумий иссиқхона газлари эмиссияси 189 миллион тонна CO₂ эквивалентини ташкил қилди (1.1-расм). Иссиқхона газлари эмиссиясининг 76-80 фоизига энергетика сектори, шу жумладан 50 фоизи қазиб олинadиган ёқилғи ва 26-30 фоизи кўмир, нефт ва газ секторидаги метан сизиб чиқиши сабабчидир. Охириги 10 йил ичида энергетика соҳасидаги эмиссиялар камайиб бормоқда. Аксинча, қишлоқ хўжалигида иссиқхона газлари эмиссияси чорва молларининг кўпайиши ҳисобига ўсиб бормоқда ва умумий ҳажмнинг 18 фоизини ташкил қилади. Саноат жараёнлари умумий эмиссиянинг 5 фоизини ташкил қилади. Чиқиндиларни тартибга солиш натижасида эмиссия атиги 1 фоизни ташкил қилади, лекин бу эмиссия тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

1.1-расм: Тармоқлар кесимида иссиқхона газлари эмиссияси, млн т. CO₂-эқв



*СЖМФ - Саноат жараёнлари ва маҳсулотдан фойдаланиш

МЕТОДОЛОГИЯ (УСЛУБИЁТ)

СРЕИР учта бир-бирини тўлдирувчи занжирдан иборат:

- Стратегия таҳлили. Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш стратегияси асослари ва уни мониторинг қилиш тизими ҳамда стратегия мақсадларининг қай тариқа дастур ва воситаларга айланишининг таҳлили.
- Институционал таҳлил: Иқлим ўзгариши стратегиясини жорий қилиш билан боғлиқ институционал алоқани баҳолаш ва ҳукумат идоралари ўртасида синхронлаштириш, ҳисобдорлик ва марказсизлаштириш усуллари
- Харажатлар таҳлили: Умумий миллий бюджет билан таққослаш имконини берувчи иқлим соҳаси учун долзарб харажатлар миқдорини чиқариш

Бундан ташқари, мазкур ҳисобот Ўзбекистонда ИЎБИИни қўллаш натижаларини ўз ичига олган. Бу СРЕИР учун қўшимча диагностика воситаси бўлиб, у иқлим ўзгариши масалалари давлат молиясини бошқариш тизимлари билан қанчалик интеграциялашганлигини ўрганиб чиқади ва кейинги интеграция қилиниши керак бўлган соҳаларни аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу унсурларнинг ҳар бири тегишли ҳужжатларни, шу жумладан расмий ҳужжатлар ва қўшимча адабиётларни ўрганиш ҳамда асосий манфаатдор томонлар билан (8-иловада кўрсатилганидек) ўтказилган суҳбатлар орқали амалга оширилди. Харажатлар таҳлили 2020-2022 йилларга мўлжалланган бюджет маълумотларини баҳолаш ва Ўзбекистон бюджет тизимининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи махсус услубидан фойдаланган ҳолда ушбу харажатларнинг иқлим учун долзарблигини баҳолаш учун қўшимча миқдорий таҳлилни ўз ичига олди.

ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАЧА ТУЗИЛИШИ

Ҳисоботнинг қолган қисми қуйидагича тузилган:

- 1-бобда сўнгги муҳим ўзгаришларни аниқлаш, асосий кучли томонлар ва вақт ўтиши билан янада ривожлантирилиши мумкин бўлган соҳаларни ёритиш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистондаги иқлим ўзгариши билан боғлиқ стратегия асослари таҳлилинини ўз ичига олади.
- 2-бобда Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича институционал тузилмалар, жумладан, турли ташкилотларнинг роли ва улар ўртасидаги мувофиқлаштирилиш даражаси ўрганиб чиқилади. У институционал тузилмавий асоснинг келажакда қандай ривожланиши мумкинлиги бўйича бир қатор тавсиялар билан яқунланади.
- 3-бобда Ўзбекистон бюджети ҳозирги вақтда иқлим билан боғлиқ чора-тадбирларни қай даражада қўллаб-қувватлаётганини, шунингдек, иқлим ўзгариши таъсирига қарши курашга салбий таъсир кўрсатадиган бюджет харажатларини аниқлайдиган харажатлар таҳлилининг методологияси ва натижалари келтирилган.
- 4-бобда иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет интеграцияси индексининг асосий натижалари келтирилган бўлиб, Ўзбекистоннинг давлат молиясини бошқариш тизимида иқлим ўзгариши билан боғлиқ мулоҳазаларни янада интеграция қилиш учун мавжуд бўлган имкониятлар кўрсатиб ўтилган.

1.1. КИРИШ

Ўзбекистон 2017 йилда БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси (БМТ ИЎТҲК) Котибиятига Миллий миқёсда белгиланиши кўзланган ҳиссалар (ММБКҲ)ни тақдим қилиш орқали Париж битимини имзолади ва 2018 йилда Париж битимини ратификация қилгандан сўнг мазкур ММБКҲ мамлакатнинг Биринчи Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар (ММБҲ) вазифасини бажарди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида Ҳукумат меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, режалаштиришни такомиллаштириш ва мамлакат учун узоқ муддатли таъсирни юмшатиш бўйича мақсадли кўрсаткичларни белгиловчи стратегик режаларни ишлаб чиқиш ҳамда иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш, "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсиш дастурларини амалга оширишга катта эътибор қаратди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон иқлим ўзгаришининг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий секторга салбий таъсири хавфини камайтириш учун унга мослашиш салоҳиятини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларини давом эттиради.

Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикасида иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича стратегия асослари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

1.2. СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТЛАР ВА ЖАРАЁНЛАР

1.2.1. Халқаро битимлар, келишувлар ва конвенциялар

2017 йил 19 апрел куни БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги Бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси томонидан БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси бўйича Париж битими имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси иштирокчилари конференциясининг 20 сессияси қарорига биноан ҳамда миллий шароит ва барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатнинг ресурслардан тежамкор фойдаланган ҳолда ривожланиш моделига ўтишини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг 2030 йилгача бўлган давр учун Миллий миқёсда белгиланиши кўзланган ҳиссалар (ММБКҲ) ни белгилаб олди ва тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси 2030 йилгача бўлган узоқ муддатли истиқболда иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатларни кучайтириш, 2030 йилга бориб ЯИМ бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газларининг ўзига хос эмиссиясини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга камайтиришни мўлжалламоқда (ММБКҲ, 2017 йил).

Ўзбекистон Республикаси 2021 йил октябр ойида янгиланган Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар (ММБҲ) да ўз мажбуриятларини ошириш ва 2030 йилга келиб ЯИМ бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йил даражасидан (ММБҲ1, 2021 йил) 10 фоиз ўрнига 35 фоизга камайтиришни кўзлаган ҳолда ўзининг Янгиланган ММБҲларини тақдим қилди.

Ўзбекистон, шунингдек, иқлим ўзгаришига жавоб чоралар кўриш, иқтисодиёт тармоқларида унга мослашиш ва таъсирни юмшатиш жараёнлари билан боғлиқ масалаларни, шу жумладан Киото протоколи ва БМТ ИЎТҲК доирасида Париж битимини қисман ҳисобга олган (1-Илова) бир қатор ҳужжатларни ратификация қилди.

2020 йил август ойида Ўзбекистонда Яшил иқлим фонди (GCF) томонидан "Тайёргарликни ошириш дастури" доирасида молиялаштириладиган мамлакат учун тармоқлар ва

худудларнинг мослашиш режалари (ММР)ни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани амалга ошириш бошланди. Мазкур лойиҳа ММРни итератив тарзда ишлаб чиқиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини Ўзбекистонда миллий ва маҳаллий даражада режалаштириш ва бюджетлаштириш жараёнларига жорий қилиш учун институционал ва техник салоҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган. Ўзбекистон учун ишлаб чиқиладиган Миллий мослашиш режалари қуйидаги пировард натижаларга эришишга қаратилган:

- Тармоқлараро иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини режалаштириш ва турли даражадаги мослашиш тадбирлари ва ҳаракатларини амалга оширишни мувофиқлаштириш механизмини мустаҳкамлаш;
- Статистик маълумотлар базасини мустаҳкамлаш ва иқлим ўзгаришига мослашиш масалаларини миллий, тармоқлар ва ҳудудий миқёсда режалаштириш ҳамда бюджетлаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаш;
- Ўзбекистон учун иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини молиялаштириш ва инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш.

Мазкур лойиҳа иқлим ўзгаришига энг сезгир тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, энергия тежамкор бинолар қурилиши ва фавқулодда вазиятларда бошқариш) ва учта мақсадли худудларга (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари) эътибор қаратган ҳолда, иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари ва ҳаракатларини режалаштириш ҳамда уларнинг тегишли бюджетлаштириш жараёнини енгиллаштиришга қаратилган. Лойиҳа доирасида 2023 йил ноябригача бешта тармоқлар миқёсида ва учта худудлар миқёсида иқлим ўзгаришига мослашиш режаларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

"Ўзгидромет", тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, халқаро ва миллий экспертлар билан яқин ҳамкорликда 2023 йилда яқунланиши режалаштирилган тармоқлар миқёсидаги (қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, энергия тежамкор бинолар қурилиши ва фавқулодда вазиятларда бошқариш) иқлим ўзгаришига мослашиш режаларини ишлаб чиқмоқда.

1.2.2. Қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари

Охириги беш йил мобайнида Ўзбекистон Ҳукумати иқлим ўзгариши билан боғлиқ миллий стратегия ва режаларини такомиллаштириш бўйича изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширган бўлсада, бироқ у ҳали иқлим ўзгаришига доир интеграциялашган стратегик тузилмавий базага эга эмас. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ фаолиятни юритиш Президент фармонлари, қонунлар, ҳукумат қарорлари, тармоқ стратегиялари ва режаларидан иборат. Бироқ, бу қоидалар маълум даражада иқлим ўзгариши билан боғлиқ деб ҳисобланиши мумкин бўлган кўп сонли ҳужжатлар (59 та қонун, 50 та Президент фармони ва 200 га яқин қарорлар)да тарқоқ шаклда ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон Ҳукумати стратегик бошқарув тизимини таъминлайдиган мақсадли ва кенг қамровли иқлим ўзгариши соҳасига оид стратегик ҳужжатга эга эмас. Бироқ, баъзи қонунлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш соҳаларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради ҳамда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг мутаносиб, уйғун ривожланишини ва экологик тизимларни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва улардан

фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилда кучга кирган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади.


Ҳозирда Ҳукумат Экологик кодекс ва "Иссиқхона газлари эмиссиясини чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида. Экологик кодекс ифлослантирувчилардан тўлов ундириш (атроф-муҳитнинг бузилишига сабаб бўлаётган шахсларнинг етказилган зарар ва қайта тиклаш учун молиявий жавобгарлиги) ва жамоатчилик иштироки (фуқаролар экологик хавфлар тўғрисида хабардор бўлишлари ва атроф-муҳитига таъсир қиладиган лойиҳаларда уларнинг маслаҳати олиниши керак) каби асосий тамойиллар орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни қўллаб-қувватловчи тамойилларни жорий этиш ёки мустаҳкамлаш учун кўплаб қонун ҳужжатларида тарқоқ нормаларни яхлит қонунчиликда бирлаштиришга қаратилган. "Иссиқхона газлари эмиссиясини чеклаш тўғрисида"ги қонун иссиқхона газлари эмиссиясини янада камайтириш мақсадида мамлакатда ушбу эмиссияни келтириб чиқарадиган иқтисодий ва бошқа фаолиятни тартибга солиш асосларини белгилашга қаратилган.

Амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни уйғунлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Ҳукумати янги тамойилларни жорий қилиш ёки халқаро стандартларга мослаштириш имкониятларини баҳолаш йўли билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларини ягона ҳуқуқий ҳужжатга жамлаши ва соддалаштириши мумкин.

1.2.3. Стратегиялар, сиёсий чоралар ва режалаштириш ҳужжатлари

2017 йилдан буён Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва тармоқ/саноат соҳаларини ривожлантириш истиқболлари, мақсадлари, якуний натижалари, мақсад ва вазифалари, стратегик ёндашувлари ва уларга эришиш чора-тадбирларини, шунингдек, кейинчалик секторлар ва аниқ масалаларга оид стратегияларга жорий қилинадиган сиёсат йўналишларини белгилаб берувчи учта стратегик ҳужжат қабул қилинди.

1.2-Расм: "Яшил" ўсиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ стратегияларни миллий ва тармоқлар миқёсида режалаштириш



Улардан биринчиси, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси бўлиб, унда глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва аҳолининг турмуш тарзига бўлган салбий таъсирини юмшатиш учун зарур бўлган тизимли чора-тадбирлар бироз белгилаб берилган. Лекин кейинги иккинчи ҳужжатлар – 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси юзта мақсад ва тўрт юзга яқин чора-тадбирларни ўз ичига олади. У иқтисодиёт, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида "яшил" технологияларни самарали жорий этиш; "яшил" энергетикани ривожлантириш; энергия самарадорлиги ошириш; "яшил" сертификатлаш, экологик маркировкалаш ҳамда иқтим ўзгариши соҳасида мониторинг ва баҳолаш тизимини жорий

қилиш; шаҳар ва туманларда экологик муҳитни яхшилаш; "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш; салбий таъсирни камайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш учун ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва уларни муҳофаза қилишни кучайтириш билан боғлиқ асосий масалаларни қамраб олади.

Ўзбекистоннинг иқлим ўзгариши ва "яшил" ўсиш бўйича сиёсати узоқ ва ўрта муддатли истиқболларни батафсилроқ режалар билан бирлаштирган стратегиялар тўплами доирасида бошқарилади (1.2-Расм). Сўнги бир неча йил мобайнида ҳукумат томонидан қабул қилинган концептуал ҳужжатлар 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ва 2030 йилгача "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини ўз ичига олади. Уларнинг асосий мақсади эмиссия ва ифлосланишни камайтириш орқали иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, экологик тоза технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш, қайта тикланадиган энергия манбаларини кўпайтириш, аҳолига чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш хизматларини кўпайтириш, энергия самарадорлигини ошириш ва углеводородлардан фойдаланишни камайтиришдан иборат.

2030 йилгача "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси Париж битими мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш орқали ҳаракатларни амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Стратегияда электр энергияси, иссиқлик энергияси, нефт ва газ, кимё саноати, қайта тикланадиган энергия манбалари, қурилиш ва қурилиш материаллари, транспорт, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, қаттиқ маиший чиқиндиларни тартибга солиш ва қайта ишлаш, "яшил" технологияларни жорий қилиш, таълим, фан, "яшил" иқтисодиёт ва "яшил" инвестицияларга ўтишни қўллаб-қувватлаш каби соҳаларда устувор йўналишларни белгилаб беради.

Ҳар бир ҳудуднинг ўз стратегияси ва концепцияси мавжуд бўлиб, улар 1.4-бўлимда муҳокама қилинган иқлим ўзгаришига мослашиш ҳамда унинг таъсирини юмшатиш режалари ва ҳаракатларини ўз ичига олади.

Юқоридаги ҳужжатларга қўшимча равишда, Ҳукумат тегишли манфаатдор томонлар билан яқин ҳамкорликда 2030 йилгача Иқлим ўзгаришига қарши курашиш стратегияси, шунингдек кенг қамровли Миллий мослашиш режаларини ишлаб чиқмоқда.

1.3. СТРАТЕГИК ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ТУЗИЛМАВИЙ АСОСЛАРИ: ТАРМОҚЛАРАРО

2019 йилда Ўзбекистонда "Яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси"нинг қабул қилиниши билан иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар миллий ва ҳудудий даражадаги ривожланиш дастурлари ва стратегияларида ҳисобга олина бошлади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, "Ўзбекистон - 2030" стратегияси, шунингдек, қатор тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурлари мазмун-моҳияти бунга далилдир. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, бу ёндашув дастлабки босқичда бўлиб, иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашишнинг асосий йўналишлари асосида ривожланишни режалаштириш тартибини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

1.3.1. Ўзбекистон ривожланиш сиёсати ва режалаштиришида иқлим хавфларини акс эттириш

Мамлакатнинг иқлим ўзгариши таъсирига тобеълигини комплекс баҳолаш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда 2021-2022 йилларда амалга

оширилган (Жаҳон банки ва ИТКҚВ, 2022 йил). У атроф-муҳит деградациясининг иқтисодий чиқимларини, иқлим ўзгаришининг озиқ-овқат нархларига иқтисодий таъсирини, ҳамда иқлим ва атроф-муҳит таъсири нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишларини баҳолаш билан биргаликда, шунингдек, иқтисодий ночорликни бартараф этиш, гендер тенглиги ва бошқаларни қамраб олади. Ушбу ҳисобот очиқ манбаларда, шунингдек, вазирлик ва Жаҳон банкининг расмий веб-сайтларида уч тилда (тўлиқ матни инглиз тилида, қисқача мазмуни ўзбек ва рус тилларида) мавжуд.

БМТТД ва Буюк Британия ҳукуматининг “Марказий Осиёда иқлим хавфсизлигини таъминлаш бўйича сиёсий ҳаракатлар” минтақавий лойиҳаси доирасида 2022 йилда Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш инфратузилмаси учун иқлим ўзгариши билан боғлиқ минтақавий хатарларнинг дастлабки таҳлили ўтказилган (инглиз, ўзбек ва рус тилларида мавжуд)¹.

Баҳолашга кўра, мамлакат атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган ва табиий офатларнинг таъсирига маълум даражада тобедир. Умумий қилиб айтганда, табиий офатлар хавфига тобелик нуқтаи назаридан Ўзбекистон ҳозирда Хавфларни бошқариш бўйича индекс (INFORM)га кўра зилзила, тошқин ва қурғоқчилик каби асосий табиий офатлар хавфи бўйича 191 мамлакат ичида 111-ўринни эгаллаб турибди. Нисбий рейтинг бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари, жумладан, Тожикистонга қараганда камроқ тобе ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши сувдан фойдаланиш, ерларнинг деградацияга учраши ва биологик хилма-хиллик каби табиий ресурсларнинг барқарорлигига таъсир кўрсатмоқда. Сув танқислиги муаммоси аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички чучук сув захираларининг камлиги ва ўлим даражасининг юқорилиги билан намоён бўлади. Ўзбекистонда деградацияга учраган ерларнинг улуши даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакат (ДЎЮМ)ларнинг ўртача кўрсаткичидан юқори. Бундан ташқари, Ўзбекистон ЯИМ бирлигига нисбатан энергия интенсивлиги, шу жумладан, унинг энергия тизимларидан чиқувчи эмиссияни ҳам бошқа ЕМО мамлакатларига қараганда анча юқори. Зарарли ҳаво ифлосланишига дучор бўлган аҳоли улуши ҳам солиштирма кўрсаткичларга нисбатан юқори, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатлари эса ЯИМга нисбатан паст.

Аҳолига иқлим ўзгаришининг иқтисодий таъсирини ҳисобга олганда, Ўзбекистон минтақадаги бошқа мамлакатларга қараганда ижтимоий жиҳатдан юқорироқ таъсирга эга эканлиги аниқланди. Ўзбекистонда геофизик, метеорологик, гидрологик ёки иқлимий табиий офатлар таъсирига учраган аҳоли улуши ДЎЮМ ёки ДЎПМ ларнинг ўртача кўрсаткичларидан паст. Бироқ, қурғоқчиликнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигига таъсири кучлироқ бўлиб, иқтисодий ночор ҳудудлардаги қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолига таъсири каттароқдир.

Бундан ташқари, баҳолаш шуни кўрсатадики, хотин-қизлар томонидан бошқариладиган уй хўжаликлари, ногиронлиги бўлган шахслар ва даромад манбаси қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган аҳоли иқлим ўзгариши ва табиий офатларнинг таъсирига айниқса тобеъдир. Кўпинча уй-жой ва мулкга путур етказадиган ёки қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги ва даромад олиш имкониятларига салбий таъсир қиладиган табиий офатлар ва иқлим билан боғлиқ ҳодисалар, эҳтимол, бундай хўжаликлар учун мавжуд таъсирга тобеъликларни янада кучайтиришлари мумкин. Ногиронлиги бўлган шахслар ногирон

¹ <https://odi.org/en/publications/managing-climate-risks-to-protect-net-zero-energy-goals-net-zero-transition-opportunities-in-kyrgyzstan-tajikistan-and-uzbekistan/>

бўлмаганларга қараганда сув йиғишга кўпроқ вақт сарфлашади ва ёғингарчиликнинг камайиши бу вазиятни янада ёмонлаштиради.

Баҳолаш натижалари 2022 йил август ойида эълон қилинганлиги ва 2022 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Халқаро иқтисодий форумда тақдим этилганлиги сабабли, баҳолаш натижаларининг Ҳукуматнинг кабмағалликни қисқартириш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва гендер тенглиги каби устувор стратегик мақсадларга жорий қилиниши айтилиши вақтда тайёргарлик босқичида эканлиги кўринади.

Бундан ташқари, 2022 йил декабр ойида давлат органлари ва стратегия ишлаб чиқувчилар учун иқлим ўзгаришига қарши курашиш вазифалари масалаларини миллий, тармоқлар ва ҳудудий ривожланиш дастурларига интеграция қилиш мажбурияти юклатилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги (ПҚ-436, 2022 йил) Қарори шуни белгилайдики, ишлаб чиқариш тармоқлари ва ҳудудларнинг иқлим ўзгаришига нисбатан сезгирлик хусусиятларидан келиб чиқиб, иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича чора-тадбирлар ва инвестиция лойиҳалари тармоқ ва ҳудудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш доирасида қамраб олиниши керак бўлади. Ҳозирда Ҳукумат ушбу механизмни амалга ошириш тартибини белгилаш устида ишламоқда.

Ривожланишни режалаштиришга иқлим ўзгариши масалаларини тўлиқ ва самарали интеграция қилиш учун юқорида қайд этилган мажбуриятни тартибга солиш механизмини ишлаб чиқишда ривожланиш мақсадларини белгилашдан тортиб молиялаштириш ва амалга ошириш механизмларини аниқлашгача бўлган режалаштиришнинг барча босқичларида таъсирни юмшатиш ва мослашиш чораларини умумлаштириш зарур. Иккинчидан, таъсирни юмшатиш ва мослашиш чоралари орқали углерод эмиссиясини соф нолга тенг мақсадларга эришишнинг устувор йўналишлари ва воситаларини йўналтириш мақсадида Ҳукумат 2050 йилга мўлжалланган "карбонсизлантириш" (кам углеродли ривожланиш) бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

1.3.2. Эмиссияни камайтириш мақсадларини Ўзбекистон ривожланиш сиёсатига интеграциялаш

Юқорида муҳокама қилинганидек, 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси деб номланган юқори даражадаги стратегик ҳужжатлардан бири бўлиб, 2026 йилгача бошқа масалалар қаторида миллий ривожланиш мақсадларини иқлим ўзгаришига қарши курашиш вазифалари билан ҳамроҳлигини таъминлашга қаратилган. Стратегия умумий истиқболдан келиб чиқадиган 100 та юқори даражадаги мақсад-вазифаларни белгилайди, улардан иккитаси (24-мақсад ва 80-мақсад) иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари билан бевосита боғлиқ.

Стратегияда иқтисодиёт тармоқлари бўйича 2026 йилга бориб ЯИМ бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газларининг атмосферага чиқарилиши ҳажмини 2010 йил даражасига нисбатан 10 фоизга камайтириш мақсади белгиланган. Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар ва Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсишни таъминлаш бўйича дастур 2030 йилда ЯИМ бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга камайтириш мақсадларини белгилаб беради.

"Ўзбекистон – 2030" стратегияси ҳам юқори даражадаги стратегик ҳужжат бўлиб, 2030 йилгача мамлакатни барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиши бўйича 100 та асосий ислохотлар йўналишлари ва мақсадларини

белгилайди. Бунда ҳам “яшил” иқтисодиёт (51-мақсад), атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашиш (66-71-мақсадлар) масалалари асосий ўрин эгаллайди.

1.1-жадвалда кўрсатилганидек, мазкур Стратегиялар энергетика, транспорт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши масалаларини қамраб олади.

1.1-жадвал. 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича саъи-ҳаракатларнинг асосий стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари

2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси	“Ўзбекистон – 2030” стратегияси
24-мақсад: Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, “яшил” иқтисодиёт технологияларини барча соҳаларга фаол жорий қилиш, энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш	51-мақсад: “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш
2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқаришни қўшимча 30 миллиард кВт/соатга ошириш, умумий ишлаб чиқариш қувватини 100 миллиард кВт/соатга етказиш.	Қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш.
2026 йилга келиб қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 25 фоизга ошириш ҳисобига 3 миллиард куб метргача табиий газни тежаш.	3 ГВт қувватли 3 та иссиқлик электр станцияларини модернизация қилиш орқали табиий газ сарфини камайтириш.
Ўзбекистон энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш ва қўшни давлатларнинг энергетика тизимлари билан ўзаро ҳамкорликда унинг кафолатланганлигини таъминлаш.	Иқлим ўзгариши соҳасида барча иссиқхона газларини қамраб олувчи мониторинг тизимини (MRV) яратиш.
Уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа соҳаларда қайта тикланадиган энергия манбаларини кенг жорий қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш.	Кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларнинг энергия самарадорлиги (энергоаудит)ни баҳолаш тизимини жорий этиш.
Саноатда йўқотишларни камайтириш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.	Саноатда “яшил сертификат”лар бозорини ривожлантириш ва “экологик маркировкалаш” амалиётини жорий қилиш.
Иқтисодиёт тармоқлари бўйича 2026 йилга бориб ЯИМ бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газларининг атмосферага чиқарилиши ҳажмини 2010 йил даражасига нисбатан 10 фоизга камайтириш.	Иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан 2010 йилдаги даражадан 30 фоизга қисқартириш.
Электр транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш чораларини кўриш.	Шаҳарларда жамоат транспортини экологик тоза ёқилғига ўтказиш.
80-мақсад: Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш	66-71-мақсадлар: Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши таъсирини олдини олиш бўйича ислохотлар
“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 миллион дарахт кўчатларини экиш.	Ҳар йили 200 миллион туп дарахт экиб бориш ва республикада яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, экиладиган ҳар бир дарахтни парвариш қилиш ва суғориш тизимини яратиш.
“Яшил макон” умумиймиллий лойиҳасига мувофиқ	Юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш

2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси	“Ўзбекистон – 2030” стратегияси
республиканинг 10 та ҳудудида аеробиологик мониторинг тизимини ташкил қилиш.	усқуналари ва локал сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш, 14 та экологик тоза ҳудуд режимини жорий қилиш.
2026 йилда маиший чиқиндиларни йиғиш даражасини 100 фоизга етказиш, қайта ишлаш кўрсаткичларини эса ҳозирги 21 фоиздан 50 фоизга ошириш.	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоизга ошириш.
Республикада 51 та қуруқликдаги табиий сув объектларининг (дарёлар, кичик дарёлар ва табиий кўллар) санитария муҳофазаси зоналари ва қирғоқбўйи ҳудудларини белгилаш бўйича ишларни яқунлаш.	Сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш.
Тошкент шаҳрини аҳоли учун қулай, экологик тоза, яшаш учун барча шароитларга эга ҳудудга айлантириш, унинг ободонлаштириш (кўкаламзорлаштириш) даражасини 30 фоизга етказиш.	Тошкент шаҳрида яшил майдонлар ҳудудини 5 баробар кўпайтириб, 5 минг гектарга етказиш.
Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдон яратиш, 2026 йил охирига қадар умумий майдонни 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш.	Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 600 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, уларнинг умумий ҳажминини 2,6 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 80 фоизига етказиш.
Оролбўйида Халқаро яшил иқлим фонди ва Глобал экологик фонднинг биохилма-хилликни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши ва тупроқ эрозиясининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида қиймати 300 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳаларни амалга ошириш.	Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни 12 фоизгача кенгайтириш, 2 миллион гектар ҳажмда табиий яйловлар ва пичанзорлар ўсимликларини биоботаник текширишни ҳар йили амалга ошириш. Чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 600 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш.
Шаҳарлар ва туман марказларида ҳар 50-100 минг кишига “жамоат парклари”ни ташкил этиш.	Шаҳарлар бош режаларини тузишда улар ҳудудининг камида 30 фоизини яшил майдонлар ташкил этиши, турар жой биноларини қуришда “яшил майдон”ларни аҳолининг сонига мутаносиб бўлишини таъминлаш.

Эмиссияларни қисқартириш бўйича иқтисодий миқёсидаги ушбу асосий мақсад кўрсаткичларга эришиш учун 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган давлат дастурларида энергетика ва саноат тармоқларини карбонсизлантириш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергия тежамкор технологияларни ривожлантириш бўйича 28 та чора-тадбирлар ва лойиҳани ўз ичига олади.

Бироқ, Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодийга ўтиш бўйича устувор йўналишларининг ҳамда Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар доирасида эмиссиясини камайтириш мақсадларининг миллий ривожланишни режалаштириш ва бюджет маблағлари ажратилишига таъсири ниҳоятда кичкина бўлиб қолмоқда. “Яшил” ғояга ўтиш ўтиш ва иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича чора-тадбирларни бюджетдан молиялаштириш улар доирасида Президент ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланганидан кейин амалга оширилади. Бироқ, бюджетни режалаштириш жараёнлари ва бюджет ҳужжатлари (Ўрта

муддатли фискал стратегия, Бюджет хабари) иқлим ўзгариши ёки иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш сиёсатини давлат харажатларининг алоҳида йўналиши сифатида белгиламайди.

Ўзбекистон кам углеродли иқтисодиёт йўлидан барқарор қадам ташлади, бироқ ҳали босиб ўтиши лозим бўлган йўл бор. Ўзбекистон Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларида иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш орқали иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш мақсади белгиланган. Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар кам углеродли иқтисодиётга ўтиш учун узоқ муддатда тизимли ислохотлар зарурлигини тан олади.

Ҳукумат режалари бўйича кам углеродли иқтисодиётга ўтиш учун бир қатор воситалар, жумладан, тозароқ кам углеродли технологияларни қўллаш учун фискал имтиёзлар керак бўлади. Фискал воситалар эмиссияларни камайтириш учун зарур бўлган стратегия мажмуининг муҳим ва зарур қисмидир. "Яшил" соҳанинг ривожланиши узоқ муддатли фойдаларни кутишда қисқа муддатли тузатиш харажатларини қабул қилишни тарғиб қилувчи стратегик ислохотларнинг аксарият турларига ўхшайди. Энергетика соҳасидаги субсидияларни ислох қилиш (2022-2023 йилларда БМТТД томонидан турли ислохотлар сценарийлари асосида Ўзбекистоннинг қазиб олинadиган ёқилғи соҳасида субсидиялар кўламини камайтиришнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ўтказилган) ва нарх белгилаш сиёсати (масалан, углерод солиғи) каби фискал воситалар жуда муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, Ҳукумат томонидан қазиб олинadиган ёқилғилар учун ажратилadиган субсидияларни инвентаризация қилиш ва қисқартириш, қазиб олинadиган ёқилғи саноатини субсидиялаш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини босқичма-босқич қисқартириш бўйича ишлар бошланган бўлиб, бу борадаги амалий чора-тадбирлар режаси 2023 йил давомида ишлаб чиқилади (ПҚ-436, 2022 йил).

Энергия субсидиялари масаласини ҳал қилгандан сўнг, углерод солиғини ёки қазиб олинadиган ёқилғиларга эквивалент нархларни жорий қилиш бўйича кейинги қадамлар қўйилиши мумкин. Бу соҳада корхоналар ва хўжаликларнинг солиқ юкини атроф-муҳитнинг ифлосланишига ва ресурсларнинг исроф қилинишига олиб келadиган фаолиятга қаратишни назарда тутувчи бюджет лойиҳасида акс эттирилган "яшил" солиққа тортиш пакетини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шу билан бирга, углерод солиғини жорий этишда бюджет даромадларини ошириш имкониятларини, унинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини ва амалга ошириш усуллари батафсил тушунтириш жуда муҳим, деб ҳисобланмоқда.

1.4. СТРАТЕГИК ТУЗИЛМАЛАР: ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ТААЛЛУҚЛИ ТАРМОҚ СТРАТЕГИЯЛАРИ

1.4.1. Энергия ишлаб чиқариш (шу жумладан, электр энергияси)

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуасига электр энергияси, иссиқлик энергияси, нефт ва газ саноати киради. Мамлакатда энергия ресурсларининг асосий истеъмоли энергетика тармоғи – 33,6 фоиз, аҳоли томонидан энергия истеъмоли - 20,6 фоиз, саноат ва қурилиш - 22,3 фоиз, транспорт сектори - 16,9 фоиз, қишлоқ хўжалиғи - 0,1 фоиздан ташкил топади. Энергетика сектори мамлакатдаги иссиқхона газлари эмиссиясининг энг катта манбаи ҳисобланади. Энергетика секторининг умумий эмиссиядаги ҳиссаси тахминан 76 фоизни ташкил қилиб, 2017 йилда 144,4 миллион тонна CO₂-экв. га тенг бўлган.

Ўзбекистонда эмиссия интенсивлиги Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлардан икки баравар кўпроқ, жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан олти баравар кўпроқ ва ЕМО минтақасидаги ўртача

кўрсаткичдан ўн саккиз баравар кўпроқ (Норқулов И., Холбадалов У. ва бошқалар, 2022 йил). Эскирган инфратузилма соф ишлаб чиқаришнинг 20 фоизини ташкил қилувчи электр энергиясининг юқори йўқотишларига ва электр энергияси тез-тез узилиб қолишига олиб келади, бу эса иқтисодий фаолият ва аҳоли фаровонлигига зарар етказади.

Ўзбекистон иқтисодиёти юқори энергия истеъмоли билан ажралиб туради, шунинг учун ёқилғи-энергетика саноатини модернизация қилиш ва диверсификация қилиш мамлакат тараққиётининг асосий устувор йўналишларидан биридир. "Яшил" энергетикани ривожлантиришнинг бир қатор асосий мақсадлари мамлакат Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар, "Яшил иқтисодиёт"га ўтиш стратегияси, "Яшил ўсиш" дастури ва электроэнергетика саноатини ривожлантириш концепциясига киритилган. Ҳукумат қайта тикланадиган энергия манбаларининг улушини 2026 йилга бориб 25 фоизга ва 2030 йилга келиб жами энергия ишлаб чиқаришда 30 фоизга, 2030 йилга келиб энергия самарадорлиги кўрсаткичини 2018 йил даражасига нисбатан икки бараварга оширишни ва энергия ҳажмини ЯИМнинг икки бараварига етказишни режалаштирмоқда.

2020 йил апрел ойида Ҳукумат 2020–2030 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни кенгайтириш режасини тасдиқлади², унда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 2019–2030 йилларга нисбатан 0,2 фоиздан 25 фоизгача ошириш кўзда тутилган. Шундан кейин, Ўзбекистондаги РЭС улушини 30 фоизга, яъни қуёш энергияси учун 7 ГВт ва шамол энергияси учун 5 ГВтга ошириш орқали мақсад кўтарилди. Бу РЭСдан 39,8 миллиард кВт/соатга яқин электр энергиясини ишлаб чиқариш қуввати имконини беради, бу эса мамлакатга уни ишлаб чиқариш учун ёнаётган табиий газни тежашга ва 15,9 миллион тонна CO₂ эквивалентидаги иссиқхона газлари эмиссиясининг олдини олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, Ҳукумат 2030 йилда республикадаги гидроэлектр станциялар қувватини 3416 МВтга оширишни мақсад қилган (ПҚ-44, 2021 йил).

Хусусий сектор иштирокида қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. 2021 йил август ойида Ўзбекистонда қуёш энергияси манбаларидан йилига 270 ГВт соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган, 31 мингдан ортиқ хонадонни энергия билан таъминлаш ва ҳар йили 156 минг метрик тонна иссиқхона гази чиқишининг олдини оладиган биринчи қуёш фотоэлектр станцияси ишга тушди. Аралаш манбалардан энергия ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия улушини ошириш ва мамлакатнинг тоза энергияга ўтишга янада ҳисса қўшиш учун қуёш ва шамол энергетикаси бўйича янги тендерлар амалга оширилади.

Ҳозирги босқичда умумий қуввати 2557 МВт бўлган қуёш ва шамол станцияларини қуриш бўйича 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, умумий қуввати 900 МВт бўлган 5 та қуёш ва шамол станциялари лойиҳаси бўйича тендерлар ўтказиш режалаштирилган.

Аҳолини ва хусусий секторни қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида қатор имтиёз ва преференциялар берилди. Шундай қилиб, "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ-220-сон Фармони билан аҳоли ва хусусий секторга 0,5 - 5 кВт қувватга эга РЭС ларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш учун 190 дан 1400 АҚШ долларигача компенсация тўлаш схемалари жорий этилди.

² 2020 йил апрель ойида Ўзбекистон Ҳукумати 2020–2030 йилларда ишлаб чиқаришни ошириш режасини тасдиқлаган бўлиб, унга кўра 2030 йилгача 5000 мегаватт қуёш энергияси ва 3000 мегаваттга яқин шамол энергиясини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жами 15 гигаватт ҳажмида (инвестиция тахминий ҳажми 14,7 миллиард АҚШ доллари) соф ишлаб чиқариш қувватини ривожлантириш кўзда тутилган.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, электр энергиясини тақсимлаш тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатлари мамлакатда қайта тикланадиган энергия қувватларини кенгайтириш суръатларига мос келмайди, бу эса ўрта муддатли истиқболда электр энергиясини тарқатиш тармоқлари тежамкорлигининг пастлиги туфайли ишлаб чиқарилган энергия йўқотилишини ошириши мумкин. Шу муносабат билан электр энергиясини тақсимлашни рақамлаштириш, тақсимлаш инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш чоратadbирларини кўриш, электр энергиясини тақсимлашда хусусий секторни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Энергия самарадорлигига келсак, Ҳукумат саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш ва ЯИМ бирлигига энергия сарфи ҳажмини 30 фоизга камайтириш вазифасини қўяди (ПҚ-436, 2022 йил). Ушбу мақсадларга эришиш учун 2020-2022 йилларда 285 та йирик саноат корхоналарида энергетика аудити ўтказилди. Бироқ, бу механизмнинг 2023 йилда ва ундан кейинги даврда давом этиши ҳали Ҳукумат томонидан белгиланмаган.

1.4.2. Транспорт

Автомобил йўллар аксарият қисмини ташкил қиладиган транспорт сектори сўнгги йилларда юк ва йўловчи ташишнинг ўсиши билан биргаликда ўсиб бораётган иссиқхона газлари миқдорини чиқармоқда. Тармоқ доирасида 2012 йилдаги 9 миллион тСО₂ эквивалентидан 2017 йилда асосан иқтисодий фаолиятнинг кенгайиши ҳисобига 12,3 миллион тСО₂ эквивалентига кўтарилди, чунки 90 фоизи автомобил йўллари орқали ташиладиган юк ташиш 2020 йилда беш йил олдинги ҳолатга нисбатан жисмоний жиҳатдан 70 фоизга ошди.

Ўзбекистон Республикасининг "Транспорт тўғрисида"ги қонунда транспорт фаолиятининг асосий тамойили экологик тозаллик бўлиши кераклиги таъкидланган. Қонунга мувофиқ, 2022 йилнинг 1 январидан (ВМҚ-50, 2022 йил) заҳарлилик даражаси "Евро-4" экологик тоифаси талабларига жавоб бермайдиган газ, бензин ва дизел двигателлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларини олиб кириш ва улардан фойдаланишга чекловлар ўрнатилди.

"Яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси "яшил" транспортни ривожлантиришнинг қўйидаги устувор йўналишларини белгилайди:

- шаҳарсозликнинг узоқ муддатли режалари ва экологик хавфсизлик чораларига мувофиқ "яшил" транспортни ривожлантириш;
- Евро-4 ва ундан юқори стандартларга мувофиқ энергия самарадорлиги ва экологик кўрсаткичлари яхшиланган автотранспорт воситаларини, электромобилларни, гибрид двигателли ва газ ёқилғисига эга транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш;
- автотранспорт воситалари паркинни янгилаш, эскиларини утилизация қилиш ва янги, экологик тоза транспорт воситаларини сотиб олиш учун рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- электр транспортини ривожлантиришни рағбатлантириш, самарали жамоат транспорти тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- янги транспорт-логистика тизимлари ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт воситаларининг экологик ҳолати устидан давлат назоратини кучайтириш.

Ҳудудий миқёсда Тошкент шаҳри транспортини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (ПҚ-111, 2022 йил). Унинг устувор вазифалари сифатида аҳолининг жамоат

транспортдан фойдаланиш даражасини камида икки баравар ошириш, транспортнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, шу жумладан (i) жамоат транспортини замонавий, экологик тоза транспорт воситалари, шу жумладан автобуслар ва электробуслар билан янгилаш ва (ii) транспортга қўйиладиган талабларни белгилловчи ягона давлат стандартларини ишлаб чиқиш, экологик тоза "яшил" транспортга ўтиш даражасини босқичма-босқич ошириш орқали шаҳардаги экологик вазиятни яхшилаш белгиланган. Ўзбекистонда "яшил", барқарор ва экологик компонентларни ўз ичига олган транспорт соҳасини ривожлантириш стратегияси ҳалигача мавжуд эмас. 2021 йилда Ўзбекистон транспорт соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилган, бироқ ҳозирча тасдиқланмаган. Мамлакатда барқарор ва экологик хавфсиз транспорт соҳасини ривожлантиришни режалаштириш учун 2030 йилгача Ўзбекистон транспорт соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни якунига етказиш ва уни амалга ошириш бўйича транспорт тизимида рақамлаштириш даражасини ошириш ва инновацияларни жорий этиш, транспортнинг экологик тозалигини таъминлаш, "яшил" транспортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш каби устувор йўналишларни қамраб олувчи Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Транспорт секторига (шу жумладан транспорт воситаларини сақлашга) инвестициялар нисбатан сезиларли даражада (2019 йилда барча манбалардан барча инвестициялар ҳажмининг 6 фоизи ёки тахминан 1,3 млрд АҚШ доллари) киритилган бўлиб, кўкаламзорлаштириш мезонлари соҳадаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларида ҳар доим ҳам қўлланилмаган. Шу муносабат билан янги инвестиция лойиҳалари учун экологик талабларни кучайтириш ва мавжуд транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ёки экологик кўрсаткичларини яхшилаш учун мослаштирувчи чора-тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

1.4.3. Бинолар

Ўзбекистон Ҳукумати 2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси қурилиш саноатини модернизация қилиш ва жадал ва инновацион ривожлантириш бўйича ўрта муддатли стратегияда қурилиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берган бўлиб, у фақат шаҳарсозлик ва режалаштириш фаолиятини қамраб олади (ПФ-6119, 2020 йил).

Барқарор ва энергия тежамкор бинолар "Яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясида қайд этилган бўлиб, у қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бинолар эксплуатациясининг устувор йўналишларини белгилайди:

- қурилиш материалларининг қўйидаги турларини ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор инновацион технологияларини жорий этиш: автоклав усулида цемент, ғишт, оҳак, газбетон буюмлари, иссиқлик изоляция материаллар, том ёпиш материаллари, прессланган ёғоч плиталари;
- иссиқлик қайтарувчи технологиялар ва электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларидан фойдаланган ҳолда (қуруқ усулда) цемент ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларини жорий этиш;
- биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш;
- биноларни энергия сертификатлаш тизимини яратиш;
- энергия тежамкор усулда таъмирлаш, хусусан, "яшил" ипотека кредитларидан фойдаланиш учун ипотека кредитлаш тизимини ривожлантириш.

Таъкидлаш жоизки, "яшил" биноларни қуришни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сезилмаяпти. "Яшил" технологияларни қўллаб қурилган ва энергия тежамкор бинолар учун стандартлар ва талабларни ишлаб чиқиш, маиший техника учун энергия тежамкор стандартларни жорий этиш, шунингдек, қурилаётган янги бинолар учун ушбу талабларни мажбурий тарзда бажариш зарурати мавжуд.

Уй-жой секторида 2010-2019 йилларда ҳар йили ўртача 12 миллион квадрат метрдан ортиқ янги турар-жой бинолари, биринчи навбатда, пойтахт Тошкент шаҳрида йилига ўртача 1,6 миллион квадрат метрдан ортиқ янги турар-жой бинолари қурилди. Бу шаҳар ҳавоси сифатининг ёмонлашишига ҳам сезиларли ҳисса қўшди.

Мавжуд уй-жой фонди энергия тежамкорлиги нуқтаи назардан жуда паст даражада эканлигини англаган ҳолда, Ҳукумат 2018 йилда давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондини лойиҳалаш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топшириш жараёнида уларнинг талабларига мувофиқлигини, энергия тежамкор ва энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш нуқтаи назаридан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мослигини текшириш тартибини жорий қилди. Янги қоида шу жумладан барча бино ва иншоотларни (якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари) лойиҳалаш, реконструкция қилиш ва қуришда иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситкичларини, шунингдек энергия тежовчи лампаларни мажбурий ўрнатишни талаб қилди (ПҚ-3379, 2017 йил).

Шунингдек, 2020 йилда барча янги уй-жойлар энергия тежовчи ускуналар билан жиҳозланган бўлиши ҳамда энергия аудити паспорти ёки BREEAM (Биноларнинг экологик самарадорлигини баҳолаш усули) ва LEED (Энергия самарадорлиги ва экологик лойиҳалаш бўйича қўлланма) халқаро стандартлари бўйича сертификатга эга бўлиши лозимлиги тўғрисидаги мажбурий талаб кучга кирди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги ПФ-5577-сонли Фармони).

1.4.4. Саноат

Кимё соҳасида ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноати устунлик қиладиган саноат сектори мамлакатдаги умумий энергия истеъмолининг деярли тўртдан бир қисмини ишлатади ва унинг деярли барчаси табиий газдир. Сектор 2017 йилда 8,5 миллион тонна CO₂ ёки жами йиллик эмиссиянинг 4,9 фоизини ташкил этди, бу 2013 йил даражасига нисбатан, гарчи базавий кўрсаткич паст бўлсада, 6,3 фоизга ўсди. Металлургия, цемент, кимё ва тўқимачилик саноати энг кўп иссиқхона газлари эмиссиясига ҳисса қўшган соҳалардир. Секторда эмиссия улуши кичик бўлсада, унинг сезиларли даражада ошиши кутилиши мумкин, чунки Ҳукумат экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи қувватларни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатда саноат секторини карбонсизлантириш мақсадида Ҳукумат томонидан "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва тармоқларда энергияни тежаш концепцияси тасдиқланди, унда қуйидаги асосий мақсад ва кўрсаткичлар белгиланди:

- 3,9 миллиард куб метргача табиий газ, 4 миллиард кВт/соатгача электр энергияси ва 21 минг тонна нефт маҳсулотларини тежаш ҳисобига энергия сарфи ҳажмини 20 фоизга, жумладан, 2022 йилда 5 фоизга камайтириш;
- бинолар ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини 30 фоизга ошириш;
- ҳар бир тармоқ доирасида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва энергия тежаш дастурларини ишлаб чиқиш, чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

Мамлакат саноат соҳасидаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юқорида қайд этилган мақсадларга эришиши учун Ҳукуматдан саноатни молиявий, технологик, бошқарув ва инсон ресурсларини мавжуд углеродни кўп истеъмол қилувчи активлар ва лойиҳаларни камайтиришга йўналтириш учун янги "яшил", углеродсиз бўлганлари билан алмаштиришни рағбатлантирувчи тизим яратишни талаб қилиши мумкин. Бундай ўтиш жараёни бир неча йилга чўзилиши мумкинлиги сабабли, давлат саноат ва кенгроқ иқтисодиётга юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни минималлаштириш учун уларга компенсация ёки субсидия схемаларини таклиф қилиши мумкин. "Яшил" маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва экспорт қилувчиларни рағбатлантириш, жумладан импорт чекловлари, экологик солиқ имтиёзлари, даромад солиғи, импорт божи ва акциз солиғи бўйича имтиёзлар, кредит фоиз ставкаси субсидиялари ва камайтирилган ҚҚС каби сўнгги йилларда бошқа кўплаб мамлакатларда жорий этилган чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

1.4.5. Сув таъминоти

Ўзбекистон дунёда чучук сувни ишлатиш кўрсаткичлари энг юқори бўлган давлатлар қаторига кириши мумкин.³ Жаҳон Ресурслари Институти маълумотларига кўра, Ўзбекистон сув танқислиги таъсирига энг кўп дучор бўлган 25 давлат қаторига киради ва иқлим ўзгариши туфайли сув танқислиги янада кучаяди. Эскирган жисмоний инфратузилма, сувни тежашни рағбатлантиришнинг йўқлиги ва малака ошириш тизимининг йўқлиги сувдан самарасиз фойдаланишга ва фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалигининг нотўғри амалиётига олиб келади, бу эса унумдорликнинг пастлигига ва тупроқнинг шўрланиши натижасида ерларнинг жиддий деградациясига олиб келади, ерлар ҳосил беришини тўхтатиб қўяди ва Орол денгизи ҳавзасидаги захарли чанг бўронларига ҳисса қўшади (БМТ ЕИК (UNEP), 2020 йил).

Ўзбекистон ҳар бир инсонни тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган БРМ 6-мақсад вазибаларига эришишга бел боғлаган. Ҳукумат ушбу соҳага катта миқдордаги давлат молиясини сарфлаётган бўлсада, аҳоли сони ўсиб бормоқда ва аксарият сув инфратузилмаси 50-60 ёшда бўлиб, аҳоли тобора ёмонлашиб бормоқда.

Оқава сувларни бошқариш тизими ниҳоятда кам ривожланган бўлиб, у катта ҳажмдаги молиялаштиришга муҳтож. Марказлаштирилган канализация тизимининг жорий қилиниши жуда паст бўлиб, у аҳолининг атиги 15,6 фоизини қамраб олади ва 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 31,4 фоизни ташкил этади (БРМ ИМТ, 2020 йил). Оқава сувларни тозалаш самарадорлиги даражаси ҳам паст бўлиб, 55 фоизни ташкил қилади, чунки инфратузилма эски ва алмаштиришга муҳтож.

Ҳукумат томонидан 2020 йил июль ойида Президент томонидан имзоланган 2020-2030 йилларда Сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича комплекс дастур қабул қилинди. 2020-2030 йилларда сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш дастурида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилган 2021-2023 йилларда сув хўжалиги ва ирригация соҳасини ривожлантириш стратегияси ўз ичига келажакдаги ўзгаришлар, жумладан, иқлим ўзгариши таъсири ва иқтисодий ўсишни ҳисобга олган ҳолда сувни барқарор бошқариш ва мамлакат ирригация тармоғини модернизация қилиш масалалари каби бир қатор инфратузилмавий, сиёсий, институционал ва салоҳиятни ошириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

³ 6.4-мақсадли вазифа: 2030 йилга бориб барча тармоқларда сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ҳамда сув танқислигини бартараф этиш ва сув танқислигидан азият чекаётган аҳоли сонини сезиларли даражада камайтириш учун чучук сувни барқарор ишлаб чиқиш ва етказиб беришни таъминлаш.

Стратегияга мувофиқ, 2021 йилда (i) прогнозлаш салоҳиятини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қўйиладиган техник талаблар ишлаб чиқилди, экспертлар гуруҳи тузилди ва келажакдаги иқлим ўзгариши прогнозларини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди; (ii) фермер хўжаликлари, кластер ташкилотлари, кооперативлар, сув истеъмолчилари уюшмалари ва сув хўжалиги ташкилотлари учун турли тупроқ-иқлим шароитларида сувга бўлган эҳтиёжни тавсифловчи, экспортга йўналтирилган экинларни танлаш ва уларни етиштириш усулларини тавсифловчи услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Бироқ, сувни бошқариш тизимида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича қуйидаги ҳаракатлар "Яшил" иқтисодийга ўтиш стратегиясида кўрсатилган:

- Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ерларнинг янада шўрланиши ва сифати ёмонлашишига йўл қўймаслик;
- Гидротехника тузилмалари, насос станциялари ва сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш;
- Сув хўжалиги секторида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қамровли фойдаланиш;
- Сув хўжалиги объектларини янгилаш, модернизация қилиш ва автоматлаштириш;
- Экинларни суғоришда энергия тежамкор ва сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, сувни тежашни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;
- Сув ресурсларини барқарор бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш.

1.4.6. Ўрмон хўжалиги

Ўрмон хўжалигининг институционал базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2017 йилда қуйидаги асосий вазифаларни бажарувчи Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилди (2022 йилда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги давлат агентлигига айлантирилди):

- ўрмон хўжалиги ресурсларини ҳар томонлама кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган ўрмон хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- ўрмон хўжалиги фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни, ўрмон плантацияларини яратиш, кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва муҳофаза қилишни, ўрмонлардан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланишни ташкил этиш;
- ўрмон хўжалиги фондини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини қатъий ҳисобга олиш ва ўрганиш, фан ва илғор тажриба ютуқларини ўрмон хўжалиги амалиётига жорий этиш ва бошқа вазифалар.

Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги тизимини ривожлантириш концепцияси (ПҚ-4850, 2020 йил) қабул қилинган бўлиб, унда 2030 йилга бориб ўрмон фонди ерларини 14 миллион гектарга ёки мамлакат ҳудудининг 32 фоизига етказиш, ўрмонлардан мақбул ва эҳтиёткорона фойдаланиш, ўрмон зоналари ва ўрмон плантацияларини яратишни жадаллаштириш кўзда тутилган. Концепцияни амалга ошириш натижасида 2030 йилда 6,1 миллион гектар майдонни ўрмон билан қоплаш, ҳар йили 3,5 минг гектар ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш, 11 674 тонна доривор ўсимликларни йиғиштириб олиш ва тизимга йилига 1 трлн сўм миқдорида даромад келтириш кўзда тутилган.

Ўрмон хўжалиги давлат агентлиги ўз фаолияти давомида 582,6 минг гектар, шу жумладан Орол денгизининг қуриган тубида 507,2 минг гектар ўрмонзорлар яратди (ПҚ-4424, 2019 йил). Бу борадаги ишлар самарасида ўрмон хўжалигининг иқтисодий фаолиятдан олинган даромадлари 2016 йилга нисбатан 3,7 баробар ошиб, 2018 йилда 133 миллиард сўмни ташкил этди.

2017 йилда CO₂ нинг умумий сўрилиши 8632,2 Гг ни ташкил этди, бу мамлакатдаги умумий иссиқхона газлари эмиссиясининг 4,5 фоизини ташкил қилди. 2006-2017 йилларда ушбу секторда эмиссиядан сўрилишга ўтиш Оролбўйи, ҳамда Навоий ва Бухоро вилоятларидаги чўл ерларда мақсадли равишда ўрмон плантацияларини барпо этиш натижасида ўрмон ерлари майдонининг сезиларли даражада ошиши билан боғлиқ.

1.4.7. Чиқиндиларни тартибга солиш

2017 йилда чиқиндилар сектори эмиссияси 2,7 Гт. CO₂ эквивалентини ташкил қилди. Бу умумий иссиқхона газлари эмиссиясининг 1,4 фоизини ташкил қилади. Чиқиндилар секторидаги метан эмиссияси жами иссиқхона газлари эмиссиясининг 94,8 фоизини, ўу жумладан азот оксиди 5,2 фоизини ташкил қилди.

Республикада чиқиндиларни тартибга солиш фаолияти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади. Ҳозирда, аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш хизматларидан фойдаланиши асосан мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида таъминланган.

Мамлакатда 296 та кўмиш ва чиқиндиларни йўқ қилиш учун полигонлар, жумладан, қаттиқ маиший чиқиндилар (221), саноат чиқиндилари (16), қурилиш чиқиндилари (4), лой йиғиш коллекторлари (21), чиқиндиларни йиғиш жойлари (15), махсус полигонлар (19) ва шунингдек, хавfli чиқиндиларни утилизация қилиш учун 23 та полигон мавжуд. Аралаш қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш механизми ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясида (ПҚ-4291, 2019 йил) қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ асосий муаммолар: қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, мавжуд қаттиқ маиший чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажми 2010 йилдаги 6,1 миллион тоннадан 2017 йилда 7,0 миллион тоннагача ошди (БМТ ЕИК (UNEP), 2020 йил). Қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясида қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлишининг йиллик ҳажми прогнози 14-14,5 млн тонна атрофида баҳоланади. Энг ёмон сценарийни ҳисобга олганда эса, ушбу кўрсаткич 2028 йилга келиб 16-16,7 млн тоннага етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Стратегияда 2028 йилгача аҳолини чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари билан қамраб олишни 100 фоизга, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 60 фоизга етказиш каби қатор мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Бироқ, янги Атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш концепциясида ҳосил бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 65 фоизгача ошириш бўйича янгиланган мақсад кўрсаткич ер олган (ПФ-5863, 2019 йил).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қаттиқ маиший чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга оид қарорида (ПҚ-4865, 2020 йил) 2020 йил охирига қадар аҳолини маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини 90 фоизга, 2021 йил охиригача эса 100 фоизга; қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 2020 йил охирига қадар 21,8 фоизга, 2021 йил охирига келиб эса 36,5 фоизга; 2022 йил охиригача маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларни ташкил этишда хусусий сектор улушини 50 фоизга етказиш каби янада улуғвор вазифалар мақсад қилиб қўйилган.

Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш бўйича лойиҳалар чиқиндилардан иссиқхона газлари эмиссиясини камайтиришга ёрдам беради, лекин улар ўсиб бораётган эмиссияларнинг асосий сабаби бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмолдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг ўсиб бораётган ҳажмини бартараф этмайди, ва бунга ўз навбатида норматив қоидалар, стандартлар, назорат механизмлари, материалларни қайта ишлатиш ва қайта ишлаш борасида маълумот ва рағбатлантириш чораларининг етишмовчилиги ҳам ўз салбий ҳиссасини қўшади.

2019-2028 йилларга мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси институционал ва ҳуқуқий база асосан етишмовчилиги туфайли чиқиндилар билан ишлашни бошқаришнинг янги интеграциялашган тизимини яратишга қаратилган. Чиқиндилар билан боғлиқ бўлган ишларни оқилона бошқариш бўйича меъёрлар етарли эмас, ҳамда янада яхлит тизимни қуриш ва фаолиятини юритиш бўйича масъулият тақсимланмаган. Инфратузилмани ривожлантиришни ҳам, унинг ишлашини ҳам барқарор молиялаштиришни талаб қилувчи қоидалар мавжуд эмас. Шу сабабли, ушбу тизим чиқиндилар билан боғлиқ бўлган фаолиятни ташкиллаштирилган тарзда бошқариш, тўлиқ хизматни кўрсатиш ва ландшафтларни муҳофаза қилиш каби ёндашувлардан фойдаланган ҳолда шакллантирилиши мумкин; қайта ишлаш/қайта фойдаланиш ва энергияни қайта тиклашга кенг қўламли ўтиш орқали полигонлар сонини камайтириш орқали ташкил қилиниши мумкин.

1.4.8. Табиий офатлар хавфини бошқариш

Ўзбекистон 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартибини белгилаб берувчи "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Конституциявий қонунни тасдиқлади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ўзининг "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунини (ВМҚ-600, 2022 йил) амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан қуйидагиларни жорий қилади:

- Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда авария-қутқарув ва бошқа кечиктирилмайдиган ишларни амалга ошириш ва таъминлашга ишсиз фуқароларни жалб этиш ва уларга меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом;
- Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш тартиби ва етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом;
- Фавқулодда вазиятларни бошқаришни таъминлаш (амалга ошири бориш) билан шуғулланадиган шахсларни ҳисобга олиш тартиби, шунингдек ушбу шахсларга қўшимча кафолатлар ва компенсацияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом;
- Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда халқаро гуманитар ёрдамни амалга

ошириш тартиби тўғрисидаги Низом.

2022 йил ноябрь ойида "Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (ПҚ-426, 2022 йил) қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда юзага келиши мумкин бўлган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнларни эрта аниқлаш, сув тошқинларига қарши давлат комиссияси ва ҳудудий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, аҳоли ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тартиби белгилаб берилган.

Иқлим ўзгаришига қарши ТОХБ тизимини мустаҳкамлаш учун иқлим ўзгаришига мослаштириш ва ТОХБни миллий сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва бюджет жараёнларида эътибор марказига киритиш, яъни иқлим ўзгаришига мослаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш, юмшатиш ва офатлар хавфини камайтиришда иштирокчи ёндашувни ўрнатиш жуда муҳимдир. Ушбу саъи-ҳаракатлар миллий миқёсда иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфига қарши чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий, меъёрий ва институционал базаларни такомиллаштириш билан биргаликда амалга оширилса, жуда самарали бўлиши мумкин.

1.4.9. Қишлоқ хўжалиги

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иссиқхона газлари эмиссияси бўйича иккинчи ўринда туради. 2017 йилда у мамлакатдаги умумий иссиқхона газлари эмиссиясинининг 17,8 фоизини, яъни 33,7 миллион тонна CO₂ эквивалентини ташкил этди. Метан эмиссияси (қишлоқ хўжалигидаги умумий эмиссиянинг 62,7 фоизи) иссиқхона газлари эквиваленти асосида ўлчанадиган азот оксиди эмиссиясидан (37,3 фоиз) сезиларли даражада юқори. Секторнинг эмиссияси қуйидагилардан келиб чиқади:

- чорвачилик ва шоли етиштириш ферментациясидан метан эмиссияси;
- гўнг билан боғлиқ фаолиятни бошқаришда метан ва азот оксиди эмиссияси;
- азотли ўғитлар ва гўнгни киритиш натижасида бошқариладиган тупроқлардан азот оксиди эмиссияси, ўсимлик қолдиқларининг парчаланиши ва бошқалар.

2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси мамлакатнинг ирригация ва сув хўжалигига боғлиқлиги юқори бўлган йўналишларда иқлим ўзгаришига мослаштириш чора-тадбирларини қамраб олади. Шу боис сув хўжалиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий устувор йўналиши сифатида белгиланган. Стратегияни самарали амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси қуйидаги устувор йўналишлар бўйича 60 га яқин чора-тадбирларни ўз ичига олади:

- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес иқлими ва қиймат занжирларини яратиш;
- қишлоқ хўжалигидаги озиқ-овқат секторининг рақобатбардошлигини ошириш ва инвестицион жозибадорлигини орттириш соҳасини бошқаришда давлат ролини камайтириш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш;

- давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;
- илм-фан, таълим, қишлоқ хўжалигида ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш, қишлоқларни ривожлантириш, тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ривожлантириш.

Қишлоқ хўжалиги сектори қишлоқ эҳтиёжларини қондириш ва камбағаллик даражасини камйтиришнинг энг тўғридан-тўғри канали бўлиб, соҳанинг ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун барча чораларни кўриш керак. Баҳолашлар (БМТТД, 2021 йил) шуни кўрсатадики сув таъминотининг пасайиши, агар ҳеч қандай чора кўрилмаса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг чекланишини англатади. Сув билан таъминланиш 10-30 фоизга камайса, қишлоқ хўжалигининг умумий маҳсулоти 6-28 фоизга камайиши мумкин. Меҳнат билан бандлик мос равишда 55 000 - 250 000 кишига камайдди. Шу сабабли, агар иқлимга мос қишлоқ хўжалиги, ер ва сувни сақлаш бўйича барқарор чора-тадбирлар ва инвестициялар амалга оширилса, қўрқоқчилик туфайли иш ўринларини йўқотишларга сезиларли даражада чек қўйилиши мумкин. Рақобатли устуворликларга дуч келган стратегия ишлаб чиқувчилар иш ўринлари ва барқарор ер ва сувни сақлаш чоралари (томчилатиб ва қуёш нуруни ишлатиб суғориш, сув истеъмолини қатъий ўлчаш ва ҳисобга олиш, тупроқ эрозиясини назорат қилиш, ерга ишлов бермаслик ва сув йиғиш) ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олишлари керак. Бундан ташқари, томчилатиб суғориш технологияси мамлакатимизда насосли суғоришдан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ҳам сув, ҳам энергия сарфини тежайди.

1.5. МОНИТОРИНГ, ҲИСОБОТ, БАҲОЛАШ ВА ЎРГАНИШ

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ мамлакат иқтисодиёти миқёсидаги мақсадли кўрсаткичлар ва режалар, шу жумладан ММБХ, "Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси", "Яшил ўсиш" дастури ва Ҳаракатлар режасининг мониторинги ваколатли органлар томонидан даврий ҳисоботлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар натижаларининг кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 декабрьдаги ПҚ-436-сон Қарорига мувофиқ, дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхоналар - ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ушбу қарор билан тасдиқланган Ҳаракатлар режаси ҳамда тармоқлар кесимидаги ресурс тежаш дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда Мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этади;
- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини идоралараро мувофиқлаштиради, ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу қарор билан белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси тўғрисида умумлашган таҳлилий маълумотларни Идоралараро кенгашга киритади;
- Идоралараро кенгаш ҳар чорак якуни билан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритади.

Бундан ташқари, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва маҳсулдорлиги 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлардан келиб чиқиб баҳоланади. Мониторинг ва баҳолаш ишлари

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Идоралараро ишчи гуруҳ орқали секторлар, ҳудудлар ва ҳар бир устувор йўналишлар бўйича кутилаётган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар матричасини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, иқлим ўзгаришига мослашиш учун умумий МВБ тизими мавжуд эмас. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда экологик ва иқтисодий маълумотлар кўплаб манбалардан (яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фанлар академияси ва бошқалардан) тўпланади. Ушбу маълумотлар турли хил экологик ва иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун ишлатилади. Ушбу кўрсаткичлар учун бирлаштирувчи асоснинг йўқлиги (охиргиси 2011 йилда бекор қилинган) ўлчовлардаги бўшлиқларни келтириб чиқаради, халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминламайди ва натижалар барча муассасалар учун мавжуд бўлган ягона маълумотлар базаси сифатида бирлаштирилмайди.

"Яшил" иқтисодиёт бўйича маълумотларни йиғиш ва бошқаришни такомиллаштириш учун Ўзбекистон Ҳукумати (i) мавжуд маҳаллий ва халқаро маълумотларни, уларни йиғиш усуллари ва бошқарув жараёнларини таҳлил қилиб чиқиши; (ii) маълумот тақчиллиги ва услубиёт муамоларини бартараф қилиш учун "яшил" иқтисодиёт маълумотлари бўйича йўл харитасини қабул қилиши ва (iii) "яшил" иқтисодиёт билан шуғулланувчи турли давлат органларининг маълумотлар базаларини ўзаро боғлайдиган интеграциялашган атроф-муҳит бўйича ахборот тизимини яратиши мумкин.

Иссиқхона газлари эмиссияси ва иқлим билан боғлиқ стратегияларни мониторинг қилиш учун Ўзбекистоннинг замонавий мониторинг, ҳисобот ва текшириш (МХТ) тизимига эҳтиёжи мавжуд. 1999 йилдан буюн, Ўзбекистон ўзининг иссиқхона газлари эмиссияси бўйича фақатгина учта миллий ҳисоботини тақдим қилди. 2021 йилда у халқаро стандартларга мувофиқ амалга оширилган ва 1990-2017 йилларни қамраб олган иссиқхона газлари эмиссияси инвентаризацияси билан тўлиқ бўлган икки йиллик оралиқ ҳисобот (ИЙОҲ) ни тақдим этди. 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон миллий алоқа ва ИЙОҲни жадал суръатларда чиқаришни режалаштирмоқда. Бу стратегиялар ишлаб чиқувчиларга "яшил" иқтисодиёт стратегияси натижаларини кузатиш учун долзарб маълумотлардан фойдаланиш имконини беради. Бироқ, амалдаги тизим иссиқхона газларининг икки ҳилини (олтингургурт гексафториди ва перфторуглеродлар) қамраб олмайди.

Бундан ташқари, у Ўзбекистонга иқлим соҳаси мақсадларига эришишда халқаро ҳамжамият томонидан кўрсатилган ёрдамни қамраб олмайди. Бу камчиликларни бартараф қилиш Ўзбекистонга нафақат ўз эмиссиясини яхшироқ ўрганиш имконини беради, балки келажакдаги Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларда шартли мақсад кўрсаткични белгилаб қўйган тақдирда, иқлим соҳасидаги молиялаштиришни етказиб берилишини кузатиб бориш имконини беради. Ўзбекистон Ҳукумати иқлим ўзгаришига жавоб чораларини яхшироқ кузатиш учун (i) ўзининг МХТ тизимини БМТ ИЎТҲК стандартларига мувофиқлаштириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиши, (ii) ҳар икки йилда бир марта барча асосий иссиқхона газлари бўйича янгиланган ҳисоботларни нашр этиши ва (iii) миллий ёзишамлар, шу жумладан иқлимни молиялаштириш, технологияларни ўтказиш ва салоҳиятни ошириш бўйича ҳисоботларни ҳар олти йилда бир марта чоп этиши мумкин.

1.6. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Юқорида айтилганларга асосланиб, уларни ҳал қилиш бўйича қуйидаги хулосалар ва тавсиялар берилиши мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва иқлим ўзгаришига мослашишни миллий ва маҳаллий миқёсларда режалаштириш ва бюджетлаштириш жараёнларига интеграция қилиш учун институционал ва техник салоҳиятни кучайтиришга қаратилган Иқлим ўзгариши бўйича стратегия ва Миллий мослашиш режаси ҳали ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланмаган. Париж келишуви (битими) ни ратификация қилгандан кейин, Ўзбекистон Ҳукумати иқлим ўзгариши билан боғлиқ миллий стратегия ва режаларини такомиллаштириш бўйича изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширган бўлсада, бироқ у ҳали иқлим ўзгаришига доир интеграциялашган стратегик тузилмавий базага эга эмас. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ фаолиятни юритиш тарқоқ ҳолатда Президент фармонлари, қонунлар, ҳукумат қарорлари, тармоқ стратегиялари ва режаларидан иборат. Амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни уйғунлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Ҳукумати янги тамойилларни жорий қилиш ёки халқаро стандартларга мослаштириш имкониятларини баҳолаш йўли билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларини ягона ҳуқуқий ҳужжатга жамлаши ва соддалаштириши мумкин. Шунингдек, таъсирни юмшатиш ва унга мослашиш чоралари орқали углерод эмиссиясини соф нолга тенг мақсадларга эришишнинг устувор йўналишлари ва воситаларини йўналтириш мақсадида Ҳукумат 2050 йилга мўлжалланган "карбонсизлантириш" (қазиб олинадиган ёқилғидан воз кечиш) бўйича узоқ муддатли стратегияни тақдим қилиши керак.

Иккинчидан, Ҳукумат халқаро ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда яқинда мамлакатнинг иқлим ўзгариши таъсирига тобеълигини ҳар томонлама баҳолашни амалга оширди, бироқ баҳолаш натижаларининг Ҳукуматнинг камбағалликни қисқартириш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва гендер тенглиги каби устувор стратегик мақсадларга жорий қилиниши ҳали тайёргарлик босқичидан ўтмоқда. Бундан ташқари, Ҳукумат стратегия ишлаб чиқарувчиларга иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашиш масалаларини миллий, тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларига киритиш мажбуриятини жорий қилди, бироқ уни амалга ошириш тартиби ва механизмларини тартибга солиш механизмлари ҳали ишлаб чиқилмаган ва қабул қилинмаган. Ўзбекистоннинг "яшил" иқтисодиётга ўтиш бўйича устувор йўналишларининг ҳамда Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссалар доирасида эмиссиясини камайтириш мақсадларининг миллий ривожланишни режалаштириш ва бюджет маблағлари ажратилишига таъсири ниҳоятда кичкина бўлиб қолмоқда. Бюджетни режалаштириш жараёнлари ва бюджет ҳужжатлари иқлим ўзгариши ёки иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш сиёсатини давлат харажатларининг алоҳида йўналиши сифатида белгиламайди. Тараққиётни режалаштиришга иқлим ўзгариши масалаларини тўлиқ ва самарали интеграция қилиш учун биринчи навбатда юқорида қайд этилган мажбуриятни тартибга солиш механизмини ишлаб чиқишда ривожланиш мақсадларини белгилашдан тортиб молиялаштириш ва амалга ошириш механизмларини аниқлашгача бўлган режалаштиришнинг барча босқичларида таъсирни юмшатиш ва унга мослашиш чораларини ҳисобга олиш ва умумлаштириш зарур.

Учинчидан, маълумотларни тўплаш, мониторинг қилиш ва ҳисобот беришни такомиллаштиришнинг бир қатор усуллари мавжуд.

- Мамлакатда иқлим ўзгаришига мослашиш учун умумий МВБ тизими мавжуд эмас. Асосий кўрсаткичлар учун бирлаштирувчи асоснинг йўқлиги ўлчовлардаги бўшлиқларни келтириб чиқаради, халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминламайди ва натижалар барча муассасалар учун мавжуд бўлган ягона маълумотлар базаси сифатида бирлаштирилмайди. Бундан ташқари, амалдаги МВБ ва МҲТ тизимлари Ўзбекистонга иқлим соҳаси мақсадларига эришишда халқаро ҳамжамият томонидан кўрсатилган ёрдамни қамраб олмайди. Бу камчиликларни бартараф қилиш Ўзбекистонга нафақат ўз эмиссиясини яхшироқ ўрганиш имконини

беради, балки келажакдаги Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларда шартли мақсад кўрсаткични белгилаб қўйган тақдирда, иқлим соҳасидаги молиялаштиришни етказиб берилишини кузатиб бориш имконини беради.

- "Яшил" иқтисодиёт бўйича маълумотларни йиғиш ва бошқаришни такомиллаштириш учун Ўзбекистон Ҳукумати (i) мавжуд маҳаллий ва халқаро маълумотларни, уларни йиғиш усулларини ва бошқарув жараёнларини таҳлил қилиб чиқиши; (ii) маълумот тақчиллиги ва услубиёт муамоларини бартараф қилиш учун "яшил" иқтисодиёт маълумотлари бўйича йўл харитасини қабул қилиши ва (iii) "яшил" иқтисодиёт билан шуғулланувчи турли давлат органларининг маълумотлар базаларини ўзаро боғлайдиган интеграциялашган атроф-муҳит бўйича ахборот тизимини яратиши мумкин.
- Иссиқхона газлари эмиссияси ва иқлим билан боғлиқ стратегияларни мониторинг қилиш учун Ўзбекистоннинг замонавий мониторинг, ҳисобот ва текшириш (МХТ) тизимига эҳтиёжи мавжуд. Бироқ, амалдаги тизим иссиқхона газларининг икки ҳилини (олтингугурт гексафториди ва перфторуглеродлар) қамраб олмайди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Ҳукумати (i) ўзининг МХТ тизимини БМТ ИЎТҲК стандартларига мувофиқлаштириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиши, (ii) ҳар икки йилда бир марта барча асосий иссиқхона газлари бўйича янгиланган ҳисоботларни нашр этиши ва (iii) миллий ёзишамлар, шу жумладан иқлимни молиялаштириш, технологияларни ўтказиш ва салоҳиятни ошириш бўйича ҳисоботларни ҳар олти йилда бир марта чоп этиши мумкин.

2.1. КИРИШ

Охирги тўрт йил ичида Ўзбекистон Ҳукумати иқлим ўзгариши борасидаги сиёсат ҳамда давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг ҳаракатларини самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзининг институционал асосларини мустаҳкамлаб келмоқда.

Мамлакатнинг давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи органи идоралараро кенгаш ҳисобланади. Бошқа масалалар қаторида, у "яшил" иқтисодиётга ўтиш бўйича миллий ҳаракатлар ва БМТ ИЎТҲК мажбуриятларини бошқариш учун масъулдир. Миллий стратегия ва сиёсат идоралараро ишчи гуруҳлар томонидан жойлардаги ҳокимият идораларининг қарашларини ҳисобга олган ҳолда, лекин чекланган асосда ишлаб чиқилади.

Тармоқ вазирликлари ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтлари иқлим ўзгаришига мослашиш ва таъсирларни юмшатиш элементларини ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқишда доимий кўмак беради. Давлат муассасалари, илмий, техник ва тадқиқот муассасалари вакиллари Ҳукуматга БМТ ИЎТҲК учун бўлган давлат мажбуриятлари тўғрисидаги ҳисоботларни ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикасида иқлим ўзгариши соҳасидаги институционал асослар ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари келтирилган.

2.2. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАЛАР

2.2.1. Иқлим ўзгариши масалаларини тармоқлараро тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича миллий органлар

Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиши чораларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаши

"Яшил" иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш "Яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини амалга оширишни мувофиқлаштиришни яхшилаш ва "яшил" ўсишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ҳукумати томонидан 2019 йилда Идоралараро кенгаш (ИАК) (ПҚ-4477, 2019-йил). Яқинда ИАК масъулияти доираси янада кенгайтирилиб, у қайта тузилди (ПҚ-436, 2022 йил).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раислигида 19 та вазирлик ва идораларни бирлаштирган ИАК стратегик таклифларни кўриб чиқади, ишлар олиб борилиши ҳолатини таҳлил қилади, стратегик кўрсатмалар беради ва Ўзбекистонда "яшил" ўсишни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилувчи орган сифатида хизмат қилади.


ИАКнинг фаолиятини тартибга солувчи низомида белгиланган мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси, "Яшил" ўсиш Дастури ва Ҳаракатлар режасида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг ўз вақтида бажарилишини тизимли назорат қилиш;
- ҳар чорақда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш;
- доимий мониторинг асосида "яшил" иқтисодиётга ўтиш Стратегияси ва "Яшил" ўсиш дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини

ошириш мақсадида масъул ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўриш.

Кенгаш қарорини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Ҳукумати техник муҳокамалар, тармоқлараро таҳлил ва янги стратегияларни ишлаб чиқиш учун платформа вазифасини ўтайдиган Идоралараро ишчи гуруҳини (ИАИГ) тузиши мумкин. ИАИГ тегишли бўлинмалар раҳбарларидан иборат бўлиб, унга ИМВнинг "Яшил" иқтисодиёт бўйича бошқармаси раҳбарлик қилади. Махсус кичик гуруҳлар шаклида ташкил этилган ИАИГ ресурслар ва билимларни бирлаштиради ва керак бўлганда ташқи эксперт билим ва тажриба (масалан, академиклар, таҳлил марказлари, фуқаролик жамияти вакиллари)ни жалб қилади.

2.1-расм: "Яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "Яшил" ўсиш институционал тузилмаси



ИАИГ фаолиятини мувофиқлаштириш ва ИАКнинг доимий котибияти вазифасини бажариш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг "Яшил" иқтисодиётни ривожлантириш бошқармасида Техник котибият ташкил этилди (ПҚ-436, 2022 йил). Ўз навбатида Техник котибият "Яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси ва "Яшил" ўсиш дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш ва уларнинг ИАКга тақдим этиладиган йиллик амалга ошириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тайёрлаш орқали амалга оширилиш ҳолатини мониторинг қилиш учун масъулдир.

Ҳозирда Ўзбекистонда Иқлим ўзгариши борасида ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия тузиш масаласи кўриб чиқилиб, Иқлим ўзгариши соҳасидаги стратегияни қабул қилиш режалаштирилмоқда. Комиссияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислик қилади ва унинг таркибига иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги 20 га яқин ҳукумат вазирлик ва идоралари киради. Бундан ташқари, комиссиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларида "яшил" ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашишга қаратилган чоратadbирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

- иқлим ўзгариши соҳасидаги янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда Ҳаракатлар режаси, шу жумладан тайёрланган ва келишилган лойиҳа ҳужжатлари асосида ҳудудий ҳаракатлар режаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.

Умуман олганда, иқлим ўзгариши бўйича юқори даражадаги мувофиқлаштирувчи орган мавжуд эмаслиги, шунингдек, ИАК иқлимни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга эмаслиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида Иқлим ўзгариши бўйича саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссияни тузиш ишини якунига етказиш зарур. Бундан ташқари, унинг ваколатларини (яъни, иқлимни молиялаштириш бўйича ваколатларини) ва тармоқлараро иқлим ўзгаришига мослашишни режалаштириш ва турли даражадаги мослашиш тадбирлари ва ҳаракатларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш механизмини кучайтириш, шунингдек, бошқа мувофиқлаштирувчи органлар билан иқлим ўзгаришининг турли муаммоларига ечим топиш борасида самарали ҳамкорликни таъминлаш бўйича фаолиятни алоҳида тартибга солиш зарур.

2.2.2. Иқлим ўзгариши соҳасидаги стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органлари

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги иқлим ўзгариши, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (биологик хилма-хиллик, чиқиндилар/қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ бўлган фаолиятни бошқариш) ҳамда ўрмон хўжалиги соҳасида стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъулдир. Вазирликнинг иқлим ўзгариши масалалари бўйича ишчи органи Гидрометеорология хизмати агентлиги ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши нуқтаи назаридан вазирлик (i) иқлим ўзгариши, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмонзорларни барпо этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, ушбу соҳаларда ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш; (ii) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмонзорлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ фаолиятни бошқариш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; (iii) чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, Қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясининг "Йўл харитаси"га киритилган чора-тадбирларни амалга ошириш; (iv) хавfli чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш; (v) стационар ва ҳаракатланувчи манбалардан ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқариш ҳажмини камайтириш; (vi) табиий муҳитнинг экологик мониторинги тизимини ва иқлим мониторинги тизимини, шу жумладан прогнозлар, маълумотлар алмашинуви ва атроф-муҳит ифлосланиши мониторинги тизимини такомиллаштириш; (vii) иқлим ўзгаришига мослашиш чоралари ва стратегиялари бўйича тавсиялар бериш каби масалалар бўйича масъулдир.

Вазирлик ГЭФнинг операцион ва сиёсий масалаларда алоқа идораси бўлиб, ГЭФ томонидан ажратиладиган грант маблағларини тақсимлаш бўйича масъулдир. Шунингдек, вазирлик зиммасига экологик қонунчилик бузилишининг олдини олиш, чиқиндиларни тартибга солиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳам юклатилган. Вазирлик Глобал "яшил" ўсиш институти (GGGI) билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Вазирлик БМТ ИЎТХКнинг Яшил иқлим жамғармаси билан ишлаш бўйича ваколатли миллий орган ҳисобланади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги

Гидрометеорология хизмати агентлиги ("Ўзгидромет") Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг иқлим ўзгариши билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштириш борасидаги мажбуриятларини бажаришни ҳамда БМТ ИЎТХК ва Париж келишувининг мақсад ва вазифаларига эришишни таъминлайдиган давлат органи ҳисобланади. "Ўзгидромет" БМТ ИЎТХКнинг миллий масъул органи бўлиб, мамлакатнинг БМТ ИЎТХК ва Париж келишуви доирасидаги мажбуриятлари бажарилиши бўйича масъулдир. "Ўзгидромет" Бош директори БМТ ИЎТХКнинг миллий координатори ва Мослаштиш фондининг миллий ваколатли координатори ҳисобланади. "Ўзгидромет"га асосий мутасадди вазирликлардан иборат идоралараро ишчи гуруҳ ёрдам беради, бу гуруҳга иқлим ўзгариши бўйича тармоққа оид мақсад вазифаларни белгилаш ва иқлим ўзгаришига мослашишни режалаштириш бўйича техник маслаҳатлар бериш ваколати берилган. Бундан ташқари, ишчи гуруҳ Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларни тайёрлашда иштирок этади.

"Ўзгидромет" БМТ ИЎТХК учун ҳисобот ҳужжатларини ишлаб чиқади ҳамда гидрометеорологик кузатувлар давлат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, гидрометеорология маълумотлари давлат фондиди, атроф-муҳитнинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар давлат фондиди шакллантириш ва юритиш, ер усти сувларининг давлат ҳисобини юритиш, қисқа муддатли ва узоқ муддатли об-ҳаво прогнозларини, дарёлардаги сув миқдори ва иқлим ўзгариши соҳаларида тадқиқот ишларини олиб бориш учун масъулдир.

Иқлим ўзгариши нуқтаи назаридан "Ўзгидромет" (i) об-ҳаво прогнози ва иқлимга оид, экстремал об-ҳаво ҳодисалари, гидрометеорологик ва агрометеорологик мониторинг; (ii) Миллий хабарлар ва БМТ ИЎТХК доирасида икки йиллик ҳисоботларни тайёрлаш; (iii) эмиссияларни баҳолаш ва иссиқхона газлари ҳисоботларини тайёрлаш; (iv) Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларни тайёрлаш ва янгилаш; (v) Миллий мослашиш режаларини тайёрлаш; (vi) Иқлим ўзгариши жараёнларини илмий тадқиқ этиш, уларнинг оқибатларининг табиий муҳитга, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига таъсирини баҳолашга масъул ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши бўйича вазифалар "Ўзгидромет" тизимидаги "Иқлим ўзгариши мониторинги бўлими" (7 нафар ходим) томонидан амалга оширилади. Илмий-тадқиқот ва таҳлилий ишлар "Ўзгидромет" ҳузуридаги Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан қўллаб-қувватланади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ сиёсати, бюджетни тайёрлаш ва ижросини таъминлаш соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни соҳага оид вазирликлар ва барча давлат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширадиган давлат органи ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан, ИМВ (i) ИАКнинг ишчи органи сифатида "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш ва "яшил" ўсиш тамойилларини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш; (ii) Париж келишувининг б-моддасига мувофиқ Барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш механизми доирасидаги фаолиятни амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

ИМВ (i) ялпи ички маҳсулотнинг углерод интенсивлигини пасайтириш; (ii) иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик жиҳатлар эътиборга олинишини таъминлаш; (iii) миллий иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш; (iv) "яшил" иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг

молиявий механизмларини ишлаб чиқиш, иқлимни молиялаштириш орқали молиявий ресурсларни сафарбар қилиш ва "Ўзгидромет"га БМТ ИЎТХК доирасида иқлимни молиялаштириш бўйича маълумотларни тақдим этишга масъул ҳисобланади.

ИМВ халқаро ва миллий миқёсда иссиқхона газларининг эмиссияси квоталари савдоси (Эмиссия квоталари савдоси тизими - ЭКСТ, Қўшма кредитлаш механизми - ҚКМ ва бошқалар) ни тартибга солиш, амалга оширишни мувофиқлаштириш ва бошқариш учун, шунингдек, ушбу соҳадаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида мониторинг ва ҳисобот бериш учун масъул ижро этувчи орган сифатида иштирок этади.

ИМВ ИАКнинг ишчи органи бўлиб, ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиради. 2021 йилдан бошлаб вазирлик тузилмасида "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун "Яшил" иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (12 нафар ходим) ташкил этилди. Бошқарма бошқа функциялар қаторида "яшил" ғояни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати, дастурлари, стратегиялари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш жараёнига кўмаклашиш; шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона газларини камайтириш тамойиллари ва тартиблари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун масъулдир.

2.2.3. Мўайян соҳаларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ активларни тартибга солиш ва бошқариш учун масъул бўлган давлат ташкилотлари

Энергетика вазирлиги

Энергетика вазирлиги энергетика соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул давлат органи ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик (i) энергияни тежаш ва иқтисодиётнинг энергия интенсивлигини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; (ii) иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида ва маиший секторда илғор ресурс ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш; (iii) қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш; (iv) экологик хусусиятлари яхшиланган мотор ёқилғисини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш; ва (v) замонавий, арзон ва ишончли энергия таъминотидан фойдаланишни таъминлаш масалаларида масъулдир.

Вазирлик "яшил" энергетикани ривожлантириш, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбалари ва водород энергиясини кенг миқёсда жорий этиш, шунингдек, энергия самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи ҳажмини камайтириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Вазирлик Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича Республика комиссиясининг ишчи органи, шунингдек Қайта тикланувчи энергия манбалари халқаро агентлиги (IRENA)даги Ўзбекистон Республикасининг миллий мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади. Вазирлик ҳузурида бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси ташкил этилган.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига ривожлантириш давлат дастурлари, инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишни мувофиқлаштиришни таъминлаш масалалари юклатилган. Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик (i) тоза ва экологик тоза технологиялар ва саноат жараёнларидан фойдаланган ҳолда саноат корхоналари инфратузилмасини модернизация қилиш; (ii)

Ўзбекистон Республикасининг "Яшил" иқтисодийга ўтиш бўйича стратегиясида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари, хорижий давлат молия ташкилотлари ва бошқа хорижий донорлардан хорижий инвестициялар, шунингдек кредитлар ва грантлар жалб этиш; (iii) иқлимни молиялаштириш орқали молиявий ресурсларни сафарбар қилиш масалалари учун масъулдир.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш сиёсатини юритиш Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилган. иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик (i) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришда ҳосилдорлик ва ўртача маҳсулдорликни ошириш; (ii) ер деградацияси масаласида нейтрал ҳолатини таъминлашга эришиш; (iii) замонавий ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги технологияларини жорий этиш; (iv) агротехника комплексининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга масъул ҳисобланади.

Сув хўжалиги вазирлиги

Танланган сув ҳавзаларида сув ресурсларини комплекс бошқариш тамойилларини жорий этиш ва маъмурий сув хўжалиги ташкилотларини гидрографик ҳавзалар ирригация тизими органларига айлантириш Сув хўжалиги вазирлигига юклатилган. Шунингдек, вазирлик томонидан иқлимга чидамли ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик (i) сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; (ii) мелиоратив ер майдонларини мониторинг қилиш усулларини такомиллаштириш масалалари бўйича масъулдир.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги (турар-жойларни иситиш ва чиқиндиларни бошқариш, оқава сувларни тозалаш) соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга масъул давлат органи ҳисобланади. Мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритувчи "Ўзсаноатқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти билан мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият юритади.

Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик (i) бинолар ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш; (ii) қурилишда энергия самарадорлигини таъминловчи ва энергия тежамкор инновацион лойиҳалар ва ечимларни амалга ошириш; (iii) уй-жой коммунал хўжалиги тизимида ресурс ва энергия тежовчи технологиялар ва ускуналарни жорий қилиш, шу жумладан, уй-жой коммунал хўжалигини замонавий ҳисобга олиш ва назорат қилиш воситалари билан жиҳозлаш; (iv) кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектлар учун марказсизлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини жорий қилиш; (v) иссиқлик энергиясини, шу жумладан қайта тикладиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш учун энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш; (vi) оқава сувларни тозалаш самарадорлигини ошириш масалаларида масъулдир.

Транспорт вазирлиги

Транспорт вазирлиги транспорт соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органи ҳисобланади. Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик (i) халқаро стандартларни (шу жумладан, Евро-4 ва ундан юқори стандартларга мувофиқ экологик тоза ёқилғига ўтиш кабиларни) ҳисобга олган ҳолда автомобил транспортдан атмосферага эмиссия газлари учун стандартларни қайта кўриб чиқиш; (ii) Евро-4 ва ундан юқори

стандартларга мувофиқ энергия самарадорлиги ва экологик тозаллиги яхшиланган автотранспорт воситаларини, электромобилларни, гибрид двигателли ва газ ёқилғисига эга автомобилларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш; (iii) жамоат транспортини табиий газ ёқилғиси ва электр энергияси асосида тортишга босқичма-босқич ўтказиш; (iv) мамлакатнинг йирик шаҳарлари ва аҳоли пунктларида велоспортни ривожлантириш масалалари бўйича масъулдир.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўрмонларни яратиш, кўпайтириш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек ўрмон овини юритиш, қўриқхоналар, миллий табиий парклар ҳамда Қўмита ваколатига киритилган бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан Қўмита Орол денгизининг қуриган туби чўлланишининг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш, ҳимоя ўрмонлари ва ўрмонзорлар барпо этилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъулдир.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фуқаролар муҳофазаси, гидрометеорология, сейсмик кузатувлар, сув транспорти воситаларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат органи ҳисобланади. Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик табиий офатлар хавфини бошқариш соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлаш, соғлиқни сақлаш хизматларини ҳуқуқий тартибга солиш, тиббиёт суғуртаси, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомаласи, аҳолининг санитария-эпидемиология фаровонлигини таъминлаш, тиббий кўриқдан ўтказиш, тиббий ва фармацевтика таълимини ташкил этиш соҳаларида давлат сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган давлат органи ҳисобланади. Иқлим ўзгариши сиёсати нуқтаи назаридан вазирлик соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга масъул бўлган давлат органидир.

2.2.4. Иқлим ўзгаришини кузатиш, эксперт баҳолаш ва инспекция назоратини амалга оширувчи давлат муассасалари

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги

Ўзбекистонда гидрометеорологик кузатувлар "Ўзгидромет" томонидан амалга оширилади. "Ўзгидромет" гидрометеорологик кузатувлар давлат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, гидрометеорология маълумотлари давлат фондини, атроф-муҳитнинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар давлат фондини шакллантириш ва юритиш, ер усти сувларининг давлат ҳисобини юритиш, қисқа муддатли ва узоқ муддатли об-ҳаво прогнозларини, дарёлардаги сув миқдори ва иқлим ўзгариши соҳаларида тадқиқот ишларини олиб бориш масалаларида масъулдир.

"Ўзгидромет" Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги гидрологик объектлар ва уларнинг таркибий қисмларининг сув режими мониторингини амалга оширади. Шунингдек, агентлик Ўзбекистон

Республикасининг бутун ҳудудида гидрометеорологик ва агрометеорологик кузатувлар олиб боради. "Ўзгидромет" масъулияти доирасига кирувчи зонада узоқ муддатли кузатув олиб бориш пунктлари мавжуд.

Ўзгидромет Жаҳон Метеорология Ташкилотининг (ЖМТ) таркибий аъзоси бўлиб, унинг асосий мақсади об-ҳаво ва иқлимни кузатиш, атроф-муҳит ҳолатининг метеорологик, гидрологик ва бошқа жиҳатлардан олиб бориладиган кузатувлар бўйича маълумотларни тўплаш ва алмашишда ҳамкорлик қилишдир.

1967 йилдан бери Тошкент Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Россиянинг Осиё қисмидаги давлатларда метеорологик маълумотларни йиғувчи, об-ҳаво хариталари ва прогнозларини тайёрловчи ва тарқатувчи 29 та ҳудудий метеорология марказларидан бири ҳисобланади. Бу Бутунжаҳон об-ҳаво кузатуви (WWW) тизимида "Ўзгидромет"нинг масъул бўлган соҳаси ҳисобланади.

"Ўзгидромет" тизимига бирлаштирилган тармоқ 400 дан ортиқ атроф-муҳитни кузатиш станцияларини ўз ичига олади. Республика ҳудудида 1921 йилдан бошлаб метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик кузатишлар олиб борилади. 1972 йилдан бери сув ҳавзалари, ҳаво ва тупроқ ҳолатининг экологик кузатувлари олиб борилади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Давлат экологик экспертиза маркази

Давлат экологик экспертиза маркази давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун масъул бўлиб, унга қуйидаги функциялар юкланган (ВМҚ-541, 2020 йил):

- давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш;
- давлат ва жамоат экологик экспертизаси бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
- давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун эксперт ва мутахассисларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро экспертларни жалб қилиш;
- банк ва бошқа кредит ташкилотларига давлат экологик экспертизаси бўйича ижобий хулоса берилмаган объектларни молиялаштириш, уларга кредит ажратиш ва бошқа молиявий операцияларни тўхтатиш (тугатиш) ҳақида тақдимномалар юбориш;
- давлат экологик экспертизаси бўйича хулосалар бажарилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш;

Давлат экологик экспертизасини Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 14 та ҳудудий бўлинмаси ва Давлат экологик экспертиза маркази амалга оширади. Бўлинмаларнинг вазифаси давлат экологик экспертизасини ўтказиш, эксперт хулосалари лойиҳаларини Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига тасдиқлаш учун киритиш, шунингдек, трансчегаравий таъсир кўрсатадиган ҳужжатлар ёки фаолият бўйича эксперт хулосаларини тасдиқлаш учун Ҳукуматга тақдим этишдан иборат.

2.3. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, ўн иккита вилоят ва Тошкент шаҳри, 170 та туман ва 25 та вилоят (республика) қарамоғидаги шаҳарлар кирази.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими марказий ва маҳаллий бўғинлардан иборат. Маҳаллий ҳокимият органлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига бўлинади. Бундан ташқари,

маҳаллаларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жойларда фаолият юритади ва улар марказий давлат бошқаруви тизимига кирмайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти маҳаллий давлат бошқаруви органлари (маъмурий органлар - ҳокимликлар) ҳамда вилоят ва туман даражасидаги сайланадиган маҳаллий кенгашлар (қонун чиқарувчи органлар) дан иборат. Депутатлар 5 йил муддатга тайинланади/сайланади. Маҳаллий маъмурий ҳокимият вилоят, туман ёки шаҳар/шаҳарча даражаларида давлатнинг ижро этувчи ва тартибга солувчи органларини ифодалайди ва вилоятларда Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг сиёсатини амалга оширади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг барча раҳбарлари тегишли маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланган ҳолда марказий ҳукумат томонидан тайинланади. Президент вилоят ҳокимларини, улар ўз навбатида вилоятларга бўйсунадиган туманлар ва шаҳарлар/шаҳарчалар ҳокимларини тайинлайди. Шу тариқа, туман ва шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими олдида, вилоят ҳокими эса ўз навбатида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улар даражасига марказизлаштирилган вазифаларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ва технологик аварияларнинг олдини олиш, ёнғиндан ҳимоя қилиш, жамоат санитарияси, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, маданият, туризм, спорт, дам олиш масканларини сақлаш, коммунал хизмат кўрсатиш(масалан, сув, газ, электр энергияси, иссиқлик, чиқиндиларни тартибга солиш, канализация, муҳандислик инфратузилмалари), қурилиш, техник хизмат кўрсатиш ва маҳаллий йўлларни таъмирлаш, жамоат транспорти, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш, ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш вазифалари киради.

"Ўзгидромет"нинг ҳудудий бошқармалари ҳудудий гидрометеорология дастурларини, жумладан иқлим ўзгаришига мослашиш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш чоратадбирларини тайёрлайди ва амалга оширади. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан экологик назорат ва чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Умумий қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимият органлари миллий иқлим мақсадларига эришиш ёки Миллий хабарлар ёхуд Миллий миқёсда белгиладиган ҳиссаларни тайёрлашда иштирок этмайди.

Миллий стратегиялар ва сиёсат тамойиллари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда марказий давлат органлари томонидан ишлаб чиқилади. Раҳбарлар ва стратегия ишлаб чиқувчилар томонидан иқлим бўйича қарорларни кенг иштирок асосида қабул қилиш ва манфаатдор томонларнинг фикрларини ҳисобга олиш жараёнлари сезиларли даражада йўлга қўйилмаган, чунки иқлим ўзгариши бўйича мақсадларга эришиш учун маҳаллий ҳокимият органлари таркибидаги ташкилот тузилмаларининг тегишли техник салоҳияти етарли эмас. Техник салоҳиятнинг етишмаслиги аксарият давлат идоралари учун асосий муаммони ташкил қилиши инobatга олинadиган бўлса, бу соҳа келгусида катта инвестиция ва ресурсларни талаб қилади, дейиш ўринли бўлади.

Шу муносабат билан, иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган чораларни режалаштириш бўйича институционал ривожланишга кўмаклашиш ва идоралар даражасида иқлим ўзгариши масалалари бўйича бўлинмалари ёки ихтисослашган гуруҳларни ташкил қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва тармоқ вазирликлари ўртасида ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро кенгаш таркибига иқлим ўзгариши ва "яшил" ғояга ўтиш бўйича миллий ҳаракатларни бошқариш бўйича маҳаллий ҳокимият вакилларини киритиш масаласи кўриб чиқиши мумкин.

2.4. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҲИСОБДОРЛИК ИНСТИТУТЛАРИ

2.4.1. Нодавлат ташкилотлар

Нодавлат ташкилотларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига жалб этиш фаоллашмоқда. 2018 йилгача иқлим ўзгариши ва экология масалалари асосан 2008 йилда ташкил этилган ва фуқаролик жамиятининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан кўтарилиб келинган эди. Кейинчалик у Экологик партияга айланди, бу эса экология масалаларини сиёсий муҳокамалар даражасига кўтариш имконини берди.

Сўнги тўрт йил мобайнида бир қатор нодавлат ташкилотлари бу масалаларда фаол иштирок этадиган бўлди. Охириги йирик тадбир – 2021 йил августидан 2022 йилнинг февралига қадар ИМВ, Жаҳон банки ва Марказий Осиё минтақавий иқтисодий дастури (ЦАРЭС/МОМИХ) ҳамкорлигида "яшил" ўсиш ва иқлим ўзгариши бўйича бир қатор сиёсий мулоқотлар бўлиб ўтди. Мулоқотларда 700 дан ортиқ манфаатдор томонлар, жумладан сиёсатчилар, Ўзбекистоннинг 30 дан ортиқ вазирликлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, шунингдек, етакчи миллий ва халқаро экспертлар, фуқаролик жамияти, илмий доиралар, ривожланиш бўйича ҳамкорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ушбу сиёсий мулоқот натижасида Иқлим ўзгариши бўйича стратегия учун Ҳаракатлар режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларда нодавлат ташкилотларининг тобора ортиб бораётган иштироки айрим нодавлат ташкилотларнинг фаоллигини оширди. Масалан, "Экофорум" фуқаролик жамияти саъй-ҳаракатларини табиатни муҳофаза қилиш миллий стратегияси атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилади. Уларнинг билим ва тажрибалари соҳасига сув ва ер ресурсларини комплекс бошқариш, экотуризм ва қайта тикланадиган энергия масалалари киради. Ташкилот, шунингдек, экология масалаларида ихтисослашувчи журналистлар тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди. "Хоразм қишлоқ консультатив ёрдам хизмати" мустақил нодавлат ташкилот бўлиб, амалиётчилар, тадқиқотчилар ва бошқа мутахассисларни ўз ичига олади. Улар умумий ғояларни ўртоқлашадилар ва Ўзбекистон қишлоқларида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни бартараф этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик барқарорликни оширишда ҳамкорлик қиладилар.

Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида бўлинмаларига эга бўлган "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати кўнгиллилар, диаспоралар ва нодавлат ташкилотларини тўплаш, режалаштирилган ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини рағбатлантиришни мақсад қилган. "Юксалиш" ҳаракатининг марказий бошқарув тизимидаги раҳбарлари Олий Мажлис, маҳаллий кенгашлар (маҳаллий кенгаш депутатлари), ҳокимлар орасидан сайланади. Ҳаракат таркибида Парламент аъзолари бўлганлиги сабабли, у фуқароларнинг фаоллиги ва жамоатчилик назорати сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Нодавлат ташкилотлар асосан иқлим ўзгариши борсида турли тадқиқотлар ва ҳисоботларни тайёрлаш билан шуғулланадилар, улар асосан иқлим ўзгариши таъсири ҳақида маълумот ҳосил қилишга ва аҳолининг иқлим ўзгариши ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган. Нодавлат ташкилотлар иқлим ўзгариши бўйича чора-тадбирларни молиявий баҳолаш ёки ҳисоб-китоб қилиш учун техник салоҳиятга эга эмас, улар бюджет дастурлари билан боғлиқ мониторинг ва ҳисобот жараёнларида бевосита иштирок этмайди.

Ушбу ташкилотлар одатда миллий ва (кўпроқ) халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган грантлар асосида ишлаётганлиги сабабли, нодавлат ташкилотлар фаолиятини чекловчи асосий тўсиқ мустақил нодавлат ташкилотларни молиялаштириш манбаларининг камлиги ва нодавлат ташкилотларнинг ўз ишини ташкил қилиш учун маблағлар жалб қилиш имкониятларининг чекланганлигидир. Бироқ, Ҳукумат ўзининг жамоат фонди гранти танловлари орқали турли ижтимоий ташаббусларни амалга ошириш учун маҳаллий нодавлат ташкилотларни молиялаштиради.

Иқлим бўйича ҳаракатларни шакллантириш, амалга ошириш ва мониторинг қилишда нодавлат ташкилотларнинг иштирокини кучайтириш учун фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича вакиллик органи сифатида доимий фаолият юритувчи Иқлим ўзгариши бўйича нодавлат ташкилотлар платформасини (Ҳукумат кўмагида фуқаролик жамияти бошчилигида юритиладиган) стратегияларни режалаштириш, уларни амалга ошириш ва назорат қилишда иштирок этишни рағбатлантириш учун яратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

2.4.2. Илмий-тадқиқот ташкилотлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг стратегик йўналишлари, жумладан, иқтисодиёт, молия, тадбиркорлик ва ижтимоий соҳаларда бошқарувни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича таҳлил ва тадқиқот ишларини олиб боради.

Иқлим ўзгариши нуқтаи назаридан, Марказ ўзининг қўйидаги вазифаларини амалга оширишда иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашиш масалаларини кўриб чиқади:

- республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига доимий асосда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериш;
- мавжуд ресурс базасини жойларда ўрганиш орқали иқтисодиёт тармоқларида янги барқарор ишлаб чиқариш занжирларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- соҳада кластер фаолиятини ривожлантириш бўйича илғор халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш орқали ваколатли органларга далилларга асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;
- замонавий ахборот технологиялари ва идоралараро интеграциялашган маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бизнес таҳлили маълумотларини тақдим этиш.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти қўйидаги масалалар бўйича иш олиб боради:

- халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур бўлган гидрометеорологик ва агрометеорологик режим ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиш ҳолати бўйича илмий маълумотномалар ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш;
- эҳтимолий узоқ муддатли иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидаги ўзгаришларни баҳолаш;
- гидрометеорологик ҳодиса ва жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- тоғлардаги музликлар, қор кўчкилари ва қор қопламини ўрганиш, шунингдек, ҳудуддаги атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари ва тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш;
- атроф-муҳит ифлосланишининг ўзгариши прогнозларини ишлаб чиқиш, турли табиий ва антропоген омилларнинг табиий муҳит ҳолатига таъсирини таҳлил қилиш; ва
- иқлимий тадқиқотлар, иқлим ва унинг ўзгаришини ўрганишнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш, қурғоқчилик ва чўлланиш мониторингини юритиш.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланади. Институт фаолияти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасидаги жорий ва истиқболдаги вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган. Ҳозирги вақтда чиқинди ва табиий сувларни заҳарли моддалар, оғир металллар ва биоген унсурлардан тозалаш, сув ва тупроқни нефт маҳсулотларидан тозалаш бўйича ишланмалар унинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-тадқиқот ташкилоти ҳисобланади. Институтда "Яшил марказ" ташкил этилган. "Яшил марказ"нинг асосий вазифаси – бу соҳадаги экспертлар, тадқиқот ташкилотлари, халқаро молиявий муассасалар (ХММ) ва корхоналарни бирлаштирган ҳолда жорий вазиятни таҳлил қилиш ва "яшил" иқтисодиёт тамойиллари асосида барқарор иқтисодий ривожланиш йўлларини ишлаб чиқиш. "Яшил марказ"нинг вазифалари мутахассислар тармоғини яратиш, замонавий прогнозлаш ва таҳлилий воситаларни ишлаб чиқиш, "яшил" иқтисодиёт ҳақида хабардорликни ошириш, йирик маълумотлар базаси ва тадқиқотларни яратишдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)** озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида хорижий инвестициялар ва грантлар, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат муассасаси ҳисобланади. ISCAD озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш учун ташкил этилган. ISCADнинг роли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат стратегияси ҳамда сиёсатининг изчиллиги, мувофиқлаштирилиши, самарадорлигини таъминлаш учун таҳлил маркази, стратегик бошқарув органи, сектор мониторинги механизми, ҳисоб-китоб маркази, ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва техник котибият сифатида ҳаракат қилишдан иборат.

2.4.3. Олий таълим муассасалари

Мамлакатимизда барқарор ривожланишни қўллаб-қувватловчи муҳим омиллардан бири сифатида экологик таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Экологик таълимни ривожлантириш "Ўзбекистон Республикасида экологик таълим, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ривожлантириш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш истиқболлари тўғрисида"ги Концепция ва "Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш мақсадида таълимни ривожлантириш концепцияси"га мувофиқ амалга оширилмоқда (2011 йил). Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида мактаблар, коллежлар,

лицейлар ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар, кадрлар тайёрлаш дастурлари, жумладан, иқлим ўзгариши масалаларини ёритиш, таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари такомиллаштирилди.

Ўзбекистондаги айрим олий таълим муассасалари атроф-муҳит иқтисодиёти, биологик хилма-хиллик, экология ва тегишли соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди ҳамда атроф-муҳит ҳолати, экотизимлар ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, фазовий ва вақтинчалик ўзгаришлар, ердан фойдаланиш ва ер қопламаси, биологик хилма-хилликни баҳолаш ва табиатни муҳофаза қилиш ва мониторинг қилиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб боради. Бундай таълим муассасалари қаторига Ўзбекистон Миллий университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети киради. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қатор олий ўқув юртларида эколог кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида ҳар йили 300 га яқин эколог мутахассис тайёрланмоқда.

2005 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Экология давлат қўмитасида узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим тизимини ривожлантириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Мазкур Кенгаш барқарор ривожланиш учун БМТнинг таълим бўйича стратегияларини ва уларни Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига интеграциялашувини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари талабалари учун "Иқлим ўзгариши ва иқлим хавфини бошқариш" бўйича ўқув курси ишлаб чиқилди. БМТТДнинг "Миллий иқтисодиётни кам углеродли ривожланиш йўлига ўтказишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида иқлим бўйича халқаро музокарачилар, талабалар ва кенг жамоатчилик учун электрон "Иқлим ўзгариши курси" тайёрланди.

Бироқ, илмий тадқиқотлар учун зарур бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, иқлим ўзгариши бўйича профессор-ўқитувчилар ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш муаммоси ҳалигача тўлиқ ҳал этилмаган.

2.5. РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛАР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури (БМТТД) 1993 йилдан буюн фаолият юритиб келади ва миллий ривожланиш муаммоларига ечим топишда Ҳукумат билан ҳамкорликни амалга оширади. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ёрдами иккита кенг, бир-бири билан боғлиқ бўлган мақсадга йўналтирилган: иқтисодий ва демократик ислохотларни илгари суришда Ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий ва ҳудудий даражада ривожланиш жараёнларида фуқаролик жамиятининг иштирокини кучайтириш ва бунда кўмаклашиш. БМТТД инклюзив ва барқарор ўсиш, инклюзив ва демократик бошқарув, ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши каби уч мавзувий йўналишда фаолият юритади.

Самарали давлат бошқарувини таъминлашга кўмаклашиш соҳасида Ўзбекистондаги БМТТД инклюзив ва демократик бошқарув масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда ҳамда ҳисобдор, шаффоф ва инклюзив сиёсатни ишлаб чиқиш, гендер жиҳатларни ҳисобга оладиган институтларни ривожлантириш ва фуқаролик жамияти иштирокини кенгайтиришда ҳукуматнинг ишончли ҳамкори ҳисобланади. Ушбу барча ишлардан кутилаётган натижа ҳеч кимни четда қолдирмай, барча одамларнинг эҳтиёжларини қондирадиган бошқарув тузилмасидир. Ижтимоий капитал ва фуқаролик маконини яратиш, шунингдек, қонун устуворлиги, самарали бошқарув ҳамда инсон ҳуқуқларига асосланган янги ижтимоий шартномалар тузишда миллий ҳамкорларга ёрдам беради.

Ўзбекистонда судлар фаолиятини янада шаффоф, очиқ ва фуқароларнинг талабларини қондириш мақсадида олиб борилган ислохотлар бу борадаги муҳим ютуқлардан бири бўлди. Инклюзив ва демократик бошқарув билан боғлиқ масалалар ҳам давлат хизматларини кўрсатишни мақбуллаштиришга кўмаклашиш орқали амалга оширилмоқда. Қоғозда бажариладиган анъанавий жараёнларни рақамли жараёнларга ўтказиш учун салмоқли ресурслардан фойдаланилди, бу эса, айниқса, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ва маҳаллаларда маълумотларни излаш ва хизматлар кўрсатишни тезлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш имконини берди. Барча фуқаролар, айниқса, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшовчи, оиладаги зўравонликдан жабрланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ОИВ инфекциясига чалинганлар учун кўпроқ хизматлар кўрсатилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон парламенти ва ривожланиш соҳасидаги бошқа агентликлар билан ҳамкорликда БМТТД сайлов ва парламент ривожланишини кучайтириш ҳамда демократия, иштирок этиш, овоз бериш ва ўз фикрини ифодалашнинг муҳим асосларини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича иш олиб бормоқда. Инклюзив ва демократик бошқарув масалалари бўйича бўлинма давлат ва хусусий секторда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш устида миллий ҳамкорлар билан ишламоқда.

Инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш соҳасида Ўзбекистондаги БМТТД инклюзив ва барқарор ўсиш масалалари бўйича камбағаллик ва тенгсизлик муаммоларини тушуниш ва ҳал этишнинг янги усуллари илгари суради, шунингдек, сиёсат олиб боришда ўйғунликни ҳамда миллий БРМга мувофиқ ривожланиш мақсадида молиялаштириш механизмларидан фойдаланишни таъминлайди. Ҳукуматнинг камбағалликни камайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар ривожланишнинг барча ўзаро боғлиқ соҳаларини, шу жумладан, иш ўринлари яратиш, инсон капиталини ривожлантириш ва ижтимоий барқарор ривожланишни қамраб олади. Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатлари йўлида амалга оширилаётган миллий ислохотларнинг муваффақияти, биринчи навбатда, маҳаллалар даражасида ўтказиладиган кенг тадқиқотлар ёрдамида баҳоланмоқда. Ушбу тадқиқот хулосалари ва натижалари ислом молияси (яшил сукук), ижтимоий облигациялар, краудфандинг ва таваккалчиликни молиялаштириш каби янги инновацион молиялаштириш манбаларига таянадиган Комплекс миллий молиялаштириш тизими каби келажакдаги ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон COVID-19 пандемиясидан кейин тикланишда давом этар экан, Инклюзив ва барқарор ўсиш масалалари бўлинмаси барқарор ва яшил иқтисодиёт мақсадида миллий сиёсатни ишлаб чиқишга ёрдам бермоқда. Ушбу ташаббуснинг пировард мақсади Ўзбекистоннинг барча фуқаролари учун муносиб иш ўринлари яратиш ва турмуш шароитини яхшилашдан иборат. Янги рақамли стартапларни, айниқса хотин-қизлар раҳбарлик қиладиган ҳамда камбағаллик даражаси юқори ва иқлим ўзгариши олдида заиф бўлган қишлоқ жойларда ва ҳудудларда жойлашган стартапларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Атроф муҳит ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасида БМТТД Ўзбекистонга иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш ва иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш, Ўзбекистоннинг табиий ҳудудларини муҳофаза қилиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген офатларга яхшироқ тайёргарлик кўриш бўйича кун тартибининг амалга оширишга ёрдам бермоқда. Бўлинма Ўзбекистонда барча ишлар барқарор ривожланиши ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслиги устида иш олиб боради.

БМТТД Ўзбекистонга гендер жиҳатларни ҳисобга оладиган соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти, фавқулодда вазиятлар ва ўй-жой қурилиши каби тармоқлар учун иқлим

Ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш режаларини ишлаб чиқишда ёрдам бермоқда. БМТТД Ўзбекистоннинг 2030 йилгача яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини амалга оширишни қўллаб-қувватлайди, энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш орқали мамлакатда углерод чиқиндиларини камайтиришга ёрдам бериш учун техник ва молиявий ёрдам кўрсатади ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширадиган ва ерларнинг деградациясига йўл қўймайдиган қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлайди.

2019-2028 йилларга мўлжалланган биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегиясига мувофиқ тоғ, сув-ботқоқ ва чўл экотизимларини барқарор бошқариш тарафдори бўлиб, у қишлоқ хўжалиги амалиётининг самарасиз усулларини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги билимлар ва инновацияларнинг “иқлим нуқтаи назаридан мақбуллаштирилган” тизими орқали агро-озиқ-овқат тармоғида “яшил иқтисодиётга” инклюзив ўтишга эришиш бўйича миллий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

БМТТД иқлим ўзгариши туфайли юзага келган хавф-хатардан эрта огоҳлантириш тизимларини яратишга кўмаклашиш орқали 2015-2030 йилларга мўлжалланган табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай доиравий дастурини миллий даражада амалга оширишни қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, у хавфли чиқиндиларни бошқаришга доир устувор чоратadbирларни аниқлаш учун доимий органик ифлослантирувчи моддалар бўйича Миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқишга ёрдам бермоқда.

БМТТД тизимли лойиҳалаштириш, маълумотлар ва таҳлиллар, муқобил молиялаштириш, инновациялар ва сиёсатга комплекс ёндашувдан фойдаланган ҳолда Оролбўйи минтақаси олдида турган экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун тизимли интеграция устида ишламоқда. 20 йилдан ортиқ давр (2014-2024 йиллар) мобайнида БМТТД қўшма лойиҳаларни амалга оширди ва амалга оширмоқда, улар доирасида Ўзбекистонга қарийб 88 млн АҚШ доллари тақдим этилмоқда.

Франция тараққиёт агентлигига (ФТА) 2011 йилда "яшил ва инклюзив ўсиш" ваколоти доирасида мамлакатда фаолият юритишга руҳсат берилган. ФТА 2015 йилда Тошкентда минтақавий ваколатхонасини очган ва 2016 йилда Ўзбекистондаги илк лойиҳасини бошлаган. Агентлик давлат, давлат муассасалари ва хусусий ташкилотларга кредитлар ажратади. ФТАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Истанбулдаги Евроосиё минтақавий ваколатхонасига бевосита бириктирилган.

2018 йилда имзоланган ва 2019 йилда мустақамланган ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда молиялаштирилган стратегияга асосланган кредит ФТАнинг Ўзбекистон Ҳукуматига иқтисодий ва молиявий бошқарув ислоҳотларини бошлаш ва уни узоқ муддатли иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларда қўллаб-қувватлашини тасдиқлайди. Бу ислоҳотлар, хусусан, иқтисодий маълумотларни чоп этишни такомиллаштириш, давлат молиясини бошқаришни кучайтириш, банклар фаолияти назорати ва давлат корхоналарини бошқаришни модернизация қилиш билан боғлиқ. Давлат молияси, давлат шартномалари ва давлат корхоналарини бошқариш бўйича ўзларининг янги билим ва тажрибалари билан ўртоқлашиш учун Франция мутахассислари ҳам ташриф буюришади.

ФТА Ўзбекистон шаҳарларини чиқиндилар ва сув хўжалиги соҳасида қўллаб-қувватлайди. Хусусан, ФТА Самарқанд шаҳрини қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини модернизация қилиш, ушбу чиқиндиларни тўплаш, тозалаш ва қайта тиклаш бўйича янги ускуналарни ўрнатиш орқали маҳаллий қувватларни кучайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Бундан ташқари, ФТА Тошкент шаҳри яқинидаги Чорвоқ тўғони хавфсизлигини таъминлаш ва модернизация қилиш ҳамда Андижон вилоятидаги гидроэлектр иншоотларини кенгайтириш дастури орқали Ўзбекистон гидроэнергетикасини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш траекторияси ерлардан фойдаланишни бошқариш ва мамлакат табиий ресурсларини муҳофаза қилиш масалаларини инobatга олиши шарт. Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришни мақсад қилган ФТА Ўзбекистон Чорвачилик вазирлиги (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси) ва чорвачилик соҳасида фаолият юритаётган тижорат банклари ва ишлаб чиқарувчилар уюшмалари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Унинг мақсади барқарор чорвачилик ишлаб чиқариш занжирларини ривожлантириш, кичик ишлаб чиқарувчиларни интеграциялаш ва иқлим учун фойдали инвестиция воситаларини сафарбар қилиш кабиларни ўз ичига олади.

ФТА 2016 йилдан буюн Ўзбекистонга 990 миллион евро ажратди ва 10 та лойиҳани молиялаштирди.

Жаҳон банки гуруҳи Ижрочи директорлар кенгаши Ўзбекистон Ҳукумати билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Мамлакат билан шериклик тузилмаси (МШТ)ни муҳокама қилди ва маъқуллади. Мазкур МШТ Жаҳон банки гуруҳининг Ўзбекистон Ҳукуматининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий ривожланиш стратегиясида белгиланган стратегик устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда келгуси беш йил давомидаги фаолияти йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Жаҳон банки гуруҳи муассасаларига 1992-1993 йилларда қўшилган бўлиб, янги МШТ Гуруҳ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг 30 йиллигини нишонлайди. 2017 йилдан буюн бу шериклик мустаҳкам ҳамкорликка айланди, бу Жаҳон банки гуруҳининг молиялаштириш, билим маҳсулотлари ва техник ёрдамнинг даражаси, хилма-хиллиги ва динамикасида намоён бўлди.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси (ХМК) Ўзбекистоннинг иқтисодиёти, жамияти ва хусусий секторни ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган улкан ислохотларини қўллаб-қувватлади ва шу орқали мамлакат томонидан кўплаб муҳим марраларни қўлга киритишда ҳисса қўшди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш орқали пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳамда мамлакатнинг Навоий вилоятида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича биринчи йирик, хусусий ишлаб чиқилган ва бошқариладиган объект – қуёш фотоэлектр станциясининг ишга туширилиши бунга диққатга сазовор мисоллар қаторидан жой олган.

Ушбу янги тузилма Ўзбекистоннинг инклюзив ва барқарор бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини жадаллаштириш бўйича учта стратегик мақсадни, яъни 1) инклюзив хусусий сектор бандлигини ошириш; 2) инсон капиталини яхшилаш; ва 3) "яшил" ўсиш орқали турмуш шароитини ва барқарорликни яхшилашни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, МШТ муваффақиятли ўтиш ва Ўзбекистоннинг 2030 йилга қадар ўз улуғвор интилишларига эришиш учун ажралмас бўлган ўзаро боғлиқ (i) гендер тенгсизликни бартараф этиш; ва (ii) давлат хизматларида фуқаролар иштирокини ва ҳисобдорликни кучайтириш вазифаларни бажаради.

2.6. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши бўйича институционал тузилма кенг доирадаги давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти ҳамда таълим ва илмий муассасаларни ўз ичига олади. Улар иқлим ўзгариши соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, тадқиқот/таълим, жамоатчиликни хабардор қилиш ва бошқа тадбирлар учун масъулдирлар.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиши чораларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаши иқлим ўзгариши масалаларини тармоқлараро тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича миллий органлар ҳисобланади. Идоралараро кенгаш "Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси" ва "Яшил ўсиш" дастурини амалга оширишни мувофиқлаштиради. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг "Яшил иқтисодиётни ривожлантириш" бошқармасида ИАК Техник котибиятининг доимий котибияти ташкил этилди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқалар ўз фаолияти доирасида иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унинг таъсирига мослашиш масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган махсус йўналиш ва таркибий қисмларни ўз ичига олади. Бу қайта тикланадиган энергетика, саноат, чиқиндиларни тартибга солиш каби соҳаларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олади. Бу органлар ҳам бюджет маблағлари, ҳам ташқи кредит ва грант маблағларидан фойдаланган ҳолда молиялаштирилади ва жорий ва капитал дастурларни амалга оширади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўзининг Гидрометеорология хизмати агентлиги ва Давлат экологик экспертиза маркази каби ишчи органлари орқали иқлим ўзгаришини кузатиш ишлари ва инспекция назоратини амалга оширади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда гидрометеорологик кузатувни "Ўзгидромет" амалга оширади, Давлат экологик экспертиза маркази эса масъул давлат экологик экспертизаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига марказсизлаштирилган вазифалар қаторига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, коммунал хизматлар (масалан, сув, газ, электр энергияси, иссиқлик, чиқиндиларни тартибга солиш, канализация, муҳандислик инфратузилмаси), жамоат транспорти ва бошқалар киради. "Ўзгидромет"нинг ҳудудий бошқармалари ҳудудий гидрометеорология дастурларини тайёрлайди ва амалга оширади, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бошқармалари эса экологик назоратни олиб боради ва чора-тадбирларни амалга оширади. Бироқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари миллий иқлим мақсадларига эришиш ва Миллий хабарлар ҳамда Миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссаларни амалга оширишда иштирок этмайди.

Иқлим ўзгариши бўйича юқори даражадаги мувофиқлаштирувчи орган мавжуд эмаслиги, шунингдек, ИАК иқлимни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга эмаслиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида Иқлим ўзгариши бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссияни тузиш ишини якунига етказиш зарур. Бундан ташқари, унинг ваколатларини (яъни, иқлимни молиялаштириш бўйича ваколатларини) ва турли даражадаги тармоқлараро иқлим ўзгаришига мослашишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш механизмини кучайтириш бўйича фаолиятни алоҳида тартибга солиш зарур.

Бундан ташқари, раҳбарлар ва стратегия ишлаб чиқувчилар томонидан иқлим бўйича қарорларни кенг иштирок асосида қабул қилиш ва манфаатдор томонларнинг фикрларини ҳисобга олиш жараёнлари сезиларли даражада йўлга қўйилмаган, чунки иқлим ўзгариши бўйича мақсадларга эришиш учун маҳаллий ҳокимият органлари таркибидаги ташкилот тузилмаларининг тегишли техник салоҳияти етарли эмас. Шу муносабат билан, иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган чораларни режалаштириш бўйича институционал ривожланишга кўмаклашиш ва идоралар даражасида иқлим ўзгариши масалалари бўйича бўлинмалари ёки ихтисослашган гуруҳларни ташкил қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва тармоқ вазирликлари ўртасида ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, тармоқ вазирликлари ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтлари иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашиш элементларини ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқишда доимий кўмак берада, ва айниқса, Ҳукуматга БМТ ИЎТҲК доирасида давлат мажбуриятлари тўғрисидаги ҳисоботларни ишлаб чиқишда ёрдам берада, уларнинг ҳиссалари махсус ва фақат муайян масалалар учун мўлжалланган.

Ушбу масалаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда иқлим ўзгариши бўйича стратегия ва сиёсатнинг ҳамда уларнинг ёрдамчи воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш ва маслаҳат бериш, шунингдек, уларни амалга оширишдаги ютуқларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича мустақил маслаҳат механизмини яратиш фойдали бўлади. Иқлим ўзгариши масалалари бўйича маҳаллий мутахассислар, тадқиқотчилар ва экспертларни етиштириш учун илмий-тадқиқот институтлари ва академияларнинг салоҳиятини кучайтириш ҳам давлат идораларида инсон капиталини яхшилашга ёрдам беради.

3.1. КИРИШ

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни баҳолашнинг мақсади иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет харажатлари ҳажмини ва уларнинг тенденцияларини баҳолашдан иборат. Мазкур таҳлил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган харажатларини қамраб олади.

3.2. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР ТАВСИФИ, ХАРАЖАТЛАРНИ БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УСЛУБИЁТИ

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни баҳолаш методологияси иккита масала, яъни иқлим харажатларининг ҳар хил турларини таснифлаш ва иқлим учун долзарблигини ҳисобга олиш учун иқлим харажатлари ҳажмини ўлчаш бўйича қарор қабул қилишни талаб қилади. Мазкур бўлимда ушбу маслаларнинг ҳар бири учун қўлланилган ёндашув ёритилган.

3.2.1. Иқлим харажатларини таснифлаш

Бюджет харажатларининг иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш борасида долзарблигини аниқлаш учун ўзаро боғлиқ икки ғоя ҳисобга олинди:

- **Харажат мақсади** – муайян харажат айнан иқлим ўзгариши таъсирини юмшатишга ёки унга мослашишни оширишга йўналтирилганлигини ва ушбу мақсадда амалга оширилаётганлигини ўрганади.
- **Харажатнинг таъсири** – муайян харажатни амалга ошириш орқали иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатишни ёки унга мослашишни яхшилашдан кутилаётган таъсирни, шунингдек, харажатнинг белгиланган мақсадидан қатъий назар, иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатиш ёки унга мослашишга бўлган салбий таъсирни ҳисобга олади.

Юқоридаги таърифлардан бирортасига тўғри келган барча харажатлар иқлим харажатлари сифатида қабул қилинди. Ижобий таъсирлардан ташқари, иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатиш ва унга мослашишга салбий таъсир кўрсатадиган харажатларнинг ҳам мавжудлиги ҳисобга олинди. Мазкур Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар ҳам харажатларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган ва таснифланган. 3.1-расмда иқлим ўзгариши харажатларининг турли тоифаларига харажатлар тақсимотини аниқлаш учун харажатларнинг мақсади ва таъсири қандай бирлаштирилганлиги кўрсатилган.

3.1-расм. Иқлим харажатларини аниқлаш жараёни



Иқлим харажатлари қуйидаги икки мезон асосида таснифланди:

- **Иқлим харажатларининг тури (таъсирни юмшатиш, мослашиш, аралаш)**
- **Иқлим мавзусига алоқадорлик (ижобий, салбий, нейтрал)**

Иқлим харажатларини аниқлаш ва таснифлаш жараёни қуйида келтирилган “Иқлим харажатларини аниқлаш типологияси”га асосланган бўлиб, у “Кўп тарафли тараққиёт банкнинг иқлимни молиялаштиришни кузатиш тизими” каби ёндашувлар каби халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган. Мазкур типология иқлим ўзгариши билан боғлиқ фаолият таснифини ва ҳар бир фаолият тури учун мувофиқлик мезонларини ўз ичига олади.

3.2.1.1. Таъсирни юмшатиш чора-тадбирлари

3.2.1.1.1. Таъсирни юмшатиш бўйича "ижобий" чора-тадбирлар

ИХТТ иқлим таъсирини юмшатиш билан боғлиқ фаолиятни "иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш - атмосферада иссиқхона газлари концентрациясини инсоннинг иқлим тизимида хавfli аралашувининг олдини олиш ва иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш ёки чеклаш ёки ИГни ажратиб олишга ёрдам бериш орқали барқарорлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар" деб таърифлайди.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ таъсирни юмшатиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадида Кўп тарафли тараққиёт банклари (КТТБ) томонидан иқлимни молиялаштириш бўйича мажбуриятларини кузатиш мақсадида аниқланган таъсирни юмшатиш чора-тадбирлар рўйхатига асосланувчи Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар типологияси жорий қилинди. КТТБ ёндашуви даромади паст ва ўрта бўлган мамлакатларда амалда синаб кўрилган ва синовдан ўтганлиги билан афзалдир. Бу ёндашув 11 сектор бўйлаб бир қатор фаолият турларини белгилайди. Уларнинг аксарияти бажарилиши керак бўлган аниқ мезонларга эга. 5-иловада ушбу таснифнинг асосий унсурлари намоиш қилинган.

3.2.1.1.2. Таъсирни юмшатиш бўйича "салбий" чора-тадбирлар

Таъсирни юмшатиш бўйича "салбий" фаолиятни аниқлаш таъсирни юмшатиш бўйича "ижобий" фаолиятни аниқлашдан кўра қийинроқдир, чунки бугунги кунга қадар ундан фойдаланиш учун асос қилиб олинган халқаро миқёсда тан олинган амалиёт мавжуд эмас. Бундан ташқари, концептуал бир масала ҳам мавжуд: глобал иқтисодиётда иссиқхона газлари эмиссиясининг устунлигини ҳисобга олсак, амалда иссиқхона газлари эмиссияси қайсидир ҳажмда ҳар қандай фаолиятга ҳос бўлади ва бу ҳолатларнинг кўпида бюджетни белгилашда ҳукумат учун муқобил имкониятлар кўп бўлмайди. Иссиқхона газлари эмиссиясини келтириб чиқаришга сабаб бўлган барча харажатларни иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар сифатида белгиловчи бюджет белгилаш жараёни жуда фойдали маълумот бермайди.

Шуни инобатга олган ҳолда, миллий ва халқаро ҳамжамият томонидан, айниқса, иссиқхона газларини кўп эмиссия қилувчи деб эътироф этилган ва тобора кўпайиб бораётган эмиссия даражаси пастроқ муқобил ечимлар мавжуд бўлган фаолият таъсирни юмшатиш бўйича "салбий" фаолият сифатида қабул қилинган. Чора-тадбирлар рўйхатига қуйидагилар кирди:

- Кўмирнинг қиймат занжири билан боғлиқ барча фаолият турлари, шу жумладан қазиб олиш ва истеъмол қилиш
- Ички ёнув двигателида ишлаган йўл транспорти воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ва уларни ҳаракатга келтириш учун бензин, дизел ёқилғиси ёки бошқа углеводородлардан фойдаланиш билан боғлиқ барча фаолият турлари
- Норасмий полигонларда, санитария талабларига жавоб бермайдиган ҳолатда бўлган полигонларда ёки чиқинди газини ушлаб қолинишини кўзда тутмаган санитария талабларига жавоб берувчи полигонларда чиқиндилар ҳосил бўлишига олиб келадиган чиқиндиларни тартибга солиш бўйича барча фаолият турлари
- Қорамол ва қўйларнинг қиймат занжири билан боғлиқ фаолият турлари
- Қазиб олинган ёқилғидан энергия ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишнинг ҳар қандай шакли учун субсидиялар, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига субсидиялар (агар субсидиялар эмиссияларни қисқартириш бўйича фаолиятга йўналтирилган бўлмаса).

Ўзбекистон шароитида, табиий газ қиймат занжири билан боғлиқ фаолият иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган деб ҳисобланмади, чунки табиий газдан фойдаланишнинг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, улар энг кенг тарқалган технологияга қараганда камроқ эмиссия чиқарувчи ҳисобланади. Худди шу фикр йўл қурилиши билан боғлиқ фаолиятга ҳам тегишли, чунки эмиссия таъсири асосан йўллардан фойдаланадиган транспорт воситаларида қўлланиладиган технологияга боғлиқдир.

3.2.1.2. Мослашиш чора-тадбирлари

ИХТТ иқлим ўзгаришига мослашиш фаолиятини "Инсон ёки табиий тизимларнинг иқлим ўзгариши таъсирига ва иқлим билан боғлиқ хавфларга мослашиш салоҳияти ва бардошлилигини таъминлаш ёки уларни ошириш орқали салбий омиллар таъсирига тобеълигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар" деб таърифлайди.

Иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари ва тегишли харажатлар билан боғлиқ камида учта муаммо, шунингдек, уларнинг тескараси мавжуд.

Биринчидан, мослашиш муайян шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Мамлакат ёки аҳоли дуч келиши мумкин бўлган иқлим хавфларига ва келажакдаги башорат қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қараб, худди шу фаолият иқлим ўзгаришига мослашишга

ҳисса қўшиши (иқлимга бардошлиликни орттириши) ёки "тегишли тарзда мослашмаслик" (иқлимга бардошлиликни пасайтириш)ни ташкил қилиши мумкин. Мисол учун, янги сув ресурсларини ривожлантириш аҳолини келажакдаги қурғоқчиликка бардошлироқ қилиши ёки келажакда танқисроқ бўладиган сув ресурсларига қарамлигини орттиришнинг бир йўлини ташкил қилиши мумкин.

Иккинчидан, мослашишни орттириш (ёки камайтириш) учун турли хил кенг кўламли усуллар мавжуд. Турли хил мослашиш йўллари ҳақида фикр юритишнинг потенциал фойдали усулларида бири иқлим хавфини урта асос солувчи унсурнинг функцияси сифатида эътироф қилишдир:

- Зарар: иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган ёки юзага келиш эҳтимоли юқори бўлган жисмоний ҳодисалар,
- Таъсирга учраш: зарар келтирувчи ҳодисалар содир бўлган жойларда жойлашган аҳоли ва активлар,
- Таъсирларга тобеълик: зарарга учраганда аҳолига, унинг яшаш учун зарур бўлган воситаларига ва активларига салбий таъсир кўрсатиш даражаси.

Хулоса шундан иборатки, иқлим ўзгаришига мослашишни амалга оширишда урта асосий усул ҳам мавжуд:

- Зарар эҳтимоли ёки жиддийлигини камайтирса бўлади - мисол учун, сув тошқинига қарши тўсиқлар ўрнатилиши мумкин
- Аҳоли ва активларга бўлган таъсир даражаси ўзгартирилиши мумкин - мисол учун, ердан фойдаланишни режалаштиришда уни сув тошқинлари ёки қурғоқчилик хавфи ортиши кутилаётган жойлардан узоқлаштириш мумкин
- Аҳоли ва активларнинг иқлим билан боғлиқ зарарлар таъсирларига тобеълиги даражасини, биринчи навбатда, уларнинг зарар келтирувчи ҳодисаларга қарши бардошли бўлиш учун мослашиш қобилиятини ошириш орқали камайтириш мумкин. Баъзи ҳолларда таъсирларга тобеълик даражаси муайян бир зарарли ҳодисага нисбатан камайтиради, масалан, йўллар қурғоқчиликка чидамлироқ (қурғоқчилик таъсирига тобеълиги камроқ) қилиб қурилади. Бироқ, кўпинча, даромад олиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тармоқларининг мавжудлиги каби умумий омиллар таъсирларга тобеъликни орттирувчи асосий омиллар ҳисобланади.


Шунингдек, агарда бундай фаолият зарарли ҳодисаларнинг эҳтимоли ёки жиддийлигини орттирса, зарарга учраган аҳоли ва активлар сонини кўпайтирса ёки аҳолининг зарарли ҳодисалар таъсирига тобеълигини орттирса, тегишли тарзда мослашмаслик (ёки "салбий" мослашиш чора-тадбирлари) юзага келиши мумкин.

Учинчидан, шу жумладан иккинчи масалага таянган ҳолда, умумий ривожланишнинг катта қисми таъсирларга тобеъликни камайтиришга ҳам ҳисса қўшиши мумкин ва шу тариқа мослашиш чораси сифатида қаралиши мумкин. Мисол учун, бир илмий тадқиқот шунини кўрсатадики, универсал таълим жамиятнинг келажакдаги иқлим ўзгаришига мослашиш салоҳиятини орттиришнинг устувор йўналиши сифатида кўриб чиқилиши керак (Лутц ва бошқалар, 2014 йил). Бироқ, бу кўп сабабларга кўра давлатлар қўллаб-қувватлайдиган фаолиятдир. Бу фаолият учун бюджет тузишда улар бунини иқлимга мослашишга таъсири туфайли қилаётганликлари даргумондир.

3.2.1.2.1. Мослашиш бўйича "ижобий" чора-тадбирлар

Иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари билан боғлиқ ушбу айтиб ўтилган қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ИХТТ ва КТТБлар томонидан қўлланилган мослашиш чора-тадбирларини белгилашда уч босқичли ёндашув қўлланилди:

3.2-Расм. Иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирларини аниқлашнинг уч босқичли ёндашуви



- Иқлим ўзгарувчанлиги ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфлар, таъсирларга тобеълик ва таъсирлар борасидаги шарт-шароитларни белгилаш: иқлим таъсирларига тобеълик шароитлари, улар иқлим ўзгаришига мослашишга ҳисса қўшадиган чоралар сифатида кўриб чиқилиши учун тегишли ҳужжатларда аниқ далиллар базасидан фойдаланган ҳолда белгиланиши керак. Бу турли шаклларда ташкил қилиниши мумкин, жумладан, мавжуд таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботлар материалларидан фойдаланиш ёки маълум бир лойиҳани тайёрлаш доирасида амалга ошириладиган иқлим ўзгариши таъсирларига тобеъликни баҳолашнинг оригинал, махсус таҳлили.
- Аниқланган хавфларни, таъсирларга тобеълик хусусиятларни ва таъсирларни юмшатишга бўлган ниятни ҳужжатларда акс эттириш: Ҳужжатларда мавжуд иқлим ўзгариши таъсирларига тобеълик таҳлиллари, ҳисоботлари ёки баҳолашларида аниқланган муайян шарт-шароитлар ва жойлашувга асосланган ҳар қандай чора-тадбир иқлим ўзгариши таъсирларига тобеъликни қай тариқа юмшатиш ниятида эканлиги белгиланиб ўтилиши керак.
- Аниқланган хавфлар, таъсирларга тобеъликлар, таъсирлар ҳамда муайян бир чора-тадбирлар ўртасидаги аниқ ва бевосита боғлиқликни намойиш этиш: чора-тадбир ҳужжатларда белгиланганидек, жорий ва келажақдаги иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф ва таъсирларга тобеъликни аниқ қамраб олиши керак.

Ушбу юқорида таърифи келтирилган ёндашувни қўллаш учун зарур бўлган ҳужжатли далиллар мавжуд бўлмаган ҳолларда, мослашиш чора-тадбирлари асосан "одатдаги" мослашиш чора-тадбирлари рўйхатига таянган ҳолда белгиланди. Ушбу "одатдаги" мослашиш чора-тадбирлари умуман олганда зарарларнинг суръатини пасайтириш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ зарарларнинг аҳоли ёки активларга таъсирини камайтириш ва муайян иқлим билан боғлиқ зарарлар таъсирларига тобеъликни камайтирадиган фаолият, масалан, қурғоқчиликнинг салбий таъсирига тобеъликни камайтириш учун сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чораларидан иборат.

Таъсирларга тобеъликни умумий кўринишда камайтирадиган кўплаб чора-тадбирларнинг яхши иқтисодий ривожланишдан фарқлана олмаслик муаммосини ҳал қилиш учун, улар асосан ёки фақатгина иқлим ўзгариши таъсирига аниқса тобеъ бўлган гуруҳларга, масалан, кам таъминланган қишлоқ аҳолиси ёки хотин-қизларга қаратилган бўлса, бундай чоралар мослашиш чора-тадбирлари сифатида эътироф этилди.

Ушбу одатдаги мослашиш чора-тадбирларининг индикатив рўйхати б-Иловада келтирилган. Ушбу рўйхатдаги тадбирлар амалга оширилган барча ҳолларда, ушбу тадбирлар мамлакат дуч келаётган иқлим хавфларидан келиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам мамлакатда иқлим ўзгаришига мослашиш ишларига ҳисса қўшишини таъминлашига доир текширишлар ўтказилди.

3.2.1.2.2. Мослашиш бўйича "салбий" чора-тадбирлар

"Салбий" мослашиш харажатларини аниқлаш, эҳтимол, тўртта тоифадаги энг қийин бўлгандир. Халқаро амалиётда унинг сабоқларидан фойдаланса бўладиган ҳар қандай ўхшаш ҳолат йўқдир. Иқлим билан боғлиқ хавфларнинг омиллари маҳаллий шарт-шароит ва хусусиятларга хос бўлади. Бундан ташқари, иқлим билан боғлиқ хавфларни ҳисобга олиш ва уларга мослашиш зарурати нисбатан янги тушунчадир. Эҳтимол, давлат бюджети харажатларининг катта қисми келажакдаги иқлим билан боғлиқ хавфларни тўлалигича ҳисобга олмайди ва шу тўғрисида, келажакда иқлим ўзгариши таъсирига дучор бўлишни ёки унинг таъсирларига тобеъликни орттириш хавфи мавжуд. Бироқ, барча бундай харажатларни "салбий" мослашиш харажатлари сифатида белгилаш фойдали бўлиши даргумондир.

Шу муносабат билан, "салбий" мослашиш чора-тадбирларини белгилашда яқин келажакда сув сарфини орттирадиган чоралар билан чекланди. Келажакдаги қурғоқчилик шароитлари ва сув танқислиги билан боғлиқ хавфлар мамлакатда етарлича эътироф этилмоқда. Ҳозирги вақтда қўшимча сув истеъмоли билан боғлиқ фаолият бу муаммоларни янада мураккаблаштиради. **Иқлим нуқтаи назаридан долзарблиги ноаниқ бўлганда бюджет моддаларининг таснифи**

Олдинги бўлимларда таърифланган иқлим ўзгариши билан боғлиқ чора-тадбирлар рўйхатини қўллаганда, бу маълум бир бюджет моддаларининг иқлим учун долзарб деб ҳисобланиши кераклигини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда бюджетдан маблағ ажратишда харажатларни келтириб чиқарди. Бу ноаниқлик асосан иккита омилдан бирининг натижасида ўртага чиқди: (i) бюджет моддаси тавсифи умумий бўлиб, турли тадбир/функцияларнинг кенг доирасини қамраб олган ва (ii) бюджет моддаси аниқроқ бўлсада, бироқ у маълум тадбир/функцияни иқлимга "ижобий", "нейтрал" ёки ҳатто "салбий" таъсир кўрсатадиган тарзда амалга ошириш мумкинлигини акс эттирмайди. Ушбу бюджет моддаларининг айримлари билан боғлиқ бўлган муайян тадбирларга оид маълумотлар ушбу харажатларни баҳолашда ёрдам бера олмаган ҳолларда, ушбу моддалар иқлим ўзгариши харажатлари сифатида белгиланмаган, яъни улар **"нейтрал" харажатлар** сифатида кўриб чиқилган.

Бошқа барча ҳолларда, агар бюджет моддаси доирасидаги иқлим учун "ижобий" ёки "салбий" харажатлар миқдори белгиланган бюджет моддаси умумий миқдорининг 75 фоизи ёки ундан кўпини ташкил этган бўлса, харажатлар **иқлим учун "ижобий"** ёки **"салбий"** деб таснифланади.

Ниҳоят, иқлим ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатадиган баъзи тадбирлар бир вақтнинг ўзида табиий экотизимлар ва биологик хилма-хилликни (айниқса, ўрмонларни) ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятни юмшатиш ва унга мослашиш учун фойда келтириши эътироф этилди. Бу тадбирлар **аралаш (ҳам юмшатиш, ҳам мослашиш)** тадбир сифатида таснифланган.

3.2.2. Иқлим харажатларини ўлчаш

Иқлим харажатларини баҳолаш иқлимга боғлиқ харажатларни қўллаб-қувватлаш интенсивлигини ҳисобга олмайди, яъни харажатларни баҳолаш фақат қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

- бюджет моддаси иқлим ўзгариши мавзусига мувофиқми ёки йўқми;
- бу мувофиқлик "ижобий"ми ёки "салбий"ми; ва
- у таъсирни юмшатиш, мослашиш билан боғлиқми ёки ҳам таъсирни юмшатиш, ҳамда мослашишга таъсир қиладими ёки йўқми.

Харажатларни ўлчаш нуқтаи назаридан, бюджетнинг аниқ моддаси харажатларининг бутун қамрови (бюджет линияси/чораси) белгиланиб, иқлим учун "ижобий", "салбий" ёки "нейтрал" таъсир кўрсатувчи сифатида таснифланди. Харажатларни ўлчаш ва тақсимлаш амалиёти қўлланилмади.

3.3. УМУМИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДИНАМИКАСИ

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийнинг барча тармоқларини эркинлаштиришнинг устувор йўналишларини кўзда тутувчи кенг қўламли ислохотлар дастурини амалга ошириш бошланди. Асосий стратегик ҳаракатлар нархларни, савдо тарифларини ва валюта курсини эркинлаштириш, иқтисодийни хусусий ташаббус ва халқаро савдога очиш, солиқ ислохотларини амалга ошириш, давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги ролини камайтириш ва давлат хизмати ислохотини бошлашдан иборат (Жаҳон банки, 2019 йил).

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021 йилларда ислохотларнинг устувор йўналишларини тартибга солувчи асосий ҳужжат вазифасини бажарди. 2022 йилда 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда 2023 йилда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тасдиқланди. Тасдиқланган Стратегияларни амалга ошириш, уларни амалга ошириш бўйича йиллик Давлат дастурини қабул қилишни назарда тутди. Устувор тармоқларни, йўналишларни, ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда белгиланади.

COVID-19 сабаб бўлган инқироз 2020 йилда ЯИМ ўсиш суръатини сезиларли даражада секинлаштирди (1,9 фоизгача). Иқтисодий фаолликнинг босқичма-босқич тикланиши шароитида 2021 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,4 фоизни, 2022 йилда эса 5,7 фоизни ташкил этди. Бироқ, 2020-2022 йиллар даврида бюджет харажатларининг умумий даражаси ҳам номинал, ҳам реал кўринишда барқарор ўсиб борди ва 2020 йилдаги 23,9 фоизга нисбатан 2022 йилда ЯИМнинг 28 фоизини ташкил этди (3.1-Жадвал).

Кўриб чиқилаётган даврда Давлат бюджети харажатларининг ўсиши коронавирус инфекциясининг салбий таъсирини камайтириш ҳамда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари билан боғлиқ қўшимча харажатлар, шунингдек, устувор тармоқларни ривожлантириш учун таркибий ислохотларни давом эттириш ҳамда қабул қилинган дастурлар билан боғлиқ бўлди.

3.1-Жадвал. 2020-2022йиллар учун асосий кўрсаткичлар: ЯИМ, нарх-наволар, бюджет

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) (миллиард сўм)	602 193,0	738 425,0	888 342,0
Истеъмолчи нархлари индекси (ИНИ), йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш	11,1	10,0	12,3
Реал ЯИМ (2020 йил учун белгиланган нархларда) (миллиард сўм)	602 193,0	646 776,0	683 440,0
Реал ЯИМ (2020 йил учун белгиланган нархларда), йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш	1,9	7,4	5,7
Давлат бюджети харажатлари, жами (миллиард сўм)			
Давлат бюджети харажатлари, жами (2020 йил учун белгиланган нархларда) (миллиард сўм)	144 143,0	188 257,0	236 579,0
Давлат бюджети харажатлари, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш (2020 йил учун белгиланган нархларда)	-	18,8	11,9
Давлат бюджети харажатлари, жами (2020 йил учун белгиланган нархларда) (реал ЯИМга фоиз ҳисобида)	23,9	26,4	28,0

2020-2022 йиллар давомида жорий харажатларнинг номолиявий активлар (капитал харажатлар) билан операциялар бўйича харажатларга нисбати ўртача 6,7:1 ни ташкил этди, яъни жорий харажатлар капитал харажатларга нисбатан қарийб 6,7 баравар юқори бўлди. 2022 йилда капитал харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши 2020 йилга нисбатан 13,2 фоиздан 4,2 фоизга *камайди*, чунки капитал харажатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 30 фоизга *қисқарди*. Бироқ, бутун давр мобайнида жорий харажатлар барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди (3.2-Жадвал).

3.2-Жадвал. Республика бюджети харажатларининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган иқтисодий таркиби

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Жорий харажатлар (млрд. сўм)	71 767,4	89 890,0	107 037,0
Капитал харажатлар (млрд. сўм)	14 192,8	18 816,0	68 14,0
Республика бюджети харажатлари, жами (млрд. сўм)	107 122,8	133 166,0	161 877,0
Жорий харажатлар (жами харажатларга фоиз кўринишида)			
Жорий харажатлар (жами харажатларга фоиз кўринишида)	67,0	67,5	66,1
Капитал харажатлар (жами харажатларга фоиз кўринишида)	13,2	14,1	4,2
Жорий харажатлар, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш			
Жорий харажатлар, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш	-	125,3	119,1
Капитал харажатлар, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш	-	132,6	36,2
Республика бюджети харажатлари, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш	-	124,3	121,6

3.4. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАМИ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДИНАМИКАСИ

3.4.1. Иқлим харажатлари

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига, хусусан, иқтисодий ўсиш ва камбағалликни қисқартириш, шунингдек,

экологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашиш, "яшил" иқтисодиётга ўтиш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштириш, иқтисодий ўсишнинг "яшил" ва инклюзив моделини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг 2019-2030 йилларда "яшил" иқтисодиётга ўтишини тартибга солувчи, мамлакатда "яшил" иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, "яшил" инвестицияларни жалб қилиш ва экологик инқирозларнинг салбий таъсирини юмшатиш бўйича қатор қонун ҳужжатлари тасдиқланди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни янада кенгайтириш ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежаш, халқ хўжалигининг табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига бардошлилигини кучайтириш масалаларига эътиборни оширган ҳолда, тасдиқланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган Давлат бюджети харажатлари ҳажми ортиб бормоқда.

Таҳлил қилинаётган даврда Иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган бюджет харажатлари мутлақ сонда ўсди ва йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгаришни намойиш қилди. Иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатларнинг Давлат бюджети умумий харажатлари/ЯИМдаги улуши ўзгарувчан бўлиб, 2020 йилдаги 10,3/2,5 фоиздан 2022 йилда 11,1/3,0 фоизгача ўзгарди ва 2022 йилда 26 302,4 миллиард сўмни ташкил қилди (3.3-жадвал).

3.3-жадвал. 2020-2022 йилларда иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган бюджет харажатлари

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Давлат бюджети харажатлари, жами (миллиард сўм)	144 143,0	188 257,0	236 579,0
Иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар, жами (млрд. сўм)	14 878,9	16 809,8	26 302,4
ЯИМ (миллиард сўм)	602 193,0	738 425,0	888 342,0
Иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар (Жами бюджет харажатларига фоиз кўринишида)	10,3%	8,9%	11,1%
Иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар (ЯИМ фоизи кўринишида)	2,5%	2,3%	3,0%
Давлат бюджети харажатлари, жами, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш		130,6%	125,7%
Иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш		113,0%	156,5%

Иқлим харажатларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши нотекис бўлди: қишлоқ ва ўрмон хўжалигида иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатларнинг энг катта улуши (>40 фоиз)ни ташкил қилиб, иккинчи ўрин транспорт ва сув таъминоти соҳаларига тўғри келди (3.4-Жадвал). Функционал таснифга асосланган иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар таркиби тегишли тармоқларда қабул қилинган стратегиялар ва ривожланиш дастурларини амалга оширишни акс эттиради:

- 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 2019 йил октябрь ойида қабул қилинган. Ер ва сув ресурсларидан, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни

муҳофаза қилишни таъминлаш тизимини такомиллаштириш уни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармони. Хужжатда автомобил йўллари ҳолатини назорат қилувчи, зарур статистик маълумотларни тўплайдиган ва юритувчи йўл активларини бошқариш бўйича янги технологиялар ва дастурларни жорий этиш бўйича чоратадбирлар назарда тутилган;
- Ўзбекистон Республикасининг 2020-2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 2020 йил июл ойида қабул қилинган. Уни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишни янада кенгайтириш, уларни давлат томонидан рағбатлантириш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек, мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва суғориладиган ерларнинг барқарорлигини таъминлаш, ер унумдорлигини оширишга кўмаклашиш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва унинг даражасини пасайтириш бўйича самарали технологияларни қўллаш кабилар белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қуйидаги харажатлар иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар сифатида белгиланди:

- Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандаларига қарши кураш хизмати юқори самарали, экологик тоза ва кам захарли ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш ва ҳосилни сақлашга қаратилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш бўйича ягона сиёсатни амалга оширади. Иқлим хавфлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга, жумладан, кўплаб иқтисодий ночор ва таъсирларга тобеълиги юқори бўлган қатламларнинг турмуш тарзига таҳдид солаётганини инобатга олган ҳолда, бунга иқлим учун ижобий (мослашишга оид) харажатлар сифатида қаралди. Мазкур бюджет моддаси бўйича жами харажатларнинг 90 фоизини машиналар ва асбоб-ускуналар бўйича харажатлар ташкил этади;
- "Агрокимё станцияси" МЧЖ ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш, ердан фойдаланувчиларга агрокимёвий хизматлар, шунингдек, фермер хўжаликларида тупроқларнинг агрокимёвий тадқиқотларини ўтказиш, озуқа ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини таҳлил қилиш хизматларини кўрсатади. Бу зараркунандаларга қарши кураш хизмати билан бўлгани каби иқлим учун ижобий харажатлар ҳисобланади. Мазкур бюджет моддаси бўйича жами харажатларнинг қарийб 77 фоизини бевосита агрокимёвий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи ходимларнинг иш ҳақиға тўлаш харажатлари ташкил қилди;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидиялар ажратиш иқлим таъсирига тобеъ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш ҳисобига иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажат ҳисобланади ҳамда энергия сарфини камайтиришга ва бошқа чиқиндиларни кўп талаб қиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланишга ёрдам беради;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги иқлим ўзгариши оқибатлари билан янада кучайиши кутилаётган ерларнинг деградацияси жараёнларига қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади. Мазкур бюджет моддаси бўйича жами харажатларнинг 100 фоизи узум майдонларини яхшилаш, шунингдек, энергия сарфини ва бошқа чиқиндиларни кўп талаб қилувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини камайтиришга ёрдам берадиган замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга ажратилган маблағларни ташкил этади;
- Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат хизмати. Мазкур бюджет моддаси бўйича жами харажатларнинг қарийб 50 фоизини бевосита давлат ветеринария назорати билан шуғулланувчи ходимларнинг иш ҳақи, 35 фоизини эса ҳайвонлар касалликларини ташхислаш ва олдини олиш учун дори-дармон, вакциналар ва бактериологик препаратлар билан таъминлаш харажатлари ташкил этади. Иқлим хавфлари чорвачиликка таҳдид солаётгани сабабли, бу тадбирлар тобора муҳим аҳамият касб этади.
- Қишлоқ хўжалигининг иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган бошқа харажатларига ҳайвонлар касалликлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича республика ва ҳудудий диагностика марказларининг харажатлари, ҳайвонларнинг ўта хавfli юқумли касалликларининг олдини олиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича (ҳароратнинг кўтарилиши билан янада авж оладиган) бошқа қишлоқ хўжалиги тадбирлари харажатлари, шунингдек, иқлим хавфлари контекстида ва иқлим таъсирларига тобеъ бўлган аҳолига қаратилган чорвачиликни қўллаб-қувватлаш харажатлари киради.

Ўрмон хўжалиги соҳасида қуйидаги харажатлар иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар сифатида белгиланди: Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати фаолиятини таъминлаш харажатлари, Миллий парклар фаолиятини таъминлаш харажатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, ҳудудий ўрмон хўжалиги бўлимлари фаолиятини таъминлаш харажатлари. Умумий қилиб айтганда, мазкур тадбирлар ўрмонларни яратиш, кўпайтириш, тиклаш, асраш ва муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ўрмон хўжалигини юритиш, қўриқхоналар, миллий табиий парклар ва миллий парклар ҳамда бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган. Бу ўрмонларнинг CO₂ ажратилишининг мувоозанатини тиклашда муҳим рол ўйнашини таъминлашга ёрдам беради ва ўрмон хўжалигини самарали бошқариш иқлим ўзгаришининг ушбу яшаш жойларига таҳдид солиши хавфини камайтиришга ёрдам беради.

Транспорт секторида қуйидаги харажатлар иқлимга ижобий таъсир кўрсатувчи харажатлар сифатида белгиланди: аҳоли пунктлари, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини боғловчи кўча ва йўлларни, хўжаликлараро қишлоқ автомобил йўлларини, қишлоқ ва туман фермер хўжаликлари йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш харажатлари. Умумий қилиб айтганда, ушбу тадбирлар иқлим таъсирларига тобеълиги юқори бўлган қатламларнинг мослашиш қобилятини оширишга қаратилган.

Сув таъминоти соҳасида қуйидаги харажатлар иқлимга ижобий таъсир кўрсатувчи харажатлар сифатида белгиланди: сув қувурлари ва дренаж тизимини сақлаш харажатлари, Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси харажатлари, сув таъминоти ва канализация тизимини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва модернизация қилишни молиялаштириш, ичимлик суви таъминоти ва канализация иншоотлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувини назорат қилиш инспекцияси

ва унинг ҳудудий инспекциялари фаолиятини ташкил қилиш харажатлари ва бошқалар. Умумий қилиб айтганда, ушбу тадбирлар сув таъминоти тизими сифатини орттиришни таъминлаш учун ичимлик суви таъминоти ва оқава сувларни чиқариш тизимларининг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган рақамлаштириш тизимларини жорий этиш, ичимлик суви таъминоти тизимларини модернизация қилиш ва оқава сувларни утилизация қилишга қаратилган. Иссиқхона газларини камайтиришга ёрдам берадиган ресурсларни тежовчи технологиялар билан бир қаторда, сув ва оқава сувлардан фойдаланиш имкониятини яхшилаш ўзгарувчан иқлим шароитида иқлим таъсирларига тобеълиги юқори бўлган аҳолининг мослашиш қобилиятини ошириш учун жуда муҳимдир.

Умумий давлат хизматлари доирасида ижобий иқлим харажатлари сифатида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармаларига ажратилган маблағлар белгиланди. 2018 йилдан бошлаб аҳоли пунктлари (қишлоқ ва маҳаллалар) инфратузилмасини яхшилашга қаратилган "Обод маҳалла" ва "Обод қишлоқ" дастурлари жорий этилди. Дастурларга киритилган қишлоқлар (маҳаллалар) рўйхати белгиланган мезонлар асосида шакллантирилиб, уларнинг асосийларидан бири табиий ва иқлим шароити оғир бўлган чекка ҳудудларда жойлашганлигидир. Умумий ҳисобда, мазкур харажатларга ичимлик суви ва канализация тизимларини қуриш ва таъмирлаш, электр ва газ таъминоти, аҳоли пунктларининг ички йўллари ва транспорт коммуникация тизимларини қуриш ва таъмирлаш, иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш, канал-ирригация тизимини мавжуд сув ресурсларидан келиб чиққан ҳолда суғориш учун мослаштириш, коллектор-дренаж тизимларини модернизация қилиш, ер ости сувлари сатхини пасайтириш, йўл четлари ҳудудини ободонлаштириш, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёритиш тизимларини яратиш каби харажатлар киради. Бу иқлим таъсирларига тобеълиги юқори бўлган аҳолининг иқлимга бардошлилигини оширади.

3.4-Жадвал. 2020-2022 йилларда функционал таснифлар кесимида иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар (миллиард сўм)

Функционал таснифлаш сектори	Функционал таснифлаш гуруҳи	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Кенг аҳолига хизмат кўрсатиш	Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви, молия ва фискал муносабатлар, ташқи ишлар идоралари	289,4	1 442,1	4 233,7
Иқтисодий муносабатлар	Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва овчилик қилиш	6 402,7	8 212,8	13 618,0
	Транспорт	5 073,2	2 607,6	3 509,7
	Иқтисодий муносабатлар (бошқа гуруҳларга тааллуқли бўлмаган)	0,3	9,5	153,5
Атроф-муҳит муҳофазаси	Атроф-муҳит муҳофазаси (бошқа гуруҳларга тааллуқли бўлмаган)	242,3	317,8	0,9
Уй-жой коммунал хўжалиги	Сув таъминоти	2 000,7	3 017,0	3 193,6
	Кўчаларни ёритиш	155,4	174,2	212,8
	Бошқа тоифаларга киритилмаган уй-жой коммунал хизматлари	170,2	431,6	805,4
Ижтимоий ҳимоя	Соҳилбўйи минтақасини ривожлантириш харажатлари	180,1	129,3	11,9
	Бошқа тоифаларга тааллуқли бўлмаган ижтимоий ҳимоя масалалари	364,7	468,0	563,0
Жами		14 878,9	16 809,8	26 302,4

3.4.2. Иқлим харажатларини молиялаштириш манбалари

Лойиҳаларни (дастурларни) амалга ошириш учун ташқи манбалар (ташқи кредитлар ва ривожланиш бўйича шерикларнинг расмий грантлари) ҳисобидан жалб қилинган маблағлар Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларида акс эттирилмайди ҳамда давлат молиясини бошқариш (ДМБ) миллий тизимларида мужассамлаштирилмайди.

CPEIR фақат Ўзбекистон Давлат бюджети харажатларини қамраган, шунинг учун иқлим харажатлари фақат ички манбалар харажатларини қамраб олади. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари ҳам CPEIRда инobatга олинмаган.

3.4.3. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет харажатларининг молиявий самарадорлиги

Умумий ҳисобда, 2020-2022 йиллар давомида иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет тадбирларининг умумий молиявий кўрсаткичлари 2020 йилдаги 101,8 фоиздан 2021 йилдаги 106,0 фоизга ва 2022 йилдаги 99,4 фоизгача ўзгариб туради (3.5-жадвал).

2020-2022 йиллар давомида иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет чора-тадбирлари молиявий кўрсаткичларининг умумий тенденцияси COVID-19 инқирози тўғрисида ҳақиқатан ҳам салмоқли ва/ёки аниқ бўлмалиги мумкин. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида тасдиқланган Давлат бюджети коронавирус инфекциясининг салбий таъсирини камайтириш ҳамда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари билан боғлиқ қўшимча харажатлар, шунингдек, устувор тармоқларни ривожлантириш учун таркибий ислохотларни давом эттириш ҳамда қабул қилинган дастурлар ҳисобига тегишли молия йилида бир неча бор қайта кўриб чиқилди.

3.5-жадвал. 2020-2022* йиллар мобайнида иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет чораларининг молиявий самарадорлиги

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Бюджетнинг молиявий самарадорлиги (фоизда)	101,8%	106,0%	99,4%

**Бюджетнинг (фоиз кўринишидаги) бюджет молиявий кўрсаткичлари иқлим ўзгариши билан боғлиқ жами бюджет харажатларининг амалда амалга оширилган иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган умумий бюджет харажатларига нисбати сифатида ҳисобланади.*

3.5. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТУРИГА ҚАРАБ ИҚЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ

Иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатларни ўз табиатига кўра таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари харажатлари энг катта гуруҳни (95 фоиздан кўпини) ташкил қилади. Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва аралаш (қўшма) таъсир чораларининг улуши унчалик катта эмас (қўшма улуш 5 фоиздан кам) (3.6-жадвал).

Кўриб чиқилаётган даврда қуйидаги масалаларга катта эътибор қаратилди:

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш;
- мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва суғориладиган ерларнинг барқарорлигини таъминлаш, ер унумдорлигини оширишга кўмаклашиш, тупроқ шўрланишининг даражасини пасайтириш ва олдини олишнинг самарали технологияларидан фойдаланиш ва бошқалар.

Давлат даражасида ифлосланиш ва эмиссияни камайтириш масалалари рухсат этилган максимал стандартларни белгилаш билан тартибга солинади. Бундан ташқари, "яшил" энергетикага ўтиш, яъни қуёш ва шамол энергияси станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида амалга оширилмоқда. Булар таъсирни юмшатиш ва аралаш (қўшма) таъсир чораларининг сезиларли даражада пастлиги сабабларини қисман тушунтиради.

Шу билан бирга, ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газли эмиссияси миқдорини 2010 йил даражасидан 35 фоизга камайиши Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва иқтисодиётда "яшил" ўсишни таъминлаш дастурининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. 2022-2026 йилларда иссиқхона газлари эмиссиясини давлат томонидан тартибга солиш инфратузилмаси босқичма-босқич яратилиб, қуйидагилар назарда тутилиши белгиланди:

- иссиқхона газлари эмиссиясини давлат рўйхатидан ўтказиш ва унинг давлат кадастрларини юритиш;
- углерод бирликлари реестрини шакллантириш ва юритиш;
- иқтисодиёт тармоқлари бўйича иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни белгилаш;
- иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Натижада, келажакда биз иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган харажатларнинг турли гуруҳлари жорий динамикасида бироз ўзгаришини кутишимиз мумкин.

3.6-жадвал. Иқлим ўзгариши турига қараб иқлим харажатлари

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Иқлим ўзгаришини юмшатиш (миллиард сўм)	205,1	535,3	612,7
Иқлим ўзгаришига мослашиш (миллиард сўм)	14 264,8	15 966,3	25 414,8
Аралаш таъсир (миллиард сўм)	409,0	308,3	274,8
Иқлим ўзгариши учун долзарб чоралар, жами (миллиард сўм)	14 878,9	16 809,8	26 302,4
Иқлим ўзгаришини юмшатиш (фоизда)	1,4%	3,2%	2,3%
Иқлим ўзгаришига мослашиш (фоизда)	95,9%	95,0%	96,6%
Аралаш таъсир (фоизда)	2,7%	1,8%	1,0%

3.6. ИҚЛИМГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ БЎЛГАН ХАРАЖАТЛАР

Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар 2020 йилда 1 558,2 миллиард сўм, 2021 йилда 1 308,7 миллиард сўм, 2022 йилда 1 350,8 миллиард сўмни ташкил этди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган бюджет харажатларининг Давлат бюджети умумий харажатларидаги улуши 2020 йилдаги 1,1 фоиздан 2022 йилдаги 0,6 фоизгача ўзгарган.

Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатларнинг катта қисми кончилик ва қайта ишлаш саноати ҳамда иқтисодиётнинг қурилиш тармоқларига тўғри келди.

3.7-жадвал. 2020-2022 йилларда иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган бюджет харажатлари

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Давлат бюджети харажатлари, жами (миллиард сўм)	144 143,0	188 257,0	236 579,0
Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар, жами (миллиард сўм)	1 319,1	1 049,6	1 006,0
ЯИМ (миллиард сўм)	602 193,0	738 425,0	888 342,0
Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар (жами бюджет харажатларига фоиз кўринишида)	0,9%	0,6%	0,4%
Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар (ЯИМ фоизи кўринишида)	0,2%	0,1%	0,1%
Давлат бюджети харажатлари, жами, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш		130,6%	125,7%
Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар, йиллар кесимида фоиз кўринишидаги ўзгариш		79,6%	95,8%

Иқтисодий муносабатлар доирасида қуйидаги харажатлар иқлимга салбий таъсир кўрсатувчи харажатлар сифатида белгиланди: геология-қидирув ишлари. Умумий ҳисобда, ушбу тадбирлар келажакда қазиб олиш учун ер ости бойликларини (олтин, газ ва бошқалар) ўрганиш ва белгилашни аниқлашга қаратилган. Умумий ҳисобда, ушбу тадбирлар республика минерал-хом ашё базасини жадал ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, жойларда янги саноат қувватларини яратишни ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар захираларининг ўсишини ва иқтисодиёт тармоқларининг минерал-хом ашё базасини жойларда такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган. Гарчи ушбу фаолият турларининг баъзилари иқлим ўзгаришини юмшатиш технологияларида (мис, рангли металллар, ноёб тупроқ ва ноёб металллар) қўлланиладиган металл ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлсада ва асосан минерал-хом ашё базасини, шу жумладан қурилиш материаллари, углеводородлар, кимёвий моддалар, манзарали тош, кўмир ва сланец қидириш билан боғлиқ бўлган ижобий харажатлар бўлиши мумкин бўлсада.

3.8-жадвал. 2020-2022 йилларда функционал таснифлар кесимида иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган харажатлар (миллиард сўм)

Функционал таснифлаш сектори	Функционал таснифлаш гуруҳи	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Жамот тартиби ва хавфсизлиги	Тезкор қутқарув хизмати	4,5	2,9	27,9
Иқтисодий муносабатлар	Кончилик саноати, қайта ишлаш саноати ва қурилиш	1 314,6	1 046,7	978,1
Жами		1 319,1	1 049,6	1 006,0

3.7. АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

- 2020-2022 йилларда иқлим харажатлари ҳам мутлақ кўрсаткичларда, ҳам жами бюджет харажатларига нисбатан фоизда барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди ва умумий бюджет харажатларининг 2,5 фоизидан (2020 йил) 3,0 фоизига (2022 йил) ошди. Ушбу тенденция бюджет жараёнида иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашишга кўпроқ эътибор ва устуворлик берилишини кўрсатади.
- Иқлим харажатларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши нотекис: қишлоқ хўжалиги (иригация) ва транспорт тармоқлари биргаликда иқлим харажатларининг 65 фоиздан ортиғини ташкил этади (2022 йил).

-
- Харажатлар таҳлили фақат Давлат бюджети харажатларини қамраб олди. Ташқи манбалар (ташқи кредитлар ва ривожланиш бўйича ҳамкорларнинг расмий грантлари) ҳисобидан жалб қилинган лойиҳаларни (дастурларни) амалга ошириш учун маблағлар Давлат бюджети даромадлари ва харажатларида акс эттирилмаганлиги сабабли, улар СРЕИРдан чиқариб ташланди. Ушбу харажатларнинг Иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашишга қанчалик алоқадорлиги аниқланмаган.
 - Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет тадбирларининг умумий бажарилиши 2020 йилдаги 101,8 фоиздан 2021 йилдаги 106,0 фоизга ва 2022 йилдаги 99,4 фоизга (дастлабки) ўзгариб туради. 2020-2022 йиллардаги умумий тенденция COVID-19 инқироzi ва қўшимча бюджет харажатлари туфайли ҳақиқий салмоқли ва/ёки аниқ бўлмаслиги мумкин.
 - Мослашиш чора-тадбирлари иқлим харажатларининг қарийб 95 фоизини ташкил этди. Таъсирни юмшатиш ва аралаш (қўшма) таъсир чораларининг улуши унчалик катта эмас (қўшма улуш 5 фоиздан кам).
 - Иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган бюджет харажатларининг Давлат бюджети умумий харажатларидаги улуши 2020 йилдаги 1,1 фоиздан 2022 йилдаги 0,6 фоизгача ўзгарган.

4.1. КИРИШ

Олдинги бўлимларда Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришига қарши чораларини кучайтириш имконияти мавжудлиги (стратегиялар, муассасалар ва харажатлар нуқтаи назаридан) аниқланди. Бунга эришишнинг энг муҳим усулларида бири бу Иқлим ўзгариши масалаларини ДМБ жараёнларига жорий қилишдир.

Ушбу боб иқлим ўзгаришининг миллий ДМБ тизимларига интеграциялашув даражасини тавсифлайди. Кейинги бўлимлардаги таҳлиллар Ўзбекистон учун иқлим ўзгариши бюджети интеграцияси индексини (ИЎБИИ) баҳолаш натижаларини акс эттиради (БМТТД, 2022 йил).

4.2. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МАСАЛАСИНИНГ ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ДАРАЖАСИ

Ўзбекистон ҳозирда иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашишни молиялаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва иқлим ўзгариши сиёсати ва Давлат бюджети ўртасидаги алоқани яхшилаш бўйича ўзининг биринчи қадамларини ташламоқда.

Ўзбекистонда илк бор ўтказилган ИЎБИИни баҳолашда иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш сиёсати ҳамда амалга ошириш амалиётининг мамлакатнинг ДМБ тизимига интеграциялашуви даражаси баҳоланди. Бу келажакдаги тараққиётни баҳолаш учун мустақкам базавий кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши мумкин.


Ҳисобланган индекс (100 дан 16 таси) ва деярли барча ўлчовлар бўйича берилган баллар шуни кўрсатадики, муҳим илгари силжиш кузатилганига қарамай, Ўзбекистонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ сиёсат алоҳида сиёсат соҳаси сифатида Давлат молиясини бошқариш тизими томонидан самарали қўллаб-қувватланмаяпти. Хусусан, кенг қамровли ва харажати ҳисобланган иқлим ўзгариши сиёсати тузилмасининг йўқлиги иқлим ўзгаришини бюджетлаштириш тизимига самарали жорий қилинишига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги мавжуд ДМБ/бюджетлаш тизимлари ўзаро сиёсат ўлчовларини самарали интеграциялаш учун ҳали етарли даражада тўлиқ эмас. Эҳтимол, энг муҳим чекловлар дастур бюджетини жорий этишнинг бошланғич ҳолати ва бюджет маблағларини сиёсат мақсадлари ва вазифалари билан самарали боғлаши мумкин бўлган Дастур таснифининг йўқлигидир. Бунинг ўрнига, ўзининг ўзаро боғлиқлиги сабабли, иқлим ўзгариши сиёсати асосан турли соҳаларни ривожлантириш сиёсатида ва бюджет дастурлари/харажатларига сингдирилади; бюджетлаштириш босқичлари ва жараёнларининг бирортасида алоҳида сиёсат ва харажатлар йўналиши сифатида кўриб чиқилмайди. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет харажатларини аниқлаш, белгилаш, таснифлаш ва ўлчашнинг қабул қилинган механизмлари ва методологиясининг йўқлиги бу муаммони янада кучайтиради.

Сўнги даврда бюджет шаффофлигини ошириш ва Парламентнинг бюджет назорати ва Парламент назоратидаги ролини кучайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилган бўлганига қарамай, иқлим ўзгариши бюджетини текширишда Парламент ва фуқаролик жамиятининг роли ҳали ҳам чекланган. Ҳукумат Бюджет ҳисоботининг бир қисми сифатида ҳам, алоҳида-алоҳида ҳам иқлим ўзгариши бюджети харажатлари тўғрисидаги тизимлаштирилган ҳисоботларни эълон қилмайди ёки Парламентга тақдим этмайди. Парламентда иқлим ўзгариши бюджети харажатлари бўйича ҳеч қандай эшитувлар ёки муҳокамалар ўтказилмайди ва Парламентнинг бюджет қарорларини қабул қилишга самарали таъсир кўрсатиш имконияти минималдир. Дастурни бюджетлаштириш ва бюджет ижроси бўйича ҳисоботларнинг йўқлиги бу борадаги асосий чекловлардан биридир.

2018 йилдан бошлаб давлат халқаро молияси Ўзбекистонда ривожланиш молиясининг нисбатан муҳимроқ манбасига айланди. Бироқ, давлат халқаро молиясининг миллий ДМБ тизимларига интеграциялашуви минималдир. Халқаро давлат молияси на Давлат бюджетида, на миллий ДМБ тизимларига интеграциялашган ва у одатда Ҳазначилик назорати остида эмас. Агар бу масала ҳал этилмаса, бу Ўзбекистонда бўлажак иқлим ўзгариши молиялаштириш тузилмаси учун катта тўсиққа айланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Ҳукумати томонидан Дастур асосида бюджетлашни жорий этиш ва ишлаб чиқиш, бюджет ижроси бўйича ҳисобот ва БРМ/иқлим ўзгариши бюджетини белгилаш бўйича амалга оширилаётган ДМБ ислоҳоти чора-тадбирлари иқлим ўзгариши сиёсатини мамлакат ДМБ/бюджет тизимларига янада самарали интеграция қилиш учун мустаҳкам асос бўлади.

4.1-Расм. Иқлим ўзгариши бюджети интеграцияси индекси (ИЎБИИ), 2022 йил



4.3. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Баҳолаш шуни кўрсатадики, мамлакатда иқлим ўзгариши билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиришнинг самарали тизимини яратиш учун Иқлим ўзгариши бюджети интеграцияси индексининг барча жиҳатларини яхшилаш керак. Эҳтимол, бу борадаги энг муҳим чора сиёсат ва бюджетлар ўртасидаги мавжуд заиф алоқаларни самарадорлик кўрсаткичлари ва натижалар тўғрисида ҳисобот тақдим этувчи сиёсатга асосланган бюджет дастурларини жорий этиш орқали яхшилашдан иборат бўлиши мумкин. Булар амалга оширилмаса, иқлим ўзгариши сиёсатини мавжуд бюджет тизимига самарали интеграция қилиш қийин бўлиб қолади. Шу сабабли, ҳозирда амалга оширилаётган Дастур асосида бюджетлаш ислоҳотларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришни жадаллаштириш, бюджет маблағларини тақсимлашнинг

асосий объектлари сифатида сиёсатга асосланган бюджет дастурларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим чора бу бюджет даврининг турли босқичларида иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет харажатларини аниқлаш, белгилаш, таснифлаш ва ўлчаш механизмлари ва методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишдир. Ҳозирда бу иш БМТТД билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Халқаро давлат молияси барқарор ривожланишни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ушбу молиянинг миллий бюджетлар ва ДМБ тизимларига янада интеграциялашуви фискал консолидация ва барқарорликни яхшилайти ва миллий ДМБ тизимларининг ишончилигини рағбатлантиради ва шу билан мамлакатнинг ривожланишни молиялаштириш учун жозибадорлигига ҳисса қўшади.

Қуйида бюджет давридаги асосий иқлим ўзгариши сиёсатига ёрдам берадиган аниқроқ чора-тадбирлар келтирилган.

	Тавсия қилинган чоралар
<p>Сиёсат/ стратегик режалаштириш тузилмавий асоси</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистонда иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаб берувчи юқори даражадаги дастурий ҳужжат(лар)ни ишлаб чиқиш (яъни, Миллий мослашиш режаси ва иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш стратегияси) амалга оширилмоқда. Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича мустаҳкам сиёсат асосларини яратиш ҳамда бюджет жараёнлари билан боғлиқликни максимал даражада ошириш учун ушбу ҳужжатларда Иқлим ўзгариши таъсирини мослашиш ва юмшатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг тўлиқ кўламини, шу жумладан кутилаётган натижаларни (мақсадлар, якуний натижалар, асосий сиёсат йўналишлари, якуний натижаларни ўлчаш кўрсаткичлари ва вақт билан боғлиқ мақсадлар). Шунингдек, улар амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва иқлимга сезгир бўлган секторларни ривожлантириш сиёсати ўртасидаги боғлиқликни аниқлашлари керак. Шунингдек, ушбу сиёсий тамойиллар харажатлар сметасини ҳам ўз ичига олиши муҳимдир. • Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш соҳасида давлат сиёсати (ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш) учун аниқ институционал масъулиятни белгилаш. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг амалдаги ваколатлари ва функционал вазифаларини инобатга олган ҳолда, ушбу вазифаларни вазирликка юклаш вариантлардан бири бўлиши мумкин. • Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш сиёсати ҳамда молия масалалари бўйича тармоқлараро мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш. Шу муносабат билан Ҳукуматнинг (ПҚ-436, 2022 йил) қарори билан ташкил этилган Идоралараро кенгаш иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш сиёсатини ҳамда молиялаштириш масалаларини, шу жумладан иқлим ўзгариши давлат ва халқаро молиясини тармоқлараро мувофиқлаштириш учун масъул бўлади. Кенгаш таркибига иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш сиёсатини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ бўлган вазирликлар ва давлат идоралари аъзоларидан иборат бўлиши тавсия этилади. Шунингдек, тегишли нодавлат ташкилотлар ва илмий муассасалар вакиллариغا Кенгаш фаолиятида маслаҳат асосида иштирок этиш тавсия этилади. Бундан ташқари, Кенгаш ҳузурида иқлим ўзгариши молияси масалалари, шу жумладан иқлим ўзгариши бюджети ва ҳисоботини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган иқлим ўзгариши

	Тавсия қилинган чоралар
	<p>молияси бўйича ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.</p> <ul style="list-style-type: none"> Иқлимга сезгир бўлган секторларда (энергетика, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.) ривожланиш сиёсатига қўйиладиган талабларни иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш сиёсати билан аниқ боғлиқ бўлган соҳавий стратегия доирасидаги сиёсат мақсадлари, чора-тадбирлар ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш/белгилаш учун киритиш. Иқлим ўзгариши сиёсатининг барча асосларини (стратегиялар, иқлим ўзгариши билан боғлиқ мақсадлар, вазифалар, якуний натижалар, мақсадли кўрсаткичлар, сиёсат чоралари ва бошқалар) тўлиқ харитасини ишлаб чиқиш, уни мунтазам равишда янгилаб туриш ва уни иқлим ўзгариши билан боғлиқ сиёсат ва бюджет қарорларини қабул қилувчилар ва ФЖТларга тақдим этиш.
Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджетни белгилаш (ИББ)	<ul style="list-style-type: none"> Иқлим бюджетини белгилаш (ИББ)ни тўлиқ миқёсда жорий этиш босқичлари ва жадвалларини тавсифловчи ИББни жорий этиш бўйича йўл харитасини амалга ошириш. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет харажатларини аниқлаш, белгилаш, таснифлаш ва ўлчаш учун мамлакатга мослаштирилган методология/ёндашувларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Бюджет процедураларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (шу жумладан босқичлар, ҳаракатлар кетма-кетлиги, асосий иштирокчилар, амалий натижалар ва бошқалар) ва ИББ учун ҳужжат андозаларини ишлаб чиқиш. ИББ жараёнларини автоматлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва ИББни бюджет дастур(лар)ига интеграция қилиш учун техник талабларни ишлаб чиқиш.
Бюджет дастурлари ва самарадорлик кўрсаткичлари	<ul style="list-style-type: none"> Дастур асосида бюджетлаш (ДАБ) ни амалга ошириш кўламини изчил чуқурлаштириш ва кенгайтириш орқали ислохотларни давом эттириш. Иложи бўлган жойларда, ДАБни биринчи навбатда Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган секторлар/агентликлар учун амалга ошириш. Имконият даражасида бюджет маблағларининг асосий объектлари сифатида самарадорлик кўрсаткичлари билан сиёсатга асосланган бюджет дастурларини жорий этиш. Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш билан бевосита боғлиқ бўлган бюджет дастурлари учун иқлим ўзгариши билан боғлиқ ишлаш кўрсаткичларини белгилаш. Бюджет ҳужжатларида иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет дастурлари ва харажатлари (йўналишлари, ҳажми ва қутилаётган иқлим натижалари) тўғрисида маълумот бериш. Идеал ҳолда, у алоҳида илова шаклида Бюджет хабарида тақдим этилиши мумкин.
Бюджетни баҳолаш ва харажат қилишнинг устувор йўналишлари	<ul style="list-style-type: none"> Лойиҳаларни (шу жумладан инвестицияларни) баҳолаш, танлаш ва устуворлигини аниқлашнинг стандарт мезонларини белгилаш. Бюджет харажатларининг иқлим ўзгаришига таъсирини лойиҳаларни баҳолаш ва бюджет устуворлигини белгилашнинг, айниқса, давлат инвестиция лойиҳалари ва иқлимга сезгир бўлган тармоқлар (қишлоқ, энергетика, ўрмон хўжалиги, сув ва бошқалар) лойиҳалари учун асосий мезонларидан бири сифатида кўриб чиқиш.
Бюджет муҳокамаси	<ul style="list-style-type: none"> Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бюджет харажатлари ва натижалари тўғрисида бюджет муҳокамаларини ўтказиш Ушбу муҳокама иқлим ўзгариши таъсирини

	Тавсия қилинган чоралар
	<p>юмшатиш ва унга мослашиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва тармоқлараро мувофиқлаштириш учун масъул давлат органлари раҳбарлигида ўтказилиши керак.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бюджетни ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида (масалан, давлат органлари ўз бюджет дастурлари/лойиҳалари ва самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқаётганда) бюджет муҳокамаларига нодавлат ташкилотларини жалб қилиш орқали бюджетни тайёрлаш жараёнига нодавлат ташкилотларини фаолроқ жалб этишни рағбатлантириш. • Бюджет текшируви доирасида иқлим ўзгариши билан боғлиқ сиёсат чоратadbирлари, бюджет харажатлари ва натижалари бўйича Парламент муҳокамаларини ўтказиш, бунда нодавлат ташкилотларини фаол жалб қилиш. Ушбу муҳокамалар самарадорлик ва унумдорлик масалаларига қаратилиши керак.
Бюджет ҳисоботи	<ul style="list-style-type: none"> • ДАБ ислохотлари доирасида кўзда тутилган бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот бериш механизмлари ва тартибларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг ажралмас қисми бўлиши ва аудит ва Парламент томонидан текширилиши керак. • Қонунчилик қоидаларини белгилаш ва иқлим ўзгариши сиёсати чоратadbирлари ва натижалари тўғрисида Парламентга ҳисобот бериш механизмларини ишлаб чиқиш.
Салоҳиятни ривожлантириш	<ul style="list-style-type: none"> • Парламент ва Ҳукумат муассасалари томонидан иқлим ўзгариши молияси ва бюджетни текшириш бўйича салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.
Ташқи аудит	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳисоб палатаси учун самарадорлик аудити стандартлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Бюджет ижросини текшириш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ дастурлар/лойиҳалар самарадорлиги аудити, шунингдек, иқлим ўзгариши сиёсатининг мақсадлари ва натижалари контекстида ишлашни кўриб чиқиши керак.

1-Илова – Асосий меъёрий-ҳуқуқий база, шу жумладан, иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари (2006 - 2022 йиллар)

Номи	Рақами - Санаси	Асосий амалга оширувчи агентлик
Президент Фармонлари ва Қарорлари		
2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида	ПҚ-4477-сон, 2019 йил 04 октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида	ПҚ-436-сон, 2022 йил 02 декабрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида	ПФ-5863-сон, 2019 йил 30 октябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида	ПФ-5853-сон, 2019 йил 24 октябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	ПФ-4575-сон, 2020 йил 29 январь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида Концепция	ПФ-5742-сон, 2019 йил 18 июнь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида	ПФ-6024-сон, 2020 йил 11 июль	Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида	ПҚ-5005-сон, 2021 йил 25 февраль	Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ-145-сон, 2022 йил 01 март	Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида	ПҚ-4850-сон, 07 октябрь 2020 йил	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги давлат агентлиги ҳамда бошқа тармоқ вазирликлари

Номи	Рақами - Санаси	Асосий амалга оширувчи агентлик
Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	ПҚ-2966-сон, 11 май 2017 йил	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги давлат агентлиги ҳамда бошқа тармоқ вазирликлари
Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига боғлиқлигини камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	ПҚ-4779-сон, 10 июль 2020 йил	Энергетика вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновацион марказини ташкил этиш тўғрисида	ПҚ-3975-сон, 17 октябрь 2018 йил	Президент Администрацияси ва бошқа тегишли вазирликлар
Иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқларнинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чора-тадбирлар тўғрисида	ПҚ-4422-сон, 23 август 2019 йил	Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги
Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ-4896-сон 18 ноябрь 2020 йил	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги ("Ўзгидромет")
Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг инновацион тизимини жорий этиш ҳамда ёнғин хавфсизлиги ва ундан ҳимояланишни таъминлаш тўғрисида	ПФ-5706-сон 10 апрель 2019 йил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Ўзбекистон Республикасида қайта тикланадиган ва водород асосидаги энергетикани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ-5063-сон, 2021 йил 09 апрель	Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти
Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида	ПҚ-120-сон, 2022 йил 08 февраль	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ҳукумат қарорлари		
2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	ВМҚ-83 12 июнь 2019 йил	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида	ВМҚ-484 11 июнь 2019 йил	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай Ҳадли Дастури"ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	ВМҚ-299 12 апрель 2019 йил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари

Номи	Рақами - Санаси	Асосий амалга оширувчи агентлик
Киото Протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида	ВМҚ-9 10 январь 2007 йил	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида	ВМҚ-606 14 август 2017 йил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ихтиёрий экологик тамғалаш тизимини жорий этиш тўғрисида	ВМҚ-435 29 май 2019 йил	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги
Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш, ахборот алмашиш ва башорат қилишнинг ягона тизимини яратиш тўғрисида	ВМҚ-1027 29 декабрь 2017 йил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ўрмон хўжалиги тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	ВМҚ-530 19 июль 2017 йил	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги давлат агентлиги ҳамда бошқа тармоқ вазирликлари
Фавқулодда вазиятларни башорат қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида	ВМҚ-71 03 апрель 2007 йил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Вазирлик ҳузуридаги Гидрометеорология хизматлари маркази ва вазирлик қошидаги Назорат ва текширув давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни қабул қилиш тўғрисида	ВМҚ-606 09 август 2017 йил	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларининг энергетика тадқиқотлари ва экспертизаларини ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида	ВМҚ-164 07 август 2006 йил	Энергетика вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари
Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва фотоэлектр станцияларини яратиш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида	ВМҚ-633 08 август 2018 йил	Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ
Ўзбекистон Республикасининг "Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги Қонуни	ЎЗРҚ 546, 01 июль 2019 йил	Ҳисоб палатаси
Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ 5147, 10 август 2017 йил	Ҳисоб палатаси
Давлат молия назоратини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ 6300, 27 август 2021 йил	Ҳисоб палатаси

2-Илова – Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган\имзолаган иқлимга оид халқаро конвенциялар ва битимлар жадвали

№	Номи	Санаси
1.	Асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ майдонлари тўғрисидаги конвенция	1971 й.
2.	Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги конвенция	1972 й.
3.	Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция	1972 й.
4.	Жаҳон метеорология ташкилотларининг конвенцияси	1972 й.
5.	Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция (СИТЕС)	1973 й.
6.	Атроф-муҳитни ўзгартириш усулларида ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай душманона фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция	1976 й.
7.	Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаб қолишга доир конвенция	1979 й.
8.	Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси	1985 й.
9.	Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколи	1987 й.
10.	Хавfli чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб юбориш устидан назорат қилиш тўғрисидаги конвенция	1989 й.
11.	Хавfli чиқиндиларни трансчегаравий ташишни назорат қилиш тўғрисидаги Базель конвенцияси	1989 й.
12.	Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколига Лондон тузатиши	1990 й.
13.	Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция	1992 й.
14.	Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция	1992 й.
15.	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси	1993 й.
16.	Жиддий қурғоқчилик ва чўлланишни бошдан кечираётган мамлакатларда чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция	1994 й.
17.	Халқаро очик сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция	1997 й.
18.	Киото протоколи	1997 й.
19.	Иқлим ўзгариши бўйича Париж келишуви (битими)	2017 й.

3-Илова – Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг атроф-муҳит масалаларини қамровчи кафедралари

№	Кафедра номи / Олий ўқув юрти
1.	Доривор ўсимликлар агроэкологияси ва интродукцияси кафедраси, Қорақалпоқ Давлат университети
2.	Ботаника, экология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси, Нукус Давлат педагогика институти
3.	Ботаника ва экология кафедраси, Қарши Давлат университети
4.	Ботаника ва экология кафедраси, Андижон Давлат университети
5.	Биоэкология тадқиқот лабораториялари, Қорақалпоқ Давлат университети
6.	<p>Атроф-муҳит мониторинги кафедраси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети https://nuu.uz/ru/ekologik-monitoring-kafedراسи/</p> <p>Кафедранинг илмий мавзулари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва биологик ресурсларни қайта тиклаш. - Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит мониторинги тизимини такомиллаштириш. - Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришда чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни, шунингдек, тоғ-кон саноати ва қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш.
7.	<p>Экология кафедраси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети https://nuu.uz/ru/ekologiya-kafedراسи/</p> <p>Кафедранинг илмий мавзулари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўсимликларнинг қурғоқчиликка, ишлаб чиқариш чиқиндиларига чидамлилигини илмий асослаш. - Фойдали доривор ўсимликлар экологиясини ўрганиш ва деградацияга учраган ҳудудларда ўсимликлар мажмуаларини ташкил этиш. - Ўзбекистоннинг адир ва чўл минтақаларидаги ўсимликларнинг экологик таснифининг тузилмавий, функционал ва биологик хусусиятларини тизимли таҳлил қилиш. - Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги гидробионтлар экологиясини ўрганиш. - Табиатни барқарор бошқариш, шаҳар экологияси, барқарор ривожланиш бўйича илмий ишлар
8.	<p>Тошкент давлат техника университети Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кафедраси https://tdtu.uz/fakultet-inzhenernyx-texnologij/kafedra-ekologiya-i-zashhita-okruchayushhejsreda/</p>
9.	<p>Гулистон давлат университети "Экология ва география" кафедраси https://guldu.uz/ru/universitet/tuzilma/kafedralar/ekologiya-va-geografiya-kafedراسи/</p>
10.	<p>Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Экология ва сув ресурсларини бошқариш" кафедраси http://hm.tiame.uz/ru/page/esrb</p>
11.	<p>Термиз давлат университети Экология ва тупроқшунослик кафедраси https://tersu.uz/struct/view/113</p>
12.	<p>Жиззах давлат педагогика университети Физиология ва экология кафедраси https://jdpu.uz/universitet/fakultetlar/fiziologiya-va-ekologiya-kafedراسи/</p>

№	Кафедра номи / Олий ўқув юрти
13.	Урганч давлат университети Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси https://urdu.uz/ru/site/departmentview?id=50
14.	Тошкент давлат юридик университети "Экологик ҳуқуқ" кафедраси https://tsul.uz/ru/all-departments/15/%E2%80%9C%20Ekologiya%20huguqi%E2%80%9D%20kafedras
15.	Ботаника ва экология кафедраси, Қарши Давлат университети https://qarshidu.uz/ru/page/botanika-va-ekologiya-kafedras

4-Илова – Омборхоналар сектори кесимида иссиқхона газлари эмиссияси, млн тСО₂-экв

Йил	Энергетика	СЖМФ*	Қишлоқ хўжалиги	Чиқиндилар	Жами эмиссия	FOLU**	
1990 й.	151,6	8,8	15,1	1,9	177,4	-14,1	163,3
2000 й.	184,2	5,9	16,0	2,4	208,5	-6,4	202,1
2010 й.	163,4	8,4	25,7	2,6	200,1	-12,9	187,1
2011 й.	164,3	8,2	26,9	2,6	202,0	-13,3	188,6
2012 й.	163,8	8,2	28,1	2,6	202,7	-12,9	189,8
2013 й.	150,2	8,2	29,2	2,7	190,3	-11,3	179,0
2014 й.	151,3	8,6	30,3	2,7	192,9	-13,0	179,8
2015 й.	142,2	8,4	32,0	2,7	185,3	-12,2	173,1
2016 й.	138,7	8,6	32,9	2,7	182,8	-10,5	172,3
2017 й.	144,4	8,5	33,7	2,7	189,2	-8,6	180,6
Ҳисса							
1990 й.	85,5%	5,5%	8,5%	1,1%	100,0%		
2013 й.	78,9%	4,3%	15,3%	1,4%	100,0%		
2017 й.	76,3%	4,5%	17,8%	1,4%	100,0%		

*СЖМФ - Саноат жараёнлари ва маҳсулотдан фойдаланиш

**FOLU - Ўрмон хўжалиги ва ердан фойдаланишнинг бошқа секторлари

5-Илова – Таъсирни юмшатиш чораларининг тахминий рўйхати

Сектор	Махсус тадбир номи	Мувофиқлик мезонлари
Энергетика	Электр энергияси, иситиш, механик энергия ёки совутиш учун қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш	Иссиқхона газлари эмиссияси қазиб олинадиган ёқилғи ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган иссиқхона газлари эмиссиясидан сезиларли даражада паст бўлиши керак. Дастлаб босқичда ишлаб чиқилган суюқ биоёқилғи бундан мустасно
	Электр энергияси, иситиш, механик энергия ёки совутиш учун қайта тикланадиган энергия ҳамда қазиб олинадиган энергиядан биргаликда фойдаланиш	Иссиқхона газлари эмиссияси қазиб олинадиган ёқилғи ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган иссиқхона газлари эмиссиясидан сезиларли даражада паст бўлиши керак Фақат қайта тикланадиган энергия манбаларига йўналтирилган харажатлар киритилиши керак
